

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Омонов Акром Абдиназарович
Қоралиев Тўрабой Маматқулович**

**БАНКЛАРДА
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲИСОБИ**

ДАРСЛИК

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2014 йил 3 мартдаги 79-сонли буйруғи билан
“Банк иши” таълим йўналиши талабалари (ўқитувчилари)
учун дарслик сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2014

БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

ДАРСЛИК

биринчи наشري

**Иқтисод фанлари номзоди
У.Ў.Азизов умумий тахрири остида**

Тақризчилар:

О.Ортиқов – и.ф.н.,

Д.Саидов – и.ф.н.

Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Дарслик, 1–нашри.
Омонов А.А., Қоралиев Т.М. ТМИ, –Т.: “Иқтисод-Молия” 2014.
295 б.

Дарслик Ўзбекистон Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ тайёрланган бўлиб, таълимнинг “Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ” билим соҳаси бўйича “Банкларда бухгалтерия ҳисоби” фанининг намунавий дастуридаги мавзуларни тўлиқ қамраб олган.

Дарсликда банкларда бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари, банкларда пул айланмаларининг бухгалтерия ҳисоби, банкларнинг актив ва пассив операцияларининг бухгалтерия ҳисоби, банкларнинг мулклари, молиявий натижаларининг ҳисоби ва ҳисоботлари акс эттирилган.

Дарслик банк ва молия йўналишида таълим олаётган талабалар, ўқитувчилар ва мутахассислар учун мўлжалланган.

ISBN

© «.....» нашриёти, 2014 й.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	6
1–БЎЛИМ. БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
<i>1–боб Банкларда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий асослари</i>	<i>9</i>
1.1. Банкларда ҳисоб–операцион ишларни ташкил этиш	9
1.2. Банкларнинг ҳисоб–операцион аппаратининг таркибий тузилиши	16
1.3. Банк баланси ва бухгалтерия ҳисобварақлар режаси	21
1.4. Бош китоб ва ёрдамчи китоб	26
<i>2–боб Банкларда ҳужжатлар айланиши ва ички назорат</i>	<i>33</i>
2.1. Пул ҳисоб–китоб ҳужжатлари ва банкларда иш жараёнини ташкил этиш	33
2.2. Банк ички назорати	39
<i>3–боб Банкларда ҳисобварақлар очиш ва юритиш тартиби</i>	<i>43</i>
3.1. Банк ҳисобварақларининг умумий қоидалари ва турлари	43
3.2. Резидент ва норезидентларга миллий ва хорижий валютада банк ҳисобварақларини очиш тартиби	46
3.3. Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси	52
3.4. Мижознинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказиш, операцияларни тўхтатиш ва ҳисобварақни ёпиш тартиби	55
2–БЎЛИМ. БАНКЛАРДА ПУЛ АЙЛАНМАЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ	
<i>4–боб Банкларнинг касса операциялари ва уларнинг ҳисоби</i>	<i>61</i>

4.1.	Касса ишларини ташкил этиш ва ҳужжатларни сақлаш	61
4.2.	Касса операциялари ва уларнинг ҳисоби	64
	<i>Касса ҳужжатларининг расмийлаштирилиши</i>	<i>66</i>
	<i>Айланма касса ва нақд пул захира фондлари қолдиқлари</i>	<i>69</i>
	<i>бўйича талаблар ва уларнинг ҳисоби</i>	<i>71</i>
	<i>Нақд пулларни қабул қилиш ва уларнинг ҳисоби</i>	<i>75</i>
4.3.	Инкассация қилинган нақд пулларнинг бухгалтерия	
	ҳисоби	78
4.4.	Тижорат банкларнинг мадад пулларини ҳисоби	82
5–боб	<i>Нақд пулсиз ҳисоб–китоблар ва уларнинг ҳисоби</i>	<i>86</i>
5.1.	Нақд пулсиз ҳисоб–китобларнинг умумий қоидалари	86
5.2.	Пул–ҳисоб–китоб ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби .	89
5.3.	Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб–китоблар ва	
	уларнинг ҳисоби	91
5.4.	Тўлов талабномалари билан ҳисоб–китоблар ва уларнинг	
	ҳисоби	98
5.5.	Аккредитивлар билан ҳисоб–китоблар ва уларнинг ҳисоби ...	106
5.6.	Инкассо топшириқномалар билан ҳисоб–китоблар ва	
	уларнинг ҳисоби	112
5.7.	Чеклар билан ҳисоб–китоблар ва уларнинг ҳисоби	114
5.8.	Пластик карточкалар билан ҳисоб–китоблар	118
5.9.	Мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш ва уни ташкил	
	этиш	122
6–боб	<i>Банклараро ҳисоб–китоблар ва тўлов кетма–кетлиги</i>	<i>126</i>
6.1.	Электрон тўлов тизими ва банклараро пул ўтказмаларининг	
	ҳисоби	126
6.2.	Мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича тўловлар кетма–	
	кетлигини амалга ошириш тартиби	130
6.3.	Мижознинг ҳисобварағида маблағлар етишмаганда	
	тўловларни амалга ошириш тартиби	133

3–БЎЛИМ. БАНКЛАРНИНГ АКТИВ ВА ПАССИВ

ОПЕРАЦИЯЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

7–боб	<i>Банкларнинг актив операциялари ва уларнинг ҳисоби</i>	138
7.1.	Кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисоби	138
7.2.	Банкларнинг инвестицион операциялари ва уларнинг ҳисоби	146
7.3.	Банкларнинг ноаънавий операцияларининг ҳисоби	151
8–боб	<i>Банкларнинг пассив операциялари ва уларнинг ҳисоби</i>	161
8.1.	Банкларнинг қимматли қоғозлари билан операциялари ва уларнинг ҳисоби	161
8.2.	Банкларнинг депозит операциялари ва уларнинг ҳисоби	163

4–БЎЛИМ. БАНКЛАРНИНГ МУЛКЛАРИ, МОЛИЯВИЙ

НАТИЖАЛАРИНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТЛАРИ

9–боб	<i>Банк мулклари ва молиявий натижалар ҳисоби</i>	169
9.1.	Банкларнинг асосий воситалари ва уларнинг ҳисоби	169
9.2.	Банкларнинг кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларининг ҳисоби	177
9.3.	Банкларнинг номоддий активларининг ҳисоби	181
9.4.	Банк даромадлари ва харажатларининг ҳисоби	183
9.5.	Банк фойдаси ва унинг ҳисоби	193
9.6.	Банкларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлари ҳисоби	196
9.7.	Банк устав капиталини шаклланиши ва унинг ҳисоби	212
10–боб	<i>Банкларнинг ҳисоботлари</i>	220
10.1.	Бухгалтерия ҳисоботлари, уларнинг таркиби ва шакллари	219
10.2.	Банкларда бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозалари	222

Глоссарий

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

СЎЗ БОШИ

Банклар ҳар куни бир неча юз минглаб операцияларни амалга оширади ва турли хил банк хизматларини кўрсатади. Буларнинг барчаси банкларда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади ва тегишли ҳисоботларда қайд этилади.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузиш нафақат банк мижозлари ва аҳолига сифатли банк хизматларини кўрсатиш, балки банк акциядорлари, кредиторлари, инвесторлари, мижозлари ва давлат молия муассасаларини зарур ахборот билан таъминлаш ҳамда банкнинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий самарадорлигини назорат қилишда муҳим ўрин тутади. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимиз банк тизими бухгалтерия ҳисобини юритиш, мижозларга банк хизматларини кўрсатиш ва ҳисоботларни тайёрлашда мисли кўрилмаган ўзгаришлар ва янгиликлар жорий этилди.

Дарсликни тайёрлашда банк тизимида юз бераётган айнан шу жиҳатларга, яъни замонавий шароитда банк бухгалтериясини юритиш ва ташкил этишда жорий этилаётган операцияларнинг ҳисоби ва банк хизматларининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, дарсликда банк бухгалтерия ишларини амалга оширишда жорий этилган “Фронт офис” ва “Бэк офис” каби тушунчаларнинг моҳиятини очиб бериш билан бирга, уларнинг ишлаш тартиби, афзаллик жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятлари атрофлича баён этилган.

“Банкларда бухгалтерия ҳисоби” курсида талабалар банкларнинг ҳисоб–операцион техникасининг вазифаси ва моҳиятини ўрганади. Мазкур дарсликда банкларда бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари, пул айланмаларининг бухгалтерия ҳисоби, банкларнинг актив ва пассив операцияларининг бухгалтерия ҳисоби, банкларнинг мулклари, молиявий натижаларининг ҳисоби ва ҳисоботлари, шунингдек, ноанаънавий операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш амалиёти акс эттирилган. Шу билан бирга, банк операцион ходимлари томонидан нақд пулсиз ҳисоб–китобларни ташкил этиш, яъни банкларнинг мижозлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб–китобларни амалга оширишларидаги воситачилик операцияларига эътибор қаратилган.

“Банкларда бухгалтерия ҳисоби” курсини ўрганишга киришишдан олдин талаба қуйидаги курсларни чуқур билиши мақсадга мувофиқ:

- бухгалтерия ҳисобининг назарияси;
- банк иши;
- пул, кредит ва банклар;
- молия.

Дарслик таркибий тузилиши жиҳатидан сўз боши, тўртта бўлим, 10 та боб, 40 та параграф, глоссарий ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Биринчи бўлимда “Банкларда бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари” ёритилган. Хусусан, бўлим доирасида банкларда бухгалтерия ҳисобининг ташкилий асослари, ҳужжатлар айланиши ва ички назорат, шунингдек, банкларда ҳисобварақлар очиш ва юритиш тартиби каби масалалар баён этилган.

Иккинчи “Банкларда пул айланмаларининг бухгалтерия ҳисоби” номли бўлимида касса операциялари, ҳисоб–китоб операцияларини ташкил этиш ва уларнинг ҳисоби, шунингдек, банклараро ҳисоб–китоблар ва тўлов кетма–кетлиги каби масалалар ёритилган.

Учинчи бўлимда “Банкларнинг актив ва пассив операциялари бухгалтерия ҳисоби” билан боғлиқ масалалар баён этилади, шунингдек, мазкур бўлимда банкларда чет эл валюталарнинг операциялари ва уларнинг ҳисоби ёритилган.

Дарсликнинг сўнги, тўртинчи бўлимида “Банкларнинг мулклари, молиявий натижаларининг ҳисоби ва ҳисоботлари” каби масалалар атрофлича баён этилган.

Шунингдек, дарсликнинг яна бир ўзига хос жиҳати унда банкларда бухгалтерия ҳисоби ва операциялар билан боғлиқ атамаларнинг луғатлари ҳамда банк бухгалтерия операцияларини расмийлаштиришда қўлланиладиган ҳужжатларнинг шакллари келтирилган бўлиб, дарсликнинг бу икки жиҳати ўқувчининг банкларда бухгалтерия ҳисобини ўрганиш жараёнига жуда катта ижобий таъсир кўрсатади.

Дарсликнинг “Банк мулклари ва молиявий натижалар ҳисоби” 9–бобини тайёрлашда мустақил изланувчи С.А.Абдуллаева ҳаммуаллиф сифатида иштирок этган.

“Банкларда бухгалтерия ҳисоби” дарслиги биринчи илк бора ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётганлиги боис, айрим камчилик ёки мулоҳазали ҳолатлардан холи бўлмаслиги мумкин, бу борада ўқувчиларнинг таклиф ва фикрлари муаллифлар томонидан миннатдорчилик билан қабул қилинади.

I БЎЛИМ

БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1 – БОБ

БАНКЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Банкларда ҳисоб–операцион ишларни ташкил этиш

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг юритилиши, ҳисоб-операцион ишларининг тўғри ташкил этилиши ва самарали назоратнинг жорий этилиши банк вазифаларини тўлиқ бажаришини, инвесторлар, кредиторлар, ҳукумат муассасалари, вазирликлар ва мижозлар, шунингдек, банк акциядорлари учун зарур ахборотлар олиш ва қарорлар қабул қилиш имкониятини таъминлайди.

Банкларда молиявий ресурсларни шакллантириш ва уларни жойлаштириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни ҳисоб варақларда акс эттириш ва бухгалтерия ҳисоботларини тузиш **банк бухгалтерия ҳисобининг предмети** ҳисобланади.

Банкларнинг активлари, мажбуриятлари, капитали, захираси, даромад ва харажатлари, фойда ва зарарлари ҳамда уларнинг харакати билан боғлиқ операциялари **банк бухгалтерия ҳисобининг объекти** ҳисобланади.

Ўзбекистон банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва тегишли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш Ўзбекистон

Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 5–моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юклатилган. Марказий банк “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки” тўғрисидаги қонунга мувофиқ самарали тўлов тизимини ташкил этиш ва банкларда бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисоботларини аниқлаш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банкларда бухгалтерия ҳисобини самарали ташкил этиш, банклар орқали амалга оширилаётган операцияларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида республика Марказий банки ва унинг ҳудудий бош бошқармаларида тегишли таркибий тузилмаларга эга. Шунингдек, республика тижорат банклари таркибий тузилмаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, назоратини амалга ошириш ва амалиётга жорий қилиш бўйича масъул бошқарма ва бўлимлар фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон банк тизимида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва амалга ошириш тўлиқ автоматлаштирилган электрон тўлов тизимига ўтказилган, мазкур вазифаларни амалга ошириш Марказий банк ва унинг ҳудудий Бош бошқармалари таркибида ташкил этилган Ахборотлаштириш бош маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари зиммасига юклатилган.

Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги каби, **банклар бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади** ундан фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдан иборатдир. Ушбу мақсадни амалга оширишда банк бухгалтерия ҳисоби қуйидаги функцияларни бажаради:

–ҳукуматни иқтисодиёт тармоқлари ўртасида пул оқимлари устидан мониторинг ўтказиш ва ижтимоий–иқтисодий аҳамиятига эга бўлган қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш;

–ҳалқаро молия ташкилотлари, инвесторлар ва хорижий ҳамкорларни банкларнинг фаолияти ва молиявий ҳолати бўйича маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондириш;

–Марказий банкнинг мамлакат пул тизими, пул ўтказмалари устидан назорат қилиш, монетар сиёсатни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаш;

–тижорат банклари бошқарув кенгаши ва акциядорлари, инвесторлари ва мижозлар учун қарорлар қабул қилиш ва зарур ахборотларни олиш имкониятини яратиш ва бошқа мақсадларни ўз ичига олади.

Марказий банк ва тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини юритишда қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади:

- ҳисоб–китоб, касса, валюта, кредит ҳамда бошқа банк операцияларини тўғри бажариш ҳамда уларни бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида ўз вақтида ва аниқ акс эттириш;

- банк активлари, мажбуриятлари, даромадлари ва харажатлари ҳамда капитали ҳолати ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ишончли маълумотлар тўплаш;

- банкнинг молиявий ҳолати, молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар ва молиявий натижалари тўғрисидаги ва банк раҳбарияти фаолиятига баҳо берувчи молиявий ҳисоботларни тузиш учун хизмат қилувчи ахборотлар тизимини яратиш;

- банк иш куни тартибига қатъий риоя қилиш, мижозларга тез ва аниқ хизмат кўрсатиш;

- ҳисоб–китоблардаги маблағлар айланишини тезлаштириш;

- банкдан чиқаётган ҳужжатларни тегишли тарзда расмийлаштириш ва бунинг натижасида улардан фойдаланишни осонлаштириш, шунингдек, бошқа банкларда ушбу ҳужжатлар билан операциялар бажарилишини ҳамда улар томонидан хизмат кўрсатувчи мижозларнинг операциялари ҳисобини юритишни белгиланган талабларга мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

- банкдаги пул маблағлари, моддий қимматликлар, шунингдек, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар камомати ёки ортиқчалигига йўл қўймаслик ҳамда белгиланган тартибда уларнинг сақланишини ташкил этиш;

- операцияларнинг қонунийлиги ҳамда тўғрилигини доимий ички назорат ва аудитдан ўтказиш, уларнинг натижалари бўйича маълумотномалар тузиш ва расмийлаштириш имкониятини яратиш;

- пул–тўлов ҳужжатлари асосида амалга ошириладиган тўловлар ва пул ўтказмаларнинг иқтисодий ҳафсизлиги ҳамда қонунийлигини таъминлаш;

- замонавий компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда банк операциялари ҳисобини дастурий амалга ошириш, ҳисоб ишларини юритиш ҳамда ҳисоботлар тузишда меҳнат ва маблағ сарфини қисқартириш каби масалалар шулар жумласидандир.

Банкларнинг молиявий маблағларини вужудга келиш манбалари ва уларнинг жойлаштирилиши бухгалтерия балансида акс эттирилади.

Банкнинг баланси актив ва пассив қисмдан ташкил топган икки томоннинг ўзаро тенглигидир. Банк балансининг пассивида молиявий маблағларнинг вужудга келиш манбалари, унинг активида эса молиявий ресурсларнинг тегишли мақсадларга жойлаштирилиши акс эттирилади.

Банк балансининг пассиви қуйидаги молиявий манбаларидан ташкил топади.

Банкнинг ўз маблағлари

- устав капитали
- эмиссион даромад
- захира капитали
- тақсимланмаган фойда
- соф фойда
- субординалашган қарз мажбуриятлари
- бошқа манбалар

Банкнинг жалб қилинган маблағлари

- депозитлар
 - *муддатсиз депозитлар*
 - *жамгарма сертификатлар*

- мuddатли деозитлар
- банклараро кредитлар
- қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобидан шакллантирилган маблағлар
- Марказий банкнинг кредити

Даромадалр

Бошқа мажбуриятлар

Банклар пасcив операциялар натижасида жалб қилинган маблағларни актив операцияларга жойлаштиради.

Банк балансининг активлари қуйидаги таркибдан ташкил топади:

Нақд пуллар ва унга тенглаштирилган пул ҳужжатлари

Марказий банк ва бошқа банклардаги маблағлари

Кредитлар

Инвестициялар

Депозитга жойлаштирган маблағлар

Ижара ва лизинг

Асосий воситалар ва бошқа мулклар

Харажатлар

Бошқа активлар

Банкларда амалга оширилаётган операциялар қуйидагича гуруҳланади:

- касса операциялари (касса хизматлари);
- ҳисоб–китоб операциялари (ҳисоб–китоб хизматлари);
- кредит операциялари (маблағларни жойлаштириш);
- депозит операциялари (маблағларни жалб қилиш);
- қимматли қоғозлар билан операциялар (сотиш ва сотиб олиш);
- чет эл валюталари билан операциялар;
- банклараро операциялар;
- банкнинг ички операциялари (мулклар, капитал ва фондларнинг ҳаракати);
- фаолият натижаси билан боғлиқ бошқа операциялар.

Юқорида қайд этилган операциялар бухгалтерия ҳисобининг икки ёқлама ёзувида акс эттирилади, унинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

- хужжатлаштириш;
- инвентарзация;
- баҳолаш;
- ҳисобрақам;
- икки ёқлама ёзув;
- баланс;
- молиявий ҳисоботлар.

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг элементлари иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари бухгалтерия ҳисоби билан узвий боғлиқ. Ушбу боғлиқлик банк томонидан амалга оширилган касса, ҳисоб–китоб, кредит ва бошқа операциялар корхона ва ташкилотларнинг балансида ҳам акс эттирилади.

Корхоналарнинг касса ва ҳисоб-китоб рақами бўйича амалга оширилган банк балансининг активида акс эттирилса, корхона балансининг пассивида ҳисобга олинади ва аксинча. Масалан, корхона ва муассасаларнинг пул маблағлари уларнинг балансини активида ҳисобга олинса, уларнинг банкдаги ҳисоб-китоб варағининг пассивида акс эттирилади.

Банклар томонидан операцион кун давомида амалга оширилган ҳисоб–китоб, кредит ва бошқа операциялар мижозларга очилган ҳисоб варақларининг аналитик ҳисобининг кўчирмаларида акс эттирилиб, кунлик баланс тузиш асосида назорат қилиб борилади.

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг базаси операцион ишлар ҳисобланиб, унга қуйидаги жараёнлар киради.

1. Банк мижозларидан қабул қилинадиган пул ва ҳисоб–китоб хужжатлар тўғри ва аниқ расмийлаштирилишини назорат қилиш.

2. Бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш учун хужжатларни тайёрлаш.

3. Ҳисоб–китоб ҳужжатлари ва муддатли мажбуриятлар бўйича картотекаларни юритиш.

4. Тўловларни ўз вақтида амалга оширилиши устидан назоратни амалга ошириш.

5. Турли банкда хизмат кўрсатиладиган пул маблағларини тўловчилар ва олувчилар ўртасидаги операциялар вакиллик ҳисобварақлари орқали амалга ошириш.

Банкларда операцион ишларни амалга ошириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг умумий жараёни **“ҳисоб–операцион ишлари”** сифатида аталса, ушбу ишларни амалга оширувчи масъул ходимларни **“ҳисоб–операцион аппарати”** деб юритлади.

Банкларда ҳисоб–операцион ишлари қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши мақсадга мувофиқ:

- кун бошланишидан олдин ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақларни ўзаро тенглигини солиштириб кўриш (Марказий банкнинг Ҳисоблаш марказида юритилладиган вакиллик ҳисобварақағи ва тижорат банкидаги вакиллик ҳисобварағидаги ўтган иш кундаги операциялар ва қолдиқ суммалари ўзаро мос келиш керак);

- мижозлардан олинган ва бошқа манзиллардан келиб тушган пул, тўлов ҳужжатларни тегишли назоратдан ўтказиш ва шу куннинг ўзида бухгалтерия ҳисобида акс эттириш;

- операцион кун тугашидан икки соат олдин қабул қилинган тўлов талабномалар ва инкассо топширқномаларнинг тўланиши ёки тўловчининг банкига жўнатилишини таъминлаш;

- тўловлар бўйича талаблар тўловчининг ҳисобварағида кун бошига мавжуд бўлган маблағлар ва кун давомида келиб тушадиган эркин маблағлар ҳисобидан тўланишини таъминлаш;

- мижознинг ҳисобварағида маблағлар тақчиллиги шароитида тўловлар кетма–кетлигига қабтий риоя этиш;

- мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича операциялар амалга оширилгандан кечиктирмасдан тегишли кўчирмаларни тақдим этиш;

- куннинг сўнггида “end” файлни Марказий банкнинг Ҳисоблаш марказидан олгандан кейин кунни ёпиш, ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар айламасини, кунлик айламалар ва балансни чиқариш ва бошқа бухгалтерия ишларини амалга ошириш лозим.

Юқорида қайд этилган талабларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш ҳамда пул–тўлов ҳужжатларни тўхтовсиз ўтишини таъминлаш учун банкларда ҳисоб–операцион ишларини аниқ режа асосида ташкил этиш ва масъул ходимлар ўртасида ўзаро тенг ҳажмда тақсимланиши муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Банкларнинг ҳисоб–операцион аппаратнинг таркибий тузилиши

Банкларда ҳисоб–операцион аппарати уларнинг бажарадиган операциялари ва уларга юклатилган ишларнинг ҳажмидан келиб чиқиб ташкил этилади. Банкнинг ҳисоб–операцион аппарати пул–тўлов ҳужжатларини қабул қилиш, назоратдан ўтказиш, расмийлаштириш ва банкнинг бухгалтерия ҳисобини акс эттириш билан банд бўлган банкнинг масъул ходимларидан ташкил топади.

Банкларнинг хизмат кўрсатиш даражаси ва иш ҳажмига қараб ҳисоб–операцион аппарати қуйидаги мутахассис ходимлардан шакллантирилади:

- бош бухгалтер;
- масъул ижрочилар (бевосита мижозлар билан ишлайди);
- назоратчи бухгалтерлар;
- операцияларни амалга оширувчи ходимлар;
- операторлар.

Масъул ижрочи ва назоратчи бухгалтерлар зиммасига муайян ҳисобварақларни юритиш ёки алоҳида операцияларни амалга ошириш

ишлари юклатилади. Банкнинг бош бухгалтери масъул ижрочиларга вазифаларни тақсимлаганда мижозлар ва улар томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиши лозим. Хусусан, ҳисобварақлар бухгалтерия ходимлари ўртасида шундай тақсимланиши керакки, бунда бир хўжалик юритувчи субъектнинг барча депозит ва ссуда ҳисобварақлари битта бухгалтерия ходими томонидан юритилиши керак, чет эл валютасида очилган ҳисобварақлар бундан мустасно. Ҳисобварақларни бухгалтерия ходимлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш китоби дастурий равишда юритилади ҳамда махсус дафтарда қайд этиб борилади.

Банкларда ҳисоб–операцион аппарати таркибини ташкил этиш, уларнинг банк қонунчилиги доирасида фаолият юритиши билан боғлиқ масъулият банк бошқарувчиси зиммасига юклатилади.

Ўзбекистонда банкларнинг ҳисоб–операцион аппарати Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома ҳамда унга қилинган қўшимчаларга асосан ташкил этилади. *(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2006 йил 15 июнда тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда 1834–сон билан давлат рўйхатиغا олинган).*


Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш банк бошқарувчиси зиммасига юклатилган. Банкнинг бухгалтерия аппаратига бош бухгалтер раҳбарлик қилади. Бош бухгалтер бўлмаган вақтда унинг вазифаларини бош бухгалтер ўринбосари бажаради.

Банкнинг бош бухгалтери:

- банк ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни бажарилишини таъминлашга;
- бухгалтерия ҳисобини қонунчилик доирасида юритишга;

– банкда амалга ошириладиган барча операцияларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоботларни тузишга масъул ҳисобланади. Шунингдек, банкнинг бош бухгалтери банкда ҳужжатларни айланиш жадвалини ишлаб чиқади ва уни бажарилишини таъминлайди.

Қуйидаги расмда бош бухгалтер ва унинг ўринбосарлари ва бўлимлар ҳақида маълумотлар келтирилган.



1.1–расм. Банкларда ҳисоб–операцион аппаратининг таркибини намунавий кўриниши.

Банкларда ҳисоб–операцион аппарати иккита таркибий тузилмадан, яъни **Бэк–офис** ва **Фронт–офисдан** ташкил топади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши банкларда Бэк офис ва Фронт офис каби иқтисодий тушунчаларни кириб келишига сабаб бўлди. Ушбу бўлимларнинг вужудга келиши банкларда бухгалтерия ишларини юритиш бўйича самарадорлигини ошириш билан бирга, банк ходимлари ўртасида масъулиятларни ўзаро тақсимланиш ва аниқ бўлишига олиб келди. Албатта бу мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилади ва бухгалтерия ишларини тезкор ҳал этиш имкониятини беради.

Бэк–офис – банкнинг таркибий қисми бўлиб, унда Фронт–офисда дастлабки назоратдан ўтган ва ижро учун тақдим қилинган ҳужжатлар қайта назоратдан ўтказилади ва банк бухгалтерия операциялари амалга оширилади.


Бэк–офиснинг асосий вазифаси Фронт–офис томонидан дастлабки назоратдан ўтказилиб, маъқулланган барча банк операцияларни қайтадан жорий назоратдан ўтказиб, уларни икки ёқлама ёзув ёрдамида бухгалтерия регистрларида қайд этиш ва тегишли ҳисоботлар тайёрлашдан иборат.


Бэк–офис мижозлар билан бевосита мулоқотда бўлмайди, мижозларнинг операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича Фронт–офис ва банкнинг ички молиявий–хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича банк маъмурияти билан алоқада бўлади. Бэк–офисга Бэк–офис бошлиғи раҳбарлик қилади. Бэк–офиснинг бошлиғи банк бош бухгалтерига бўйсуниб, у томонидан амалга оширилган барча бухгалтерия ишлари ва бухгалтерия ҳисоботлари бевосита банк бош бухгалтер томонидан назорат қилиб борилади.

Фронт–офис – банкнинг таркибий қисми бўлиб, қонун ҳужжатларида назарда тутилган банк операцияларини амалга оширишда банк мижозлари билан бевосита мулоқотда бўлган ҳолда унда барча банк хизматларини кўрсатувчи ходимлар гуруҳи фаолият юритади.

Фронт–офиснинг асосий вазифаси мижозларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш ва улар юзасидан шартномалар тузиш, пул ҳисоб–китоб ҳужжатларини қабул қилиш ва расмийлаштириш ҳамда пул ҳисоб–китоб операцияларини ўтганини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни беришдан иборат.

Банкларнинг Бэк–офис ва Фронт–офисларининг таркибий тузилиши қуйидаги расмда келтирилган.





1.2–расм. Ўзбекистон банкларида ҳисоб–операцион аппаратини тузилишини намунавий кўриниши.

Юқорида таъкидланганидек, банк ҳисоб-операцион аппаратининг ташкилий тузилиши ва унда ташкил этиладиган бўлимлар сони амалга ошириладиган операциялар ҳажмига ва уларнинг автоматлаштирилганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Иш ҳажми кичик банкларда ҳисоб-операцион аппарати банкнинг яхлит бўлинмаси сифатида фаолият юритиши мумкин. Бунда банклараро ҳисоб-китоблар, чет эл валютаси бўйича операциялар ва банкнинг ички ҳисобварақлари бўйича операцияларнинг ҳисобини юритиш махсус бўлимларга топширилиши мумкин.

Банкларнинг ҳисоб-операцион аппарати ходимларининг аниқ вазифалари банк бошқарувчисининг буйруғи билан тасдиқланади. Масъул ижрочи ва назоратчи бухгалтерлар зиммасига муайян ҳисобварақларни юритиш ишлари юклатилади. Битта масъул ижрочига битта хўжалик юритувчи субъектнинг барча депозит ва ссуда ҳисобварақлари юритиш юритилади, бу ҳақда махсус дафтарда қайд этиб борилади.

Банк ҳисоб-операцион аппарати ходимлари турли муҳрлар, штамплар ва бошқа қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлардан фойдаланади, уларнинг бут сақланиши, мижозлар ва бегона шахслар томонидан фойдаланишга йўл

қўйилмаслиги жуда муҳим ҳисобланади ва умумий назоратни амалга ошириш банк бош бухгалтери зиммасига юклатилади.

Бош бухгалтер банк муҳрлари ва штампларидан фойдаланаётган масъул шахсларнинг фамилияси ва лавозими кўрсатилган махсус дафтарда қайд этиб боради. Ходим меҳнат таътилига чиққанда ёки бошқа сабабларга кўра ишда бўлмаган ҳолларда унга бириктирилган ҳисобварақлар, муҳр ва штамплар бошқа ходимга топширилади ва бу ҳақда махсус дафтарда тегишли ёзувлар қайд этилади. Дафтар варақлари рақамланган, боғланган ва банк муҳри, банк раҳбари ҳамда бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланган бўлиши ва бош бухгалтер сейфида сақланиши лозим.

1.3. Банк баланси ва бухгалтерия ҳисобварақлар режаси

Банк баланси актив ва пассив қисмлардан иборат бўлиб, унинг иқтисодий моҳияти тенглик деган маънони англатади. Банк баланси дастлабки бухгалтерия маълумотлари асосида иш кунининг охирида тузилади. Балансда ёрдамчи (аналитик ҳисоб) китобнинг маълумотлари асосида жамланган бош (синтетик ҳисоб) китоб қолдиқ суммаларининг йиғиндиси акс эттирилади.

Банкнинг ёрдамчи китобида иш куни давомида бажарилган барча актив ва пассив, даромад ва харажатлар бўйича операциялар қайд этилади. Ёрдамчи китобнинг дастлабки маълумотлари асосида банк баланси тузилади. Баланс ёрдамида банк ресурсларининг шаклланиши ва жойлашиши, кредит, ҳисоб–китоб, касса ва бошқа операциялар ҳолати устидан назорат амалга оширилади.

Банк бухгалтерия ҳисобварақлари режаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “*Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида*”ги қонуни ҳамда “*Банклар ва банк фаолияти тўғрисида*”ги қонун талаблари асосида Марказий банк томонидан ишлаб чиқилиб 2004 йил

17 июлдаги 15/3–сон Қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2004 йил 13 августда 773-17–сон билан рўйхатдан ўтказилган. Мазкур ҳисобварақлар режаси Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ягона бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг методологик асосини белгилаб беради (1-илова).

Бухгалтерия ҳисобварақлар режаси бош бухгалтер китобига кирувчи барча ҳисобварақларни ўзида акс эттирган бўлиб, улар бухгалтерия ҳисобини амалга оширишда, таҳлилда, гуруҳларга ажратишда ва банк операциялари бўйича ҳисоботларни тузишда қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобварақлар режасида айтилган пайтда банклар томонидан амалга ошириладиган барча операцияларнинг турлари мужассамлашган бўлиб, улар ҳисобварақлар орқали банк балансида ўз аксини топади.

Ҳисобварақлар режаси кўп валютали бухгалтерия ҳисобига асосланган бўлиб, барча ҳисобварақлар белгиланган тартибда чет эл валюталарини турлари бўйича ҳисобга олиш ва баланс тузиш имкониятини беради. Валюталарнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида синтетик ҳисобни юритиш учун Бош китоб очилади, аналитик ҳисоб Ёрдамчи китобда юритилади.

Ёрдамчи китобда ҳисобга олинган суммаларнинг йиғиндиси Бош китоб суммасига албатта мос келиши лозим. Банк томонидан амалга оширилаётган валюталарнинг тури бўйича ҳар бир операция Ёрдамчи ва Бош китобда мос равишда қайд этилиши лозим бўлади. Бош китоб суммасининг йиғиндиси асосида тузилган чет эл валюталаридаги баланслар куннинг охирида Марказий банк томонидан ўрнатилган курс бўйича миллий валютада умумлаштирилган (консолидированный) балансга ўтказилади.

Ҳисобварақларни кодлаштириш қуйидаги мақсадлар учун ишлаб чиқилган:

* ҳисобварақларнинг Бош ва Ёрдамчи китобларда жойланишини енгиллаштириш;

* ҳисобварақларни бир тизимда таснифлаш ва гуруҳлашга ёрдам бериш;

* ҳисоб жараёнларини автоматлаштиришни енгиллаштириш;

* операциялар ёзувини тезлаштириш.

Баланс ҳисобварақларининг Бош китобда кодлаштириш тизими қуйидаги схема бўйича бешта белгидан иборатлиги қабул қилинган:

C	MM	SS
C	Ҳисобварақа туркуми (категорияси):	
1	Актив (актив ҳисобварақлар)	
2	Мажбуриятлар (пассив ҳисобварақлар)	
3	Капитал (пассив ҳисобварақлар)	
4	Даромадлар (пассив ҳисобварақлар)	
5	Харажатлар (актив ҳисобварақлар)	
9	Кўзда тутилмаган ҳолатлар	

MM	Ҳисобварақа туркумига тегишли асосий ҳисобварақлар (биринчи тартиб)
----	---

SS	Асосий ҳисобварақларга тегишли субҳисобварақлар (иккинчи тартиб)
----	--

Бу ерда:

С–ушбу код ҳисобварақлар режасининг бошланғич, яъни бош рақамини англатиб, ҳисобварақларнинг актив ёки пассив гуруҳга ҳамда баланسدан ташқари (кўзда тутилмаган ҳолатларга) ҳисобварақларга мансублигини англатади. Юқоридаги жадвалнинг ҳисобварақлар туркумида 1 рақами билан бошланган ҳисобварақлар актив, 2 рақами билан бошланган ҳисобварақлар мажбуриятлар (пассив) ва ҳақозо эканлиги қайд этилган.

Масалан, 10101 дан 19999 гача бўлган ҳисобварақлар актив ҳисобварақлар ҳисобланади, 20200 дан 29896 гача бўлган ҳисобварақлар (банкнинг мажбуриятлари) пассив ҳисобварақлар ҳисобланади, 30300 дан 31206 гача бўлган ҳисобварақлар (банк капитали ва бошқа маблағлари) пассив ҳисобварақлар ҳисобланади, 40200 дан 45994 гача бўлган ҳисобварақлар (банкнинг даромадлари) пассив ҳисобварақлар ҳисобланади,

50100 дан 56902 гача бўлган ҳисобварақлар (банкнинг харажатлари) актив ҳисобварақлар ҳисобланади.

Актив ҳисоб–варақларда маблағларнинг кўпайиши дебетда, камайиши эса кредитда акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақларда қолдиқ суммалар дебетда вужудга келади, контр актив ҳисобварақлар бундан мустасно. Актив ҳисобварақларда ҳисобга олинган суммалар банк томонидан маблағларни маълум мақсадларга жойлаштирганлигини англатади.

Пассив ҳисоб–варақларда маблағларнинг кўпайиши кредитда, камайиши эса дебетда акс эттирилади. Ушбу ҳисобварақларда қолдиқ суммалар кредитда вужудга келади, контр пассив ҳисобварақлар бундан мустасно. Пассив ҳисобварақларда ҳисобга олинган суммалар банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларнинг манбаларини англатади.

Шу билан бирга, ҳисобварақлар режасининг 9 бўлимида кўзда тутилмаган ҳолатлар мавжуд бўлиб, ушбу ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилсада, кунлик балансга бевосита таъсир этмайди. Аммо улар бўйича амалга оширилган бухгалтерия ёзувларининг ҳаққонийлигини текшириб бориш мақсадида ушбу ҳисобварақлар бўйича куннинг охирида баланс тузилади.

“Кўзда тутилмаган ҳолатлар” бўлимига операцияларни икки ёқлама ёзув услуби бўйича акс эттириш ва амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини қўшимча назорат қилиш имконини берувчи контр–актив ҳисобварақлар киритилган.

ММ–ушбу код орқали ҳисобварақлар режасининг навбатдаги иккита рақамнинг, яъни бешта рақамдан иборат бўлган ҳисобрақамнинг 2 ва 3 рақамлари моҳияти ифода этилади. Банк бухгалтерия ҳисобида бош китобдаги ушбу иккита рақам ҳисобварақ режасининг «биринчи тартибли» рақамлари деб юритилади.

Бош китобдаги 10000 актив ёки 20000 пассив ҳисобварақ эканлиги маълум, энди ушбу актив ёки пассив ҳисобварақларда қандай гуруҳдаги

активлар ёки пассивлар ҳисобга олинишини билиш учун биринчи тартибли, яъни навбатдаги иккита рақамнинг моҳиятини аниқлаймиз.

Масалан, 10100 – бу ерда 01 «Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари» ёки 10300 – бу ерда 03 «Банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақлари» эканлигини англатади. Худди шунингдек, 20200 – бу ерда 02 «Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» ёки 20400 – бу ерда 04 «Жамғарма депозитлар» эканлигини англатмоқда ва ҳ.к.

SS – ушбу код банк бухгалтерия ҳисоби бош китобининг асосий ҳисобварақларга тегишли охириги иккита субҳисобварақларнинг моҳиятини очиқ беради ва бухгалтерия ҳисобварақлар режасида “иккинчи тартибли” ҳисобварақлар ҳисобланади.

Масалан, 10101 – бу ерда 01 “Айланма кассадаги нақд пуллар”, 10107 – бу ерда 07 “Банкоматлардаги нақд пуллар”, 10301 – бу ерда 01 “Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро”, 10309 – бу ерда 09 “Марказий банкдаги мажбурий захира ҳисобварағи” эканлигини билдирмоқда. Худди шунингдек, 20202 – бу ерда 02 “Ҳукуматнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари” ёки 20410 – бу ерда 10 “Давлат корхона, ташкилот ва муассасаларининг жамғарма депозитлари” эканлигини англатмоқда ва ҳ.к.

Ҳисобварақлар режасида ҳар бир ҳисобварақ учун актив ёки пассив бўлиши, актив–пассив қолдиқларга эга бўладиган айрим ҳисобварақлардан ташқари аниқ белгилаб қўйилган. Демак, актив ҳисобварақларга “Активлар”, “Харажатлар” ва “Кўзда тутилмаган ҳолатлар” бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари, пассив ҳисобварақларга “Мажбуриятлар”, “Капитал” ва “Даромадлар” бўлимларидаги баланс ҳисобварақлари таъллуқлидир.

Активларнинг реал қийматини акс эттириш мақсадида “Активлар” бўлимига контр–актив ҳисобварақлари, мажбуриятларнинг реал қийматини

акс эттириш мақсадида эса “Мажбуриятлар” бўлимига контр–пассив ҳисобварақлар киритилган.

Баъзи ҳисобварақлардан ташқари “Активлар” ликвидлилик, “Мажбуриятлар” эса муддатлилик тамойилларига асосан таснифланган. “Даромадлар” ва “Харажатлар” бўлими учун ёрдамчи китоб кўзда тутилмаган бўлиб, ушбу бўлимлардаги ҳисобварақлар банк ички ҳисобварақлари ҳисобланади. Тижорат банклари Марказий банк талаблари ва ички ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ушбу ҳисобварақларда ёрдамчи китобни қандай юритишни ўзлари белгилайдилар.

1.4.Бош китоб ва ёрдамчи китоб

Банк бухгалтерияси бош ва ёрдамчи китобларда юритилади. Бош китоб (ёки синтетик ҳисоб) ёрдамчи китобда (ёки аналитик ҳисоб) акс эттирилган суммаларнинг баланс ҳисоб рақамларида умумий йиғиндисини акс эттириб боради.

Бош китобнинг материаллари бўлиб кунлик, ойлик ва йиллик айланма ведомост ва баланслар, маҳаллий бюджетга ажратмалар бўйича ведомостлар ҳисобланади.

Касса кирим ва чиқим журналлари икки нусхада махсус компьютер дастури асосида тузилади, журналда миқдорнинг ҳисобварақаси номери, касса чиқим ёки кирим симболи ва суммаси қайд этилади (2-илова). Операцион кун тугагандан сўнг жами суммалар баланс ҳисоб рақамлар бўйича жамланади ва тегишли ходимларнинг текширувидан сўнг имзоланиб, кунлик бухгалтерия ҳужжатлар жилдига тикилади.

Кунлик айланма ведомост ва баланслар банкка миқдорлардан ва электрон тўлов тизим орқали келиб тушаётган ҳамда банкнинг ўзида яратилаётган бошланғич ҳужжатлар асосида компьютерда дастурий йўли билан тузилади. Кунлик айланма ведомост ва баланс асосида ойлик ва йиллик айланма ведомост ҳамда баланслар тузилади (3-4-иловалар).

Айланма ведомостда баланс ва кўзда тутилмаган ҳисоб рақамлар бўйича кун бошига қолдиқ ва кун давомида амалга оширилган дебет ва кредит оборотлар ва куннинг охиридаги қолдиқ акс эттирилади. Айланма ведомостда кун бошига ва охирига мавжуд бўлган актив ва пассив суммалар ҳамда дебет ва кредит оборот суммалари бир–бирига ўзаро тенг келади. Балансда эса баланс ва кўзда тутилмаган ҳисоб рақамларнинг актив ва пассив қолдиқ суммалари акс эттирилади ва куннинг охирида актив ва пассив суммалар бири–бирига ўзаро тенг келиши зарур.

Баланс куннинг охирида бош бухгалтер томонидан Бош китобнинг барча ҳисоб рақамлари бўйича назоратдан ўтказилгандан кейин имзоланади ва шундан сўнг банк бошқарувчиси кўриб чиқиб имзо қўяди.

Баланснинг бир нусхаси кунлик бухгалтерия хужжатлар жилдига тикиб борилади, иккинчи нусхаси махсус ойлик жилдда тикиб борилади ва ой сўнгида белгиланган тартибда банк архивига топширилади.

Банк бухгалтерияси бош китобида банкнинг барча операциялари умумлаштирилган ҳолда, ёрдамчи китобда эса убушу кўрсаткичлар ёйиб акс эттирилади.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишда асосий эътибор ҳисоб–китоб операциялари, қимматликларнинг бут сақланиши ҳамда уларнинг мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга қаратилади. Банк бухгалтерия маълумотлари кредит ресурсларини самарали ва мақсадли фойдаланишда, маълум операциялар устидан таҳлил ишларини амалга оширишда ҳамда банк фаолиятини бошқариб туришда муҳим маънба бўлиб ҳисобланади.


Банк бўлимининг бошланғич бухгалтерия ҳисоби ёрдамчи китобда акс эттирилади, ушбу китобда барча маблағлар ўзининг ташкил топиш нуқтайи назаридан алоҳида–алоҳида ҳисобварақаларда юритилади.

Ёрдамчи китобнинг асосий материаллари бўлиб ҳисобварақ, мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича маблағлар қолдиқ ведомости, касса

кирим ва чиқим журналлари, карточкалар, рўйхатга олиш китоби ва журналлар ҳисобланади.

Банкда амалга оширилган барча операциялар тури, пул маблағи ёки қимматлилиги ҳамда мақсадига қараб тегишли ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

Ҳисобварақ йигирмата рақамдан ташкил топган бўлиб, улар қуйидаги тартибда кодлаштирилади:



Демак, тижорат банкларида юридик ва жисмоний шахсларга очилган барча ҳисобварақлар ҳамда банкнинг ички ҳисобварақлари йигирмата рақамдан иборат бўлиб, ушбу рақамлар юқорида келтирилган тартибда кодланган бўлади.

Масалан, банкнинг мижози ҳисобланган «Юлдуз» ишлаб чиқариш фирмасига банк ҳисобварағи қуйидаги тартибда рақамланади ва юритилади.

20208	000	5	00458080	001
CCCCC	VVV	K	SSSSSSSS	NNN

Бу ерда:

–**20208**–ҳисобварақлар режасидаги «Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» баланс ҳисобварағи;

–**000** – валюта коди. Ҳисобварақ қандай валютада очилган бўлса айнан шу валютанинг коди қўйилади. Масалан, АҚШ долларининг коди 840, Евронинг коди 978 ва ҳақозо. Миллий валютамыз «Сўм» нинг коди 000

бўлиб, миллий валютада очилган барча ҳисобварақларда «000» рақамлари қўйилади;

–**5** – миждозга очилган ҳисобварақнинг калити. Ушбу калит Марказий банк Ахборотлаштириш марказида Миллий депозитарларнинг маълумотлар базаси (МДМБ)да миждозга ҳисобварақ очаётган пайтда автоматик равишда қўйилиб, ҳисобварақнинг рақамлари калит бўйича дастурий йўл билан текширувдан ўтказилади;

–**00458080** – саккиздан иборат бўлган ушбу рақамлар миждозга ҳисобварақ очишда МДМБдан берилган махсус код ҳисобланиб, ҳисобрақамдан ўтаётган барча электрон тўловлар ушбу махсус код орқали дастурий йўл билан текширувдан ўтказилади. Банкнинг ички ҳисобварақлари (даромад ва харажатлар, асосий воситалар, капитал ва бошқалар) МДМБдан рўйхатдан ўтмаганлиги сабабли, саккизта коддан иборат рақамнинг ўрнига учта «000» рақами ва банкнинг бешта рақамдан иборат бўлган банк коди ёзилади;

–**001**–миждозга очилган ҳисобварақлар ушбу тартиб рақами асосида рақамланади. Маълумки, ҳозирги пайтда миждозлар ўзлари истаган бир ва бир неча банкда ҳисобварақлар очиши мумкин. Улар томонидан очилган барча ҳисобварақлар ушбу тартиб остида ўсиб бориш тарзида рақамланиб борилади.

Республикамизда фаолият кўрсатаётган барча банкларнинг миждозларига очилган ҳисобварақалар Марказий банкда махсус компьютер дастури асосида МДМБда ҳисобга олинади.

Барча ҳисобварақларда:

- миждознинг номи;
- ҳисобварақ номери;
- банкнинг коди ва номи;
- унга хизмат кўрсатувчи бухгалтер ходимнинг рақами, исми, насли ва насаби;

- қайта ишланган санаси;
- ҳисоб рақамининг сўнгги харакати;
- кун бошига ва охирига бўлган қолдиқ сумма;
- проводкаларнинг тартиб буйича номери;
- ҳужжатнинг номери;
- операция тури ёки ҳисоб–китоб шакли;
- корреспондент банкнинг коди;
- дебет ва кредит оборотлари суммаси;
- дебет ва кредит оборотлар буйича жами йиғиндиси каби асосий реквизитлари мавжуддир.

Мижозлар ва банкнинг ўзига тегишли барча ҳисобварақалар бошланғич ҳужжатлар асосида иккита нусхада махсус дастур буйича компьютерда тайёрланади. Мижозларнинг депозит рақамлари буйича тайёрланган ҳисобварақаларнинг бир нусхаси уларнинг депозит рақамини дебетлашга (тўлов топшириқномаси ва инкассо топшириқномаси) ва кредитлашга асос бўлган ҳужжатлар билан биргаликда ҳисобварақдан кўчирма (кейинги ўринларда кўчирма деб юритилади) сифатида мижозларга берилади (5-илова).

Кўчирмада қайд этилган барча бухгалтерия ёзувлари буйича ушбу депозит рақамини юритувчи бухгалтер ходим жавобгар ҳисобланади, шунинг учун мижозга берилаётган кўчирма ва кўчирмага илова қилинаётган ҳужжатларда қайд этилган суммалар ва операцияларнинг бир–бирига мос келишини бухгалтер ходим мижозга беришдан олдин қаттиқ назорат қилиши лозим.

Мижознинг депозит рақамидан кўчирма банк ва мижоз ўртасида ўзаро келишилган муддатларда берилади, агар келишилган шартномада кўзда тутилган бўлса кўчирма почта орқали жўнатилиши ҳам мумкин.

Мижозларнинг депозит рақамлари буйича ҳисобварақдан кўчирма ушбу депозит рақам буйича биринчи ёки иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи бўлган

шахсларга берилади ёки уларнинг ишончномаси орқали бошқа шахсга берилиши мумкин. Депозит рақамининг эгаси ҳисобварақдан кўчирма олгандан сўнг икки иш куни ичида ҳисобварақнинг дебет ёки кредитида нотўғри қайд этилган ёзувлар ҳақида банкка хабар бериши лозим. Агар шу муддат ичида миждан унинг ҳисобварақаси бўйича эътироз келиб тушмаса барча бухгалтерия ёзувлари тўғри деб ҳисобланади.

Икки иш кунидан сўнг банк мижднинг ҳисобварақаси бўйича нотўғри кириш қилинган суммани аниқласа банк ушбу мижднинг депозит рақамидан хар-бир кечиккан кун учун фойдаланилган умумий суммадан мижд ва банк ўртасида банк хизматларини кўрсатиш тўғрисида тузилган шартномада белгиланган жарима фоизини маблағ эгасининг фойдасига ундириб бериш мумкин. Агар банк ва мижд ўртасида тузилган шартномада ушбу ҳолат олдиндан келишилган бўлса жарима ундириб олиши мумкин.

Банк миждлар ҳисобварақларининг қолдиқлари ва улар бўйича амалга ошириладиган барча пул ўтказмалари ҳақидаги маълумотларни сир сақлаши шарт. Банк сир ва уларни учинчи шахсга тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган “Банк сир тўғрисида”ги қонунга асосан тартибга солинади. Банк мижднинг ҳисобварағи ҳақида ёзма маълумотни мижднинг юқори ташкилотининг ёзма сўрови, суд ва солиқ органларининг талабига асосан бериши мумкин.

Мижднинг ёзма аризасига асосан кўчирма йуқолган ҳолларда, банк бошқарувчиси ёки унинг ўринбосарини рухсати билан ҳисобварағидан дубликат бериши мумкин, аризада кўчирманинг йуқолиш сабаблари аниқ кўрсатилган бўлиб, у корхона раҳбари ҳамда бош бухгалтери томонидан имзоланиши лозим бўлади. Банк томонидан бериладиган дубликат нусха кўчириш (ксерокопия) йўли билан тайёрланиб унинг юза қисмига берилган санаси ва “дубликат” деб қайд этиб қўйилади.

Ҳисобварақдан берилган дубликат шу депозит рақамига хизмат кўрсатадиган бухгалтер ва бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари томонидан

имзоланади ва муҳр қўйилади. Дубликат олувчининг имзоси асосида берилади ва бу ҳақда дубликат берилган сана дафтарда қайд этиб қўйилади. Ушбу ёзув бош бухгалтер ёки унинг ўринбосарининг имзоси билан тасдиқланади.

1-бобга оид назорат саволлари

- Банкларда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг зарурлиги
- Бухгалтерия ҳисобининг предмети ва объекти
- Банкларда бухгалтерия ҳисобини мақсади ва вазифалари
- Банк балансининг моҳияти ва унинг таркибий тузилиши
- Банк балансининг актив ва пассивлари таркиби
- Банкнинг актив ва пассив операциялари
- Бухгалтериянинг иккиёқлама ёзуви ва унинг асосий элементлари
- Ҳисоб-операцион ишларини ташкил этиш
- Ҳисоб-операцион аппаратининг тузилиши
- Бэк-офис ва унинг вазифалари
- Фронт-офис ва унинг вазифалари
- Банкларнинг бухгалтерия ҳисобварақлари ва унинг тузилиши
- Бош китоб ва унинг материаллари
- Ёрдамчи китоб ва унинг материаллари
- Ҳисобварақларнинг кодланиши ва вазифалари

2–БОБ

БАНКЛАРДА ҲУЖЖАТЛАР АЙЛАНИШИ ВА ИЧКИ НАЗОРАТ

2.1. Пул ҳисоб–китоб ҳужжатлари ва банкларда иш жараёнини ташкил этиш

Банкларда бухгалтерия ҳисобининг асоси пул ҳисоб–китоб ҳужжатлари ҳисобланиб, улар асосида тегишли операциялар ва бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Ҳужжат сўзи лотинчадан олинган бўлиб, исботловчи, гувоҳлик берувчи тарзидаги маъноларни англатади. Банк ҳужжатлари деганда банкнинг кунлик операцияларини амалга ошириш ва бухгалтерия ёзувларини бажариш учун асос бўладиган, шунингдек, операцияларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ва унга хизмат қилувчи пул ҳисоб–китоб ҳужжатлар мажмуаси назарда тутилади.

Банклар ҳар куни бир неча минг ва миллионлаб операцияларни бажаради, уларнинг ўз вақтида, қонуний асосда ва самарали амалга ошириш мақсадида Марказий банк пул ҳисоб–китоб ҳужжатларнинг шакли, ҳажми, реквизитлари, расмийлаштирилиши ва шакллантирилишига алоҳида талабларни қўяди. Банк ҳужжатлари шакли жиҳатидан автоматлаштирилган компьютер дастурларида қайта шакллантирилиши ва қайта ишлаш имкониятига эга бўлиш лозим, бу уларнинг стандарт ва унификациялашган шаклда тайёрланишини талаб этади.

Банк пул ҳисоб–китоб ҳужжатлари типографияда босмадан чиқарилиши ёки компьютер принтерларида печат қилинган ҳолда тайёрланиши ҳам мумкин. Иккала ҳолатда ҳам тайёрлаган ҳужжатларнинг шакли, ҳажми ва реквизитлари Марказий банк талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим бўлади.

Банкларнинг пул ҳисоб–китоб ҳужжатлари операцияларни акс эттиришига қараб учта гуруҳга бўлинади:

1. Касса ҳужжатлари.
2. Мемориал ҳужжатлар.
3. Балансдан ташқари ҳужжатлар.

Касса ҳужжатлари асосан банкда нақд пулларнинг ҳаракати билан боғлиқ операцияларини бажаришда қўлланилади. Банк касса ҳужжатлари кирим ва чиқим касса ҳужжатларига бўлинади.

Кирим касса ҳужжатларига қуйидагилар киради:

–банк кассасига нақд пулларни топшириш эълонномаси (0402001), 6–илова;

–кирим касса ордери (0482005), 7–илова.

Эълоннома учта қисмдан, яъни эълоннома, ордер ва квитанциядан иборат бўлиб, мижозлар банкка нақд пул тушумларини ўзлари олиб келиб топширганда расмийлаштирилади. Бошқа барча ҳолатларда нақд пулларни қабул қилишда кирим касса ордери расмийлаштирилади.

Нақд пуллар инкассация хизматлари томонидан банкка топширилганда кузатув ведомости расмийлаштирилади (0402006), 8–илова. Кузатув ведомостида эълонномадаги реквизитлардан ташқари барча пул birlikларининг номинал суммалари ҳам қайд этилади.

Чиқим касса ҳужжатларига қуйидагилар киради:

–нақд пул чеки, 9–илова;

–касса чиқим ордери (0402009), 10–илова.

Нақд пул чеклари банкларнинг нақд пулларни харажат ҳужжати ҳисобланади, улар қатъий ҳисобдаги бланклар бўлиб, фойдаланишда бўлмаган пул чеклари тегишли баланسدан ташқари ҳисобварақларда ҳисобда туради. Пул чеки – банкка чекда кўрсатилган нақд пул суммасини чекни тақдим этган юридик шахснинг масъул ходимига бериш ҳақидаги топшириғи ҳисобланади.

Чиқим касса ордери пенсия, нафақа, пул ўтказмалари, хизмат сафари харажатлари ва бошқа нақд пул тўловларини беришда қўлланилади.

Мемориал ҳужжатлар банк фаолиятида

энг кўп қўлланиладиган ҳужжатлар ҳисобланади, улар асосан нақд–пулсиз ҳисоб–китобларда қўлланилади. Мемориал ҳужжатлар мижоз

ҳужжатлари ва банк ҳужжатларига бўлинади.

Мижозларнинг мемориал ҳужжатларига қуйидагилар киради:

- тўлов топшириқномаси (0505411002), 11–илова;
- тўлов талабномаси (0505411001), 12–илова;
- инкассо топшириқномаси (0505411013), 13–илова;
- аккредитивга ариза (0505411009), 14–илова;
- тижорат банкининг ҳисоб–китоб чеки (0505411005), 15–илова.

Банк мижозлари томонидан нақд пулсиз ҳисоб–китобларни амалга оширишда қўлланиладиган ҳужжатлар стандарт шакл ва ҳажмда тайёрланади ҳамда тегишли реквезитларни ўз ичига олади. Уларнинг қўлланилиши ва расмийлаштирилишига қўйилган талаблар кейинги бобларда баён этилади.

Банк нақд пулсиз ҳисоб–китобларда амалга ошириладиган барча ички операцияларни, шунингдек, мижоз билан тузилган шартномага асосан уларнинг ҳисобварақлари бўйича бажариладиган операцияларни мемориал ордер ёрдамида бажаради (0505411008), 16–илова.

Балансдан ташқари банк ҳужжатларига балансдан ташқари кирим, чиқим ва кирим–чиқим ҳужжатлари киради.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар банкларда бухгалтерия операцияларини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади ва улар тегишли назоратни амалга ошириш ҳамда сақлашни талаб этади.

Банкларда касса ҳужжатлари узоқ муддатга сақланади. Банк касса ва нақд пулсиз ҳисоб–китоблари билан боғлиқ ҳужжатларни кунлик йиғма жилдларни шакллантириш, тикиш ва белгиланган тартибда титулини расмийлаштириш ишлари банк бош бухгалтери томонидан тайинланган масъул ходимлар томонидан амалга оширилади. Ҳужжатлар архивга сақлаш учун топширишдан олдин белгиланган тартибда кунлик йиғма ҳужжатлар шаклида шакллантирилади, жилддаги ҳужжатларнинг кирим ва чиқим ҳужжатлари ҳисоблаб чиқилади, банк бухгалтери ва тегишли масъул ходимлари томонидан имзоланади. Шундан сўнг, белгиланган тартибда

тегишли топшириш ва қабул қилиш далолатномалари орқали банк архивига сақлаш учун топширилади.

Банкларда иш куни ва ҳужжатлар айланишини ташкил этиши. Бухгалтерия ходимларининг иш куни шундай ташкил этилиши керакки, бунда банк томонидан амалиёт куни давомида ижрога қабул қилинган пул ҳисоб–китоб ҳужжатлари дастлабки ва жорий назоратдан ўтказилиб, улар ўз вақтида ижро этилиши, яъни ҳисобварақлар бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиб, кунлик баланс ҳисоботи тузилиши ҳамда кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан бажарилган барча операциялар якуний назоратдан ўтказилиши шарт.

Банклар амалиёт куни давомида мижозларга хизмат кўрсатиш ва ҳужжатлар айланиш тартибини мустақил белгилайди. Банклар куннинг бошида ишни бошлаши ва кун давомида банклараро ҳужжатларни айланиши қуйидаги тартибда амалга оширади:

- Марказий банкнинг Ҳисоб–китоб маркази (ҲКМ)да очилган ташқи («21302–Резидент банкнинг вакиллик ҳисобварағи») вакиллик ҳисобварағининг кун бошига айланма ва қолдиқ суммаларини, ўзларининг ички («10301–Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи») вакиллик ҳисобварағининг айланма ва қолдиқ суммалари билан мослигини текширишдан бошлайди. Ички ва ташқи вакиллик ҳисобварағи айланма ва қолдиқ суммаларини мослигини тасдиқлаш учун ҲКМга электрон файл юборади;

- ҲКМ тижорат банклари юборган электрон файлни қабул қилиб олади ва банкнинг ташқи ва ички вакиллик ҳисобварақ қолдиқ суммаларини дастурий равишда таққослайди ҳамда уларни мослигини тасдиқлаб банкларга қайтаради. Вакиллик ҳисобварақлар қолдиқ суммалари мос келмаса, мавжуд фарқ бартараф этилмагунча банк амалиёт куни очилмайди ҳамда банклараро тўловларни амалга оширишга руҳсат этилмайди;

- ҲҚМдан тасдиқ (W–файл) олгандан сўнг, банкларга банклараро тўловларни амалга ошириш учун рухсат берилади;

- филиаллари мавжуд бўлган ва ягона вакиллик ҳисобварағида ҳисоб–китобларни амалга оширадиган банк филиалларига “Тўлов маркази”да очилган ташқи (“22204–Бош банк–филиалларга тўланадиган маблағлар”) ва филиалларда очилган ички (“16103–Бош банк/филиаллардан филиаллараро ва банклараро ҳисоб–китоблар бўйича олинадиган маблағлар”) вакиллик ҳисобварақлар қолдиқ суммасини мослигини тасдиқлаш Бош банк томонидан амалга оширилади. Филиаллар ички вакиллик ҳисобварағи (16103) ва “Тўлов маркази”да очилган ташқи (22204) вакиллик ҳисобварағи ўртасида фарқ мавжуд бўлса, ушбу филиалга уни бартараф этмагунча филиаллараро ва банклараро тўловларни амалга ошириш ва янги кунга ўтиб ишлашга рухсат этилмайди;

- Марказий банкнинг фармойишига асосан банк иш куни қонун ҳужжатларига асосан узайтирилмаган бўлса филиаллараро ва ички тўловлар банк иш куни давомида соат 17–00га қадар амалга оширилади. Филиаллараро тўловлар бир банк миқозлари ўртасида амалга оширилишини инобатга олиб, банк ўз миқозларидан тўлов ҳужжатларини қабул қилиш вақтини мустақил равишда белгилайди. Ички тўловлар қаторига касса амаллари, тўланиши ва олинаниши лозим бўлган фоизлар ҳисобини ҳисоблаш ҳамда ходимларга иш ҳақи ҳисоблаш ва шунга ўхшаш амаллар киради;

- банклараро тўловлар бўйича банклар миқозларидан банк амалиёт куни давомида қабул қилинган тўлов ҳужжатлари бўйича бухгалтерия ўтказмаларини банк иш кунининг соат 15–00га қадар амалга ошириб соат 16–00га қадар ҲҚМга етказиб беришлари керак, акс ҳолда банклараро тўловлар амалга оширилмайди. Банк айби билан амалга ошмай қолган ҳужжат бўйича банк жавобгар ҳисобланади, бундан банкка тааллуқли бўлмаган ташқи омиллар мустасно;

- банклараро бюджет тўловлари ХҚМга соат 16–00 дан 16–30 га қадар юборилади, соат 16–30 дан кеч юборилган банклараро бюджет тўловлари ХҚМ томонидан қайтариб юборилади. Банк айби билан амалга ошмай қолган ҳужжат бўйича банк жавобгар ҳисобланади, бундан банкка таллуқли бўлмаган ташқи омиллар мустасно;

- банклар соат 16–30дан то 17–00га қадар ўзларида бюджет тўловларига очилган транзит ҳисобварақ қолдиқларини ХҚМ орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалар ХҚМларида очилган бюджет транзит ҳисобварағига ўтказишлари шарт;

- ХҚМ банкларга банклараро тўловлар тугаганлиги тўғрисида (бундан кейинги ўринларда END файл деб юритилади) маълумотни соат 17–20да жўнатади, шундан сўнг банклар ўртасида банклараро тўловлар тўхтатилади.

Банклар иш куни яқунлангандан сўнг, агар иш куни Марказий банкнинг фармойишига асосан банк иш куни узайтирилган бўлса кейинги банк иш куни соат 10–00 дан кечиктирмаган ҳолда Марказий банкка электрон баланс (0106BS) ҳисоботини жўнатадилар.

Банкларда иш куни ва ҳужжатларнинг айланиши банк операциялари бухгалтерия ҳисоботида тўлиқ акс эттирилиб, кунлик баланс ҳисоботи таҳлил қилиниб, банк филиали раҳбари ҳамда бош бухгалтери томонидан имзолангандан сўнг яқунланади.

2.2.Банк ички назорати

Банк ҳисоб–операцион ходимларнинг касса ҳужжатлари, мемориал ҳужжатлар ва балансдан ташқари ҳужжатларни қабул қилиш, уларни расмийлаштириш, қайта ишлаш (электрон тўлов ҳужжатларни яратиш) ва бухгалтерия ҳисобини амалга ошириш билан боғлиқ операцияларни бажариш жараёнида банкнинг ички назорати амалга оширилади.

Банкнинг ички назорати дастлабки, жорий ва сўнгги назорат тартибда амалга оширилади. Дастлабки назорат пул ҳисоб–китоб ҳужжатлари бухгалтерия ёзувлари берилгунга қадар, жорий назорат бухгалтерия ёзувларини расмийлаштиришда ва сўнгги назорат барча бухгалтерия операциялар амалга ошириб бўлингандан сўнг амалга оширилади.

Банк дастлабки назорати. Фронт–офис ходимлари ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг самарадорлигини, банкнинг ички сиёсатига ҳамда амалдаги қонунчиликка мос эканлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Мижозлардан пул ҳисоб–китоб ҳужжатларини қабул қилишда, уларнинг Марказий банкнинг норматив–ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган шаклдаги бланкда ёзилиб тўғри расмийлаштирилганлиги, барча реквизитлар тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлиги, ушбу пул ҳисоб–китоб ҳужжатларида бўйш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмаганлиги, шу жумладан, ҳисобварақни тасарруф этувчиларнинг имзолари ва муҳр изи тақдим этилган намуналарга мос келиши текширилади. Тўлов топшириқномалари ва нақд пулни қўйиш учун фойдаланиладиган эълонларнинг санаси уни банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, акс ҳолда улар ижро учун қабул қилинмайди.

Банкнинг масъул ижрочи бухгалтер ёки Фронт–офис ходими тўлов ҳужжати нусхаларини имзолашдан олдин, уларни солиштириб, ўзаро бир хиллигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Шундан сўнг, ижро этиш санаси кўрсатилган ҳолда масъул ходим имзоси билан тасдиқланган ва унга бириктирилган банк штампи қўйилган ҳужжатнинг охириги нусхаси мижозга қайтарилади. Ушбу нусха ҳужжатлар ижро учун қабул қилинганини тасдиқловчи тилхат вазифасини бажаради.

Нақд пулни беришда ишлатиладиган чеклар тўлдирилган кундан бошлаб, (тўлдирилган кунни ҳисобга олмаган ва ҳужжатда кўрсатилган сана тўғриланмаган ҳолда) 10 календарь кун давомида банк томонидан қабул

қилинади. Чекни қабул қилишда масъул ходим даставвал унда кўрсатилган миқдор доирасида миждознинг ҳисобварағида маблағлар етарлилигига эътибор қаратади, шундан сўнг масъул ходим қабул қилинган нақд пул чекининг санасини, чекни топширган хўжалик субъектининг номини ва ҳисобварақ рақамини, олиндиған маблағнинг рақам ва сўз билан ёзилган суммасини текширади, чекдаги имзолар ва муҳр изини ўзидаги имзо намуналари билан солиштиради.

Фронт–офис ходими ёки масъул иждожи бухгалтер миждозлардан қабул қилинган барча пул ҳисоб–китоб ҳужжатларининг асл нусхаларига асосан маълумотларни дастурга киритади ва тўлов ҳужжатларини имзолаб, электрон тўлов тизими орқали уларни жорий назоратдан ўтказиш учун Бэк–офис ёки назоратчи бухгалтерга юборади.

Банк жорий назорати. Бэк–офис ходими ёки назоратчи бухгалтер банк ички ҳужжат айланиш тартибига асосан Фронт–офис ёки масъул иждожи бухгалтердан келиб тушган пул ҳисоб–китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларини қабул қилгандан кейин жорий назоратни амалга оширади.

Жорий назоратда дастлабки назоратдан ўтказилган тўлов ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва уларнинг электрон нусхаларини тўғри расмийлаштирилганлиги қайтадан текширилади ҳамда улардаги имзолар ва муҳр изини ўзларида мавжуд имзолар ва муҳр изи намуналари билан солиштирилади. Тўлов ҳужжатларининг асл нусхасида Фронт–офис ходими ёки масъул иждожи бухгалтернинг имзолари ва штамп иборлигини ҳамда уларни ўзида мавжуд бўлган имзо намуналарига мос келишини текширади.

Бэк–офис ходими ёки назоратчи бухгалтер нақд пул чеки ва эълонномани ўрнатилган тартибда текшириб, уларни имзолаб Фронт–офис ходими ёки масъул иждожи бухгалтерга қайтаради.

Бэк–офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан банкнинг ички молия–хўжалик операциялари бўйича келиб тушган тўлов ҳужжатларининг асл ва электрон нусхалари ҳамда ушбу операцияларни амалга ошириш учун асос бўлган банк тегишли бўлинмаларининг Хизмат фармойишларининг нусхалари тўғри расмийлаштирилганлиги, хато ва камчиликлар йўқлиги текширилади.

Пул ҳисоб–китоб ҳужжатларининг асл нусхалари ёки уларнинг электрон файлида хато ва камчиликлар аниқланганда, Бэк–офис ходими ёки назоратчи бухгалтер тўлов ҳужжатининг асл нусхасига имзо чекмасдан уларнинг хато ва камчиликларини кўрсатган ҳолда Фронт–офис ёки масъул ижрочи бухгалтерга ижросиз қайтаради.

Бэк–офис ходими ёки назоратчи бухгалтер томонидан жорий назорат натижалари ижобий бўлган тақдирда, у тўлов ҳужжатининг асл нусхасига имзо чекади ва уни Бэк–офис бошлиғига ёки бош бухгалтерга тасдиқлаш учун жўнатади. Бэк–офис бошлиғи ёки Бош бухгалтер барча пул ҳисоб–китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларига ўрнатилган тартибда имзо чекиб, тасдиқлайди ва бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширади.

Банк сўнги назорати. Банкларда амалиёт куни яқунлангандан сўнг, кунлик операция ҳужжатлари ўрнатилган тартибда тикилиб ва расмийлаштирилиб якуний назоратдан ўтказиш учун якуний назорат хизмати ходимларига топширилади ва уларга электрон маълумотлар базасига кириш учун рухсат берилади.

Якуний назорат хизмати томонидан кейинги банк иш кунидан кечикмаган ҳолда электрон маълумотлар базасига кириб, банкда амалга оширилган барча операциялар Бош ва ёрдамчи китоблардаги амал қилиб турган шахсий ҳисобварақларда тўғри акс эттирилганлигини пул ҳисоб–китоб ҳужжатларининг асл нусхалари билан солиштириб текширишдан ўтказилиши шарт. Текшириш натижалари дастурий баённома билан расмийлаштирилади ва кунлик йиғмажилдга тикилади.

Кунлик чоп этилиб, йиғмажилдга тикилган баланс маълумотлари билан унинг электрон баланс маълумотлари бир–бирига мос келмаган ҳолда, зудлик билан раҳбариятга маълумот берилади ва шу куннинг ўзида унинг сабаблари тўғрисида Бэк–офис бошлиғи ёки бош бухгалтер, Хавфсизлик ва ахборотни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари иштирокида далолатнома тузилади. Ушбу далолатномага асосланган ҳолда ўзгартириш киритилиши лозим бўлган дастлабки пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари тўғриланади.

2-боб бўйича назорат саволлари

- Банк ҳужжатларининг моҳияти ва турлари
- Касса ҳужжатлари ва уларнинг шакллари
- Мемориал ҳужжатлар ва уларнинг шакллари
- Балансдан ташқари ҳужжатлар ва уларнинг турлари
- Банк миждозларига тегишли ҳужжатлари ва уларнинг мақсади
- Банкларда ҳужжатларни айланишини ташкил этиш
- Банклараро электрон тўлов тизими орқали ҳужжатларни айланиши ва уларни ташкил этиш жараёни
- Банк ички назорати ва унинг мақсади
- Банк ички назоратининг шакллари ва уларни амалга ошириш йўллари

БАНКЛАРДА ҲИСОБВАРАҚЛАР ОЧИШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИ

3.1. Банк ҳисобварақаларининг умумий қоидалари ва турлари

Банклар аҳоли ва мижозларнинг пул маблағларини сақлаш, омонатга қабул қилиш, нақд ва нақд пулсиз ҳисоб–китоблар амалга ошириш, кредит ва бошқа хизматларни кўрсатиш учун уларга банк ҳисобварақларини очади. Банкларда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар, жамғарма ва муддатли депозитлар, шунингдек, ссуда ва бошқа ҳисобварақлар очилади.

Тижорат банкларида юритиладиган ҳисобварақлар очиш, бошқа банкга кўчириш ёки ёпиш Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида”ги йўриқномаси асосида тартибга солинади. *(Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2–сонли қарори билан (№697) тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 27 апрелда 1948–сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган).*

Банк мижозларнинг ҳисобварақларига хизматларни улар билан тузилган шартнома асосида амалга оширади. Шартномада банк ва мижознинг ҳисобварақларни юритиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

Жисмоний ва юридик шахслар учун талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар, жамғарма депозитлар ва муддатли депозитлар банк бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг мажбуриятлар бўлимидаги пассив ҳисобварақларда очилади. Кредит операциялари бўйича очиладиган ссуда ҳисобварақлари эса банк бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг актив, айрим ҳолларда, агар банк бошқа банклардан кредит олса пассив бўлимида юритилади.

Банклар жисмоний ва юридик шахсларга очиладиган **талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар** ҳисобварақларидаги маблағларни мижозларнинг биринчи талабидаёқ нақд пулда бериши ёки нақдсиз пул кўринишида тегишли манзилга ўтказиб бериш ҳақидаги мажбуриятини олади.

Ушбу ҳисобварақлар банк бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг **“20200 – Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар”** пассив ҳисобварақларида очилади. Ҳисобварақларидаги маблағларнинг манбаси мижозларнинг низомида белгилаб қўйилган фаолияти доирасида сотган товарлари ёки кўрсатган хизматлари учун ва бошқа манабалар ҳисобидан нақд пулда топширган ёки нақд пулсиз кўринишда келиб тушган маблағлар ҳисобланади.

Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақларидаги маблағлар унинг эгаси томонидан исталган пайтда, яъни банкни огоҳлантирмасдан нақдсиз кўринишда кўчирилиши ёки нақд пулда олиниши мумкин, шу жиҳатдан ҳам талаб қилиб олингунча сақланадиган ҳисобварақларидаги маблағлар тижорат банклари учун беқарор, лекин арзон ресурс манбаси ҳисобланади. Шунинг учун талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари бўйича минимал даражада фоиз тўловлари тўланади, кўпчилик ҳолларда эса тўланмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг жамғарма депозит ҳисобварағида тегишли мақсад учун жамғариладиган маблағларнинг ҳисоби юритилади. Жамғарма депозитлар банк бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг, мулкчилик шаклига қараб **“20400 – Жамғарма депозитлар”** пассив ҳисобварақларида очилади. Жамғарма депозитлар ҳисобварағидаги маблағлар маълум муддатга сақланганлиги боис, банк ва жамғармачи ўртасида тузилган шартнома асосида жамғармачига маълум миқдорда фоиз тўловлари тўланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муддатли депозит ҳисобварағи – шартномада қатъий келишилган муддатга қўйилган маблағларни ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ ҳисобланади. Ушбу ҳисобварақлар бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг **“20600–Муддатли депозитлар”** пассив ҳисобварағида очилади.

Банк ва муддатли депозит ҳисобварағининг эгаси ўртасида тузилган шартномада белгиланган фоиз тўловлари банк томонидан тўланади. Мижоз ушбу ҳисобварақдаги маблағни шартномада белгиланган муддатидан олдин олиши ҳам мумкин, бундай ҳолларда муддатли депозит эгаси маблағни муддатидан илгари олиши ҳақида банкни огоҳлантириши лозим. Маблағни олиш учун неча кун олдиндан огоҳлантириш лозимлиги, шунингдек, бундай ҳолларда фоизлар тўлови қандай амалга оширилиши банк ва муддатли депозит эгаси ўртасида тузилган шартномада белгилаб қўйилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга банк томонидан бериладиган кредитлар ссуда ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади. Ссуда ҳисобварақлари банк ҳисобварақлар режасининг **11900–15500** актив ҳисобварақларида юритилади. Банк ссуда ҳисобварақларини очиш ва юритиш кредит шартномаси асосида амалга оширади.

Банк, Марказий банкдан олган кредитларининг ҳисоби 21602 – *“Марказий банкдан олинган қисқа муддатли кредитлар”* ёки 22002 – *“Марказий банкдан олинган узоқ муддатли кредитлар”* ҳисобварақларда, бошқа тижорат банкларидан олган кредитларининг ҳисоби 22006 – *“Бошқа банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар”* ёки 21606 – *“Бошқа банклардан олинган қисқа муддатли кредитлари”* ҳисобварақларда юритилади.

Банклар мижозларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари ҳажми, уларнинг ҳаракати ва бошқа маълумотларини сир сақлайди. Бу Ўзбекистон Республикаси “Банк сирини тўғрисида”ги қонун асосида тартибга солинади. Қонунининг 11–моддасига мувофиқ, банк сирини ташкил этувчи

маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига таллуқли ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилади.

Ҳисобрақамларни ўз вақтида очиш ва улардан маблағларни муддатида кўчириш ҳамда улар бўйича томонларнинг жавобгарлиги масалалари ҳисобрақамларни очиш тўғрисида ўз аксини топиши ва улар Марказий банкнинг тегишли низоми билан тартибга солиниши лозим.

3.2.Резидент ва норезидентларга миллий ва хорижий валютада банк ҳисобварақларини очиш тартиби

Ўзбекистонда жисмоний ва юридик шахслар миллий валютада ўзлари истаган тижорат банкида бир ва ундан ортиқ талаб қилиб олингунча депозит, шунингдек, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларни очиши мумкин.

Банкларда юридик ва жисмоний шахс бўлган резидент ва норезидентларга талаб қилиб олингунча сақланадиган, жамғарма ва муддатли депозит ҳамда ссуда ҳисобварақларни очиш Марказий банкнинг “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида”ги йўриқномаси асосида амалга оширилади ва тартибга солинади.

Хўжалик юритувчи юридик шахс белгиланган тартибда давлат рўйхатдан ўтгандан сўнг миллий валютада очган талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи асосий ҳисобварақ ҳисобланади, қолган барча ҳолатларда бошқа банкларда очилган ҳисобварақлари иккиламчи ҳисобварақлар ҳисобланади.

Мижоз асосий ҳисобварағи рўйхатдан ўтганлиги ҳақида давлат солиқ инспекциясини хабардор қилгандан кейин бошқа тижорат банкида иккиламчи ҳисобварақларни очишига рухсат берилади. Иккиламчи ҳисобварақларни очишда ҳисобварақ очиладиган банкка асосий ҳисобварақ очишда топшириладиган барча ҳужжатлар тақдим этилади, мижознинг асосий ҳисобрақами мавжуд бўлган банкда иккиламчи ҳисобрақам

очилишига йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Ҳисобварақлар миждоз томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг, икки иш куни мобайнида очилиши лозим. Резидент ва норезидентларга ҳисобварақларни очишда банклар Марказий банк томонидан кўзда тутилган энг кам иш ҳақининг бир ёки ярим баробарида ҳақ олиши мумкин.

Банкда миждозларга очилган ҳисобварақлар Марказий банкнинг Банк депозиторлари Миллий ахборотлар базаси (БДМАБ) томонидан ёрдамчи китоб талаблари бўйича кодлаштирилади, рўйхатга олинади ва қолдиқ суммаларини қайд этмаган ҳолда сақланади. Ушбу жараён Марказий банкнинг “*Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда миждозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисида*”ги Низоми (Адлия вазирлигида 2008 йил 27 сентябрда 1863–рақам билан рўйхатга олинган) асосида амалга оширилади ва тартибга солинади.

Резидент ва норезидентларга миллий валютада талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар очиш тартиби. Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақларини очиш учун резидент юридик шахс қуйидаги ҳужжатларни банкка тақдим этади:

- а) ҳисобварақ очиш ҳақида ариза (17-илова);
- б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- в) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча (18-илова);
- г) таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав)нинг нотариал тасдиқланган нусхалари.

Шу билан бирга, алоҳида ҳолларда бошқа ҳужжатлар ҳам талаб этилиши мумкин. Масалан, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни хориждан олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар яшаш

жойидаги давлат солиқ инспекциясидан тегишли гувоҳнома нусхаси, агар мижоз пул маблағларини тасарруф қилиш ваколатини бошқа шахсга берадиган бўлса банк ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларидан нусхани талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Банкларда нотижорат фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар ва давлат бюджетдан маблағ олувчилар депозит ҳисобварақлари очиши мумкин. Ушбу шахсларга талаб қилингунча сақланадиган депозит ҳисобварақларини очишда таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав)нинг нотариал тасдиқланган нусхаларидан ташқари бошқа барча ҳужжатлар тижорат фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга қўйилган талаблар қўйилади.

Норезидентларга миллий валютада талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар очиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида фаолият юритишга рухсат берилган хорижий ваколатхоналар, консулликлар, компаниялар ва бошқа доимий муассасалар банкларда миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:

- а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;
- б) фаолияти солиқларни тўлаш билан боғлиқ бўлса солиқ тўловчи идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- в) имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча.

Резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очишда банкнинг махсус бланкасида ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилади ва улардан тегишли нусха олинади.

Резидент ва норезидентларга миллий валютада жамғарма ва муддатли депозит ҳамда ссуда ҳисобварақларни очиш тартиби. Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан асосий ҳисобвараққа

хизмат кўрсатувчи банкда жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини очишда кўшимча ариза талаб этилади.

Резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини очишда банкнинг тегишли бланкасида ариза ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат шахсан тақдим қилинади.

Ссуда ҳисобварақлари кредит бўлимининг фармойиши асосида очилади ва юритилади. Кредит шартномаси кучга киргандан сўнг банк раҳбари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахс томонидан бериладиган кредитнинг муддати, миқдори ва фоиз ставкаси кўрсатилган ҳолда, мижоз учун ссуда ҳисобварағи очиш тўғрисида бухгалтерияга берилган фармойишга асосан шу иш кунидан кечиктирмасдан мижозга ссуда ҳисобварағи очилади.

Юридик шахсларга ссуда ҳисобварағи мижознинг асосий ҳисобварағи очилган банкда очилади, жисмоний шахсларники бундан мустасно.

Резидент ва норезидент банкларга вакиллик ҳисобварақларини очиш тартиби. Тижорат банклари банклараро электрон тўлов тизимида иштирок этишлари ва маблағларни жалб қилиш ҳамда жойлаштириш билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш учун вакиллик ҳисобварақларига эга бўлиши лозим. Тижорат банклари:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги миллий ва чет эл валютасидаги вакиллик ҳисобварақлари;

б) резидент банклардаги вакиллик ҳисобварақларини очишлари мумкин.

Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари ички (актив) ва ташқи (пассив) вакиллик ҳисобварақларидан иборат бўлади.

Банкларнинг ташқи вакиллик ҳисобварақлари Марказий банкда бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг “21302–Тижорат банклари вакиллик ҳисобварақлари” ҳисобварақлар режасида, ички вакиллик ҳисобварақлари “10301–Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро”да юритилади.

Тижорат банкларининг миллий ва чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ҳисоб–китоб марказида очилади.

Фаолиятини янгидан бошлаётган тижорат банклари устав капиталини шакллантириш учун рўйхатдан ўтгунга қадар Марказий банкнинг Ҳисоб – китоб марказида ёки бошқа тижорат банкида вақтинчалик “29801 – Мижозлар билан ҳисоб–китоблар” ҳисобварағини очади.

Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағи Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида тузилган шартнома асосида очилади ва назорат қилинади. Миллий валютада вакиллик ҳисобварағи очиш учун қуйидагиларни тақдим қилади:

- а) вакиллик ҳисобварағини очиш учун ариза;
- б) солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
- в) банк операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензиянинг нусхаси;
- г) статистика органлари томонидан берилган Корхона ва ташкилот (банк)нинг ягона давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;
- д) имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча.

Мамлакатимиз тижорат банклари чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақларини очиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюта операцияларини амалга оширишга рухсат берувчи лицензияси лозим бўлади.

Хорижий банklar Марказий банкда ва мамлакатимиз ваколатли банкларида вакиллик ҳисобварақларини очиш учун:

- а) норезидент банкнинг тўлиқ номи ва уни рўйхатдан ўтказган давлатдаги юридик манзили кўрсатилган ҳолда ҳисобварақ очиш тўғрисида аризани;

б) имзолар ва муҳр изи қўйилган варақча ва Марказий банк томонидан берилган лицензия нусхасини;

в) норезидент банк томонидан ва у рўйхатга олинган давлатда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар қўлланилиши тўғрисидаги ахборот каби ҳужжатларни тақдим этади.

Резидент ва норезидентларга чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш тартиби. Банклар чет эл валютаси билан ҳисоб китобларни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валютасида талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларини Марказий банкнинг чет эл валютасида операцияларни бажариш ҳуқуқини берувчи тижорат банкларида очиши мумкин.

Мижозлар томонидан чет эл валюталарида ҳисобварақлар очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) ҳисобварақ очиш ҳақида ариза (банкнинг махсус бланкасида тақдим этилади);

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган икки дона варақча (банкнинг махсус бланкасида тақдим этилади);

г) таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав)нинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

д) алоҳида ҳолларда бошқа ҳужжатлар ҳам талаб этилиши мумкин.

Резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан чет эл валютасида талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка ариза ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинади, банк томонидан ушбу ҳужжатлардан нусха олинади.

Резидент ва норезидент ҳисобланган жисмоний ва юридик шахсларга миллий валютада очиладиган ҳисобварақлардан фарқли ўлароқ чет эл

валютасидаги ҳисобварақлар битта банкда маълум бир чет эл валютасида фақат битта талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ очилади.

3.3. Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси

Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси (БДМАБ) банклар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга очиладиган ҳисобварақларга хос рақам беради, уларнинг ҳисобварақлари рўйхатини юритади ҳамда мижозлар ҳисобварақлари тўғрисида маълумотларни сақлайди. БДМАБ Марказий банк ҳузурида ташкил этилган бўлиб, унга Ахборотлаштириш Бош Маркази (АБМ) хизмат кўрсатади.

БДМАБ фаолияти Марказий банкнинг “*Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисида*”ги Низоми (Адлия вазирлигида 2008 йил 27 сентябрда 1863–рақам билан рўйхатга олинган) асосида тартибга солинади.

БДМАБда ҳисобварақларни очиш, бошқа банкка ўтказиш, ёпиш, маблағларни ҳисобдан чиқариш амалларини вақтинча тўхтатиб туриш ва уларни қайта тиклаш саналари шакллантирилади ва банкларга узатилади. Улар банкнинг маълумотлар базасига дастурий равишда киритилади ва банк томонидан ўзгартиришга рухсат этилмайди.


Ўзбекистон Республикаси банклари билан БДМАБ ўртасидаги ахборот алмашилиш сўров файли тамойилига асосланади ва АБМнинг электрон почта тизими орқали амалга оширилади.

Қуйидаги расм орқали АТ “Агробанк” Оқтош филиалининг мижозга очадиган талаб қилиб олингунча сақланадиган ҳисобварағини БДМАБда рўйхатга олиш жараёни билан танишиб чиқамиз.

1.Мижоз, яъни юридик шахс талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағини очиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни банкка тақдим этади.

2.Банк тегишли назоратдан сўнг, миждозга хос ҳисоб рақам бериш учун тегишли электрон сўров ҳужжати тайёрлайди.

3.4.Ҳисобварақ очиш учун тайёрланган электрон сўров ҳужжати АТ “Агробанк” орқали БДМАБга жўнатилади. Электрон сўров ҳужжатида қуйидаги маълумотлар акс эттирилади.



- 1) жўнатишган сўровноманинг тартиб рақами;
- 2) сўров тури рақами, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобаварағи;
- 3) миждоз мақоми (юридик (Ю), якка тадбиркор– (И), жисмоний шахс (Ф));
- 4) солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- 5) миждознинг номи;
- 6) миждоз тури;

- 7) ташкилий–ҳуқуқий шакли коди;
- 8) мулкчилик шакли коди;
- 9) манзил коди;
- 10) юридик шахс коди;
- 11) тармоқ коди;
- 12) рўйхатга олган ташкилот номи;
- 13) рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома рақами;
- 14) рўйхатдан ўтказилган гувоҳнома санаси;
- 15) рўйхатга олган ташкилотнинг вилоят коди;
- 16) рўйхатга олган ташкилотнинг туман коди;
- 17) резидентлик белгиси (резидент ёки норезидент);
- 18) мижознинг мамлакат коди;
- 19) очилаётган мижоз ҳисобварағининг бош китобдаги баланс ҳисобварақ коди;
- 20) валюта коди;

5.6. БДМАБ ҳисобварақам очиш учун жўнатилган электрон ҳужжатларни олганлиги ҳақида тасдиқномани жўнатади.

7. БДМАБ шу куннинг ўзида электрон сўров ҳужжати дастурий йўл билан қайта ишланиб мижознинг 20 та рақамдан иборат ҳисобварағини шакллантиради.

8.9. БДМАБ дастурий йўл билан мижозга янгидан шакллантирилган 20 та рақамлик ҳисобварақ электрон тўлов тизими орқали, шу куннинг ўзидаёқ банкка жўнатилади.

10. БДМАБдан келиб тушган жавоб файлларининг барча маълумотлари банкда мижоз тақдим этган ҳужжатлар асли билан такроран солиштирилади. Агар хатолар аниқланса, хато маълумотлар бартараф қилинган ҳолда БДМАБга сўров қайта жўнатилади, хатолар бўлмаса банк мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатиш ҳақида мижоз билан шартнома тузади.

11. Ҳисобварақ ва шартноманинг бир нусхаси мижозга тақдим этилади.

Банк ёки банк филиалининг фаолияти тугатилаётганда, мижозларнинг тугатилаётган банкдаги барча ҳисобварақлари олдиндан ёпилиши ёки банк фаолияти тугатилгунга қадар, БДМАБга электрон сўров ҳужжати жўнатилиб, мижознинг асосий ҳисобварағи бошқа банкка ўтказилади.

3.4. Мижознинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказиш, операцияларни тўхтатиш ва ҳисобварақни ёпиш тартиби

Хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги асосий ҳисобварақлари турли сабаблар туфайли бошқа банкка ўтказилиши, операциялар вақтинчалик тўхталиши ёки ёпилиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти давомида жуда кўп операциялар ва ҳисоб–китоблар амалга оширилганлиги боис, уларнинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказиш ёки ёпиш мижоз ёки банк истаган пайтда осонлик билан амалга ошириш қийин ҳисобланади. Ушбу жараён Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа давлат идораларининг тегишли меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади ва тартибга солинади.

Мижозларнинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказиш тартиби. Банк мижознинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказишда унинг солиқлар, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар ва банк кредитларидан қарздорлиги мавжуд эмаслигига эътибор қаратади. Шунингдек, банк ва мижоз ўртасида асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартнома шартларининг бажарилиши кўриб чиқилади.

Банк мижознинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказишда хўжалик юритувчи субъекти рўйхатда турган Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномасини талаб қилади, банк хўжалик субъектининг солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимлардан қарзи йўқлигига эътибор қаратади. Агар маълумотномада мижознинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарзи

мавжудлиги қайд этилган бўлса унинг ҳисобварағини бошқа банкга ўтказишга рухсат берилмайди.

Бошқа банкга ўтказиш бўйича барча ҳужжатлар ўрнатилган талабларга жавоб берса, банк мижознинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказиш ҳақида аризаси билан бирга ундан фойдаланилмаган чек дафтарчаларини қайтариб олади ва мижознинг ҳисобварағи бўйича қолдиқ суммани тасдиқлаб маълумотнома беради.

Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварақ бўйича қолдиқ суммани тасдиқловчи маълумотнома билан бирга янги ҳисобварақ очаётган банкка ариза беради. Асосий ҳисобварақ очаётган банк мижозга вақтинчалик 29801– «Мижозлар билан ҳисоб–китоблар» ҳисобварағини очади, бу ҳақда мижоз ҳамда ҳисобварақ ёпилаётган банкка ёзма хабар беради.

Мижоз ҳисобварағи ёпилаётган банкка ҳисобварақдаги қолдиқ суммани вақтинчалик очилган ҳисобвараққа ўтказиш учун тўлов топшириқнома тақдим этади. Мижознинг асосий ҳисобварағи ёпилаётган банкда қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 202XX – “Мижознинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи”
Кредит 10301 – “Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро”

Шундан сўнг, асосий ҳисобварақни ёпилаётган банк икки нусхада қабул қилиш ва топшириш ҳақида далолатнома тузади. Далолатнома банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланади ва банкнинг муҳри қўйилади. Далолатномага мижознинг юридик йиғмажилдидаги ҳужжатлар ва 2–сонли картотекадаги тўлов ҳужжатларининг асл нусхалари илова қилиниб, почта, фельдъегер алоқаси ёки курьер орқали асосий ҳисобварақ очилаётган банкка етказилади.

Асосий ҳисобварақ очаётган банк далолатнома ва тегишли ҳужжатлар асосида қуйидаги бухгалтерия ёзувларини амалга оширади.

1. Мижознинг асосий ҳисобварағидаги қолдиқ сумма вақтинчалик ҳисобварағига кириш қилинади.

Дебет 10301 – “Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро”
Кредит 29801 – «Мижозлар билан ҳисоб–китоблар»

2. Янги очилган асосий ҳисобвараққа ўтказилади ва вақтинчалик ҳисобварақни ёпади.

Дебет 29801 – “Мижозлар билан ҳисоб–китоблар”
Кредит 202XX – “Мижознинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи”

Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварағи янги банкда очилганлиги тўғрисида ўз ҳамкорларига хабар беради. Шунга қарамасдан, мижознинг асосий ҳисобварағи ёпилган банкка тўлов ҳужжатлари келиб тушадиган бўлса, ушбу ҳужжатларни жўнатувчига қайтаради. Бунда «Ҳисобварақ ёпилди. _____ банкнинг _____ филиалига мурожаат қилинг», тарзида маълумотнома беради.

Асосий ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиш тартиби.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий ҳисобварақлари бўйича вақтинчалик операцияларни тўхтатиш қуйидаги ҳолатларда қўлланилиши мумкин:

- ҳисобварақ эгасининг аризасига биноан;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосли қарори ёки суд органларининг ажримларига асосан;
- Солиқ кодексининг 96-моддасига биноан солиқ ва (ёки) молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн беш кун ичида солиқ тўловчи - юридик шахс томонидан тақдим этилмаганда ва солиқ тўловчи - юридик шахс кўрсатилган манзилда бўлмаганда;
- қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Мижознинг асосий ҳисобварағи бўйича операциялар тўхтатилганда бошқа банкларда асосий ёки иккиламчи ҳисобварақларни очишга рухсат этилмайди.

Банкларда ҳисобварақларни ёпиш тартиби. Хўжалик юритувчи субъектларнинг банкдаги асосий ҳисобварағи қуйидаги ҳолатларда ёпилиши мумкин:

–ҳисобварақ эгасининг аризасига биноан;

– ҳисобварақда банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномада кўзда тутилган маблағнинг энг кам миқдори таъминланмаганда (агар кўзда тутилган бўлса), мижоз огоҳлантирилган кундан кейин бир ой ичида тикланмаса;

–мижознинг ҳисобварағи бўйича олти ой давомида операциялар амалга оширилмаган бўлса унинг ҳисобварағини ёпишга асос бўлади.

Бундан ташқари савдо ва савдо–воситачилик корхоналари – уч ой мобайнида банк ҳисобварақлари бўйича тегишли операциялар амалга оширилмаганда банклар уч кун муддат ичида рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тегишли чоралар кўриш учун ахборот беради.

Суд хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиш ва ёпиш тўғрисидаги тегишли қарорини тақдим этганда, банклар хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларини ёпадилар. Уларнинг ҳисобварақларидаги маблағлар банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқсиз махсус ҳисобвараққа ўтказилади.

Дебет 202XX – “Мижознинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи”

Кредит 29842 – “Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари” (Махсус ҳисобварақ)

Мижознинг вақтинчалик ёпилган ҳисобварағига келиб тушган маблағлар унинг махсус ҳисобварағига ўтказилади. Банк махсус ҳисобварақлар ҳисобидан мижознинг бюджет ва бюджетдан ташқари

жамғармалар олдидаги қарзларини тўлашга, қолган суммалар эса уларнинг кредиторлик қарзларини календарь навбатида тўлашга йўналтиради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий ҳисобварақлари мажбурий ёпилаётганда уларнинг ҳисобварақлари бўйича барча операциялар тугатиш комиссияси қарори асосида амалга оширилади. Тугатиш комиссиясининг ҳисобварағида тақдим қилинган талаблардан озод бўлган пул маблағлари мавжуд бўлса, ушбу қолдиқ мижозларнинг таъсисчиларига ёки тугатиш комиссияси ва тугатилган мижознинг таъсисчилари мажлисининг қарорига асосан бошқа ҳисобвараққа ўтказилади.

Мижознинг асосий ҳисобварағи ёпилганда унинг бошқа банклардаги барча иккиламчи ҳисобварақлари ҳам ёпилиб, бу ҳақда давлат солиқ инспекциясига маълумотнома берилади ва улардан бюджет қарздорлиги тўғрисида маълумотнома беришни талаб этади.

Банкларда хўжалик юритувчи субъектларга кредит берилганда очилган ссуда ҳисобварақлари ваколатли шахснинг фармойишига асосан берилган кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар тўлови тўлиқ амалга оширилгандан кейин ёпилади.

Банк ва мижоз ўртасида асосий ҳисобвараққа банк хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган шартноманинг бекор қилиниши мижознинг ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади, банк ҳисобварақни ёпганлиги учун ҳақ олмайди.

3-боб бўйича назорат саволлари

- Банк ҳисобварақларининг моҳияти ва турлари
- Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларнинг моҳияти ва очиш тартиби
- Муддатли депозитларнинг моҳияти ва уларни очиш тартиби
- Жамғарма депозитлари ва уларни очиш тартиби

- Ссуда ҳисобварақларнинг моҳияти ва уларни очиш тартиби
- Банкларда ҳисобварақларни очиш, ёпиш ва бошқа банкларга кўчиришни тартибга солувчи меъёрий ҳужжат
- Резидентларга миллий ва хорижий валюталарда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар
- Норезидентларга миллий ва хорижий валюталарда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар
- Резидент ва норезидентларга миллий валютада жамғарма ва муддатли депозит ҳамда ссуда ҳисобварақларни очиш тартиби.
- Резидент ва норезидент банкларга вакиллик ҳисобварақларини очиш тартиби
- Резидент ва норезидентларга чет эл валютасидаги жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш тартиби
- Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси, унинг вазифалари ва ишлаш тартиби
- Мижознинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказиш, операцияларни тўхтатиш ва ҳисобварақни ёпиш тартиби
- Мижознинг асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказиш тартиби
- Мижознинг асосий ҳисобварағи бўйича операцияларни тўхтатиш тартиби
- Мижозларнинг асосий ҳисобварағини ёпиш тартиби

И БЎЛИМ

БАНКЛАРДА ПУЛ АЙЛАНМАЛАРИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

4 – БОБ

БАНКЛАРНИНГ КАССА ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБИ

4.1. Касса ишларини ташкил этиш ва ҳужжатларни сақлаш

Банклар аҳоли ва мижозларга нақд пулларни бериш ва уларни қабул қилиш мақсадида касса ишларини ташкил этади ва амалга оширади. Иқтисодийetni модернизациялашда пул айланмаси таркибида нақдсиз пуллар билан амалга ошириладиган ҳисоб–китоблар ҳажмини ошириш орқали нақд пуллар билан амалга ошириладиган ҳисоб–китоблар ва банкдан ташқари нақд пул айланмалари ҳажмини қисқартиришга ҳаракат қилинади. Бунинг натижасида нақд пулларни инкассация қилиш, сақлаш, қўриқлаш ва бошқа хавфсизликларни таъминлаш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ва тўловларнинг самарали усулларини кенгроқ жорий этишга имконияти яратилади.

Ўзбекистонда банкларнинг касса ишларини ташкил этиш Марказий банкнинг *“Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир”* йўриқномаси (2003 йил 17 майдаги 534 – сонли) асосида тартибга солинади.

Банклар мижозларга касса хизматини кўрсатиш учун касса операциялари бўлимига эга бўлиши керак. Банклар касса хизматини кўрсатиш, тегишли пул омбори ва кассалари фаолиятини ташкил этиш учун Марказий банкнинг тегишли лицензиясига эга бўлишлари шарт.

Банкнинг пул омбори, кассалари ва пулларни қайта санайдиган бўлимлари пулларни ташиш ва вақтинчалик сақлаш учун зарур бўлган жиҳозлар, маҳкамланадиган темир шкафлар, ўтда ёнмайдиган сейф ва темир сейфлар билан жиҳозланган бўлиши шарт. Банкнинг кассаларидаги нақд пул ва қимматликлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида унинг ташқари ва ичкари ойналаридан кўринмаслиги ҳамда тегишли панжаралар билан ҳимояланган бўлиши лозим.

Банкларда касса ишларини ташкил этишда нақд пулларни сақлаш, улардан самарали фойдаланиш, инкассация қилиш ва бошқа операцияларни тўғри, аниқ, тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилишига асосий эътибор қаратилади. Буларнинг барчаси касса интизомига тўлиқ риоя этишни талаб этади.

Банкларда касса операциялари бўлимини қимматликлар билан ишлашдан озод этилган бошлиқ бошқаради, шунингдек, касса операциялари устидан назорат ўрнатади ва уни тўғри ташкил этилиши бўйича масъул ҳисобланади. Қимматликларни сақлаш ва улар бўйича операциялар ўтказиш билан боғлиқ моддий жавобгарлик – банкнинг касса мудири зиммасига юклатилади.

Банкларда миқозлар билан касса операцияларини амалга ошириш ва нақд пулларни қайта ишлашга бўлган иш ҳажмини эътиборга олган ҳолда:

–кирим касса;

–чиқим касса;

–кирим–чиқим касса;

–пулни қайта санаш кассаси;

–кечки касса;

–хўжалик юритувчи субъектлар қошида махсус кассаларни ташкил этиши мумкин.

Шунингдек, пластик карточкалар билан ҳисоб–китобларни амалга ошириш мақсадида банкдан ташқари хизмат кўрсатиш имкониятини берувчи банкоматлар ҳам ўрнатилиши мумкин.

Банкнинг касса бўлимига ишга қабул қилинган барча кассирлар билан яқка тартибдаги моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Операция кассаларининг кассирлари кирим ва чиқим касса ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга бўлган ҳисоб–операция ходимларининг имзо намуналари билан, кирим–чиқим касса операцияларини расмийлаштириш билан шуғулланувчи ҳисоб–операция ходимлари эса – кассирларнинг имзо намуналари билан таъминланган бўлишлари лозим.

Операция кассасининг нақд пули ва бошқа қимматликлар сақланадиган пул омборлари қимматликларнинг бут сақланиши учун жавобгар бўлган уч мансабдор шахс томонидан учта калит билан очилади ва қулфланади ҳамда, уларнинг муҳрлари билан муҳрланади. Пул омборларининг биринчи калити – касса мудирида, иккинчи калити – раҳбарда ва учинчи калити – бош бухгалтерда бўлади.

Банкларда кун давомида амалга оширилган касса операциялари билан боғлиқ барча ҳужжатлар тегишли касса мудирининг ёки масъул касса ходимининг томонидан кунлик касса ҳужжатлари йиғма жилдида тикилади.

Кунлик касса ҳужжатлари баланс ҳисобварақлар бўйича ўсиб бориш тартибида, аввал кассанинг кирим ҳужжатлари сўнгра чиқим ҳужжатлари алоҳида–алоҳида қилиб тахланади. Банкнинг кунлик касса ҳужжатлари кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари рақамлари бўйича, аввал – кирим, сўнгра – чиқим ҳужжатлари тахланади.

Тахланган касса ҳужжатлари худди шу тартибда ҳар куни алоҳида юритиладиган йиғмажилдда тикилади ва рақамланади. Кунлик йиғма жилддаги касса ҳужжатлар асосида банк кассасига баланс ва кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича амалга оширилган кирим ва чиқим суммалари белгиланган тартибда ҳисобланади.

Касса ҳужжатларига тикилган кириш ва чиқим ҳужжатлар бухгалтерия бўлими баланси ва тегишли қайд дафтарлари билан солиштириб назоратдан ўтказилгандан сўнг йиғмажилд юз томонидаги ёзув, уни шакллантирган касса мудири ва кассирнинг имзолари билан тасдиқланади.

Банкнинг кунлик касса ҳужжатлари бўйича шакллантирилган йиғма жилд бош бухгалтер томонидан баланс ҳисоботлари ва маълумотлари билан таққосланиб текширувдан ўтказилгандан сўнг унинг имзоси билан тасдиқланади.

Кунлик касса ҳужжатларининг йиғма жилди охириги ўн икки ой мобайнида касса мудири ёки касса ҳужжатларини сақлаш зиммасига юклатилган кассирнинг жавобгарлигида пул омборида ёки алоҳида сейфда сақланади. 12 ойдан сўнг архивга топширилган касса ҳужжатлари камида 5 йил давомида банк архивида сақланади.

Касса ҳужжатлари банкдан тергов, суд органлари ёки бош банк қарорига биноан олиниши мумкин ва уларнинг ёзма талабномасига кўра, банк раҳбарининг имзоси билан берилади. Касса ҳужжатининг олинган асл нусхаси ўрнига, унинг касса мудири тасдиқлаган кўчирма нусхаси (ксерокопия), ҳужжатнинг асл нусхасини олган шахснинг тилхати ёки ҳужжатнинг жўнатилганлиги тўғрисидаги почта квитанцияси ва ҳоказолар тикиб қўйилади.

4.2. Касса операциялари ва уларнинг ҳисоби

Банклар аҳоли ва мижозлардан нақд пулларни қабул қилиш ва уларга бериш билан боғлиқ касса операцияларни амалга оширади ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритади.

Банкларда касса операциялари билан боғлиқ операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби “*Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш*” Қоидалари (Марказий банк

Бошқарувининг 2006 йил 15 июндаги 13/6–сонли қарори билан тасдиқланган) асосида тартибга солинади.

Банкларда нақд пулларни қабул қилиш ва уларни бериш билан боғлиқ операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда юритилади:

10101– Айланма кассадаги нақд пуллар

10102– Нақд пуллар захираси

10103– Пул алмаштириш шохобчаларидаги нақд пуллар

10107– Банкоматлардаги нақд пуллар

10109– Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари

10111– Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар

10307– Марказий банкдан олинishi лозим бўлган маблағлар – Нақд пуллар

10311– Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олинishi лозим бўлган маблағлар

10507– Бошқа банклардан олинishi лозим бўлган маблағлар – Нақд пуллар

16101– Бош банк/филиаллардан олинadиган маблағлар – Нақд пуллар

16103–Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб–китоблар бўйича олинadиган маблағлар

17301– Транзит ҳисобварақлари

19903– Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар

19935– Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар

21008– Бошқа банкларга берилиши лозим бўлган – Нақд пуллар

21307–Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар (Марказий банк)

21314–Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар (Марказий банк)

22202– Бош банк/филиалларга тўланадиган маблағлар – Нақд пуллар

29804– Бошқа банк миждозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва

чеклари

29816–Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар

Касса ҳужжатларининг расмийлаштирилиши. Касса ҳужжатларига асосан қуйидагилар киради:

- пул чеклари;
- касса кирим ордери;
- касса чиқим ордери;
- кассага пул топшириш бўйича эълоннома ва бошқалар.

Банк кассасидан нақд пул олиш учун фойдаланиладиган нақд пул чеклари бир хил сиёҳли ёки шарикли ручка билан қўлда тўлдирилган бўлиши шарт. Ҳужжатнинг тўлдирилмаган қисмларга иккита параллел чизик тортилиши лозим.

Ҳисобварақ эгасининг номи, унинг ҳисобварақ рақами ва банк номи чекларда ҳамда эълонларда бурчак штамплар билан кўрсатилиши мумкин. Банкда бериладиган нақд пул ҳужжатларида сўз билан ёзиладиган сумма сатрнинг бошидан катта ҳарф билан бошланиши шарт.

«Сумма рақам билан» ҳамда «Сумма сўз билан» реквизитларидаги суммадан олдин ва кейин қолган бўш жойларга учлари диагонал чизик билан бирлаштирилган икки параллел чизик тортиб қўйилади.

Нақд пул чекининг олд томонида албатта, нақд пул олиш учун корхона томонидан ишончнома берилган шахснинг исми, шарифи ёзилади. Ҳисобварақ эгаси нақд пул чекларининг орқа томонида харажатларнинг мақсадини кўрсатиши шарт, ушбу маълумотлар чек берувчининг имзолари билан тасдиқланади ва пул олувчининг паспорти ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат (ҳужжат фақат, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ўз ходимларига берилган бўлса) маълумотлари кўрсатилади. Бу маълумотлар нақд пул олувчилар томонидан тўлдирилиши

шарт. Нақд пул берилиши учун асос бўладиган пул чеклари ва чиқим касса ордерлари олувчиларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Нақд пул чеки бўйича маблағ чекда шахси кўрсатилган шахсга тўланади. Чек бўйича пул олиш ҳуқуқи бошқа шахсга топширилиши ман этилади. Иккинчи имзо ҳуқуқи билан чекни имзолаган ташкилот бош бухгалтери ёки бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим номига ёзилган чек бўйича пул тўланишига йўл қўйилмайди. Фақат ҳарбий қисмлар, ҳарбий ташкилотлар, марказлаштирилган бухгалтериялар хизматидан фойдаланмайдиган ўз-ўзини бошқариш органларининг, шунингдек пул олишига рухсат этиладиган бошқа шахс штатида бўлмаган ташкилотлар ҳисобварақларига доир чеклар бундан мустасно. Бу ҳолат ҳисобварақ эгаси имзолар намунаси варақчасида қайд этган тегишли ёзув билан (иккинчи имзо намунасидан кейинги сатрда) тасдиқланган бўлиши лозим.

Банк раҳбари, айрим ҳолларда, чек бўйича қисман пул тўлаш ва пул олувчи шахсга ушбу чек бўйича унга амалда берилган пул суммаси тўғрисида маълумотнома беришга рухсат этиши мумкин.

Маълумотномага банк раҳбари ва бош бухгалтери имзолари қўйилиб, банк муҳри босилади. Пул олувчидан олинган пул суммаси тўғрисида чекнинг орқа томонига тилхат ёздириб олинади. Ушбу чек бўйича бошқа нақд пул олишга рухсат берилмайди ва унга қисман тўлангани ҳақидаги маълумотноманинг нусхаси илова қилиниб, шу куннинг касса ҳужжатларига қўшиб тикилади.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома» (2001 йил 19 февраль, рўйхат рақами 1009 – Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 3–4–сон)га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва уларга қарашли муассасаларнинг тўлов топшириқнома ва чекларида тўлов мақсади кўрсатилиши талаб қилинмайди.

Кирим касса ордерларига ҳамда пул ва қимматликларни қабул қилиш квитанцияларига имзо чекиш ҳуқуқи берилган касса ходимларининг фамилиялари, уларнинг имзо намуналари банк раҳбари томонидан чиқарилган махсус бланкаларда кўрсатилади.

Бош бухгалтер имзоларнинг тегишли намуналари ўз вақтида кассага, бухгалтерия ходимларига ва назоратчи ходимларга берилиб, бу ҳақда улардан тилхат олинисини таъминлаши шарт.

Банкнинг ички операциялари банк ходимлари томонидан юқорида қайд этилган Йўриқнома ҳамда бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўрнатилган шаклларда расмийлаштирилладиган ҳужжатлар бўйича амалга оширилади. Бунга, хусусан, мемориал ордерлар, кирим ва чиқим касса ордерлари, кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича мемориал ордерлар, кредит бўлими ҳамда банкнинг алоҳида операциялари бўйича тайинланган мутасадди ходимининг фармойишлари ва бошқалар киради.

Банк тузган ҳужжатларда уларнинг рақамлари қайд этилади. Эълонлар, шунингдек уларнинг квитанция рақамларининг тартиби банк бош бухгалтери томонидан белгиланади. Пул қабул қилинганлиги тўғрисида тўловчига квитанция берилладиган ҳолларда банк ходими пул кўювчига берилган квитанция рақамининг охириги уч рақамини эълонга ёзиб кўяди.

Банк томонидан берадиган квитанцияларда сўз билан ёзиладиган сумма сатрнинг бошидан катта ҳарф билан бошланиши шарт. «Сумма рақам билан» реквизитидаги суммадан олдин ва кейин қолган бўш жойга икки параллел тўғри чизик тортиб кўйилади.

Пул омборида сақланаётган қимматликлар ва ҳужжатларни кирим қилиш ва ҳисобдан чиқаришга доир кирим–чиқим ордерларида якуний суммалар сўз билан қайта ёзилади.

Кирим ва чиқим касса журналлари компьютер техникаси ёрдамида тузилади (бунга имконият бўлмаса, қўлда ёзиб тўлдирилади). Унда сана,

мижознинг ҳисобварақ рақами, кирим ва чиқим ҳужжатининг рақами, ҳисобот рамзи ҳамда унинг суммаси кўрсатилиши лозим. Шунингдек, ушбу касса журналлари кирим ва чиқим ҳужжатларини дастлабки назоратдан ўтказган масъул ижрочи ва кассирнинг имзолари билан тасдиқланиши шарт.

Айланма касса ва нақд пул захира фондлари қолдиқлари бўйича талаблар ва уларнинг ҳисоби. Тижорат банки бўлимлари ва унинг филиаллари айланма кассаларига ва нақд пуллар захирасига ҳамда Марказий банкнинг ҳар бир ҳудудий Бош бошқармасидаги айланма кассаларга ва нақд пулларнинг захира фондларига нақд пуллар қолдиқлари бўйича чегара белгиланди. Ушбу тартиб Марказий банкнинг “*Банк кассаларидаги нақд пул қолдиқларига лимитлар белгилаш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида*”ги Низом асосида амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 639–сон билан 2006 йил 14 июлда тасдиқланган, Адлия вазирлигидан 2006 йил 21 июлда 1598–сон билан рўйхатдан ўтказилган.).

Тижорат банкларнинг айланма кассаларидаги нақд пуллар қолдиғининг максимал лимитлари ва нақд пуллар захирасининг минимал лимитлари – ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олинган ҳолда Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари томонидан белгиланади ва лозим бўлган тақдирда ўзгартирилади.

Айланма кассада ўрнатилган лимит миқдоридан ортиқча нақд пуллар суммаси 10102 – “Нақд пуллар захираси” ҳисобварағига кирим қилинганда бир вақтнинг ўзида қуйидаги иккита бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар” ҳисобварағидан нақд пуллар чиқим қилинганда:

Дебет 17301 – “Транзит ҳисобварақлари”

Кредит 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

б) 10102 – “Нақд пуллар захираси” ҳисобварағига нақд пуллар кирим

қилинганда:

*Дебет 10102 – “Нақд пуллар захираси”
Кредит 17301 – “Транзит ҳисобварақлари”*

10102 – “Нақд пуллар захираси” ҳисобварағидаги пуллар Марказий банкнинг ёзма топшириғи билан мазкур банкнинг заруриятига ишлатилади, бошқа тижорат банкига мадад пули сифатида берилади ёки Марказий банкнинг айланма кассасига ўтказилади.

Тижорат банклари нақд пуллар захирасидан ортиқча нақд пулларни Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲҚКМларига жўнатганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга оширилади:

*Дебет 10109 – “Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари”
Кредит 10102 – “Нақд пуллар захираси”*

ҲҚКМлари айланма кассасига тижорат банкларидан келтирилган нақд пулларни кирим қилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

*Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”
Кредит 21314 – “Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар”*

ҲҚКМлари айланма кассасига кирим қилинган нақд пуллар учун тижорат банкларига маблағ ўтказиб берилганда, қуйидаги яқунловчи бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

*Дебет 21314 – “Резидент банклари томонидан топширилган нақд пул учун тўланиши лозим бўлган маблағлар”
Кредит 10311 – “Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олинishi лозим бўлган маблағлар” (16103 – “Марказий банк /филиал/ агентликларнинг, филиаллараро ва банклараро ҳисоб–китоблар бўйича олинadиган маблағлари” ҳисобварағи орқали)*

Тижорат банклари ҲҚКМларидан топширилган нақд пуллар учун тасдиқнома келиб тушганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмасини амалга

оширишлари шарт:

Дебет 10311 – “Марказий банкка топширилган нақд пуллар учун олиниши лозим бўлган маблағлар”

Кредит 10109 – “Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов хужжатлари”

Мулкый шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар сотилган товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича нақд пул тушумларини инкассация хизмати орқали, истисно тариқасида айрим ҳолларда банклардаги ҳисобварақларига топшириши шартдир. Бунинг назоратини амалга ошириш учун банклар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг кассаларида сақлаш мумкин бўлган пулларнинг чегараси белгилаб қўйилади. Кассада сақлайдиган пулларнинг чегараси субъектнинг фаолият турини эътиборга олган ҳолда одатда бир йилга ўрнатилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўрнатилган касса лимитидан ортиқча пулларни шу куниёқ тўлиғича банкдаги ҳисобварақига топшириши шарт, ходимларга иш ҳақи ва унга тенглаштирилган маблағларни бериш билан боғлиқ ҳолларда ушбу чегара уч иш куни давомидан ошмаслиги талаб этилади. Бу тартибнинг бузилиши хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбар ходимларини белгиланган тартибда моддий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Нақд пулларни қабул қилиш ва уларнинг ҳисоби. Банклар аҳоли ва ўз мижозларидан қуйидаги ҳолларда нақд пулларни қабул қилиши мумкин:

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидан тушган тушумлар;
- солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа мажбурий тўловлардан тушган тушумлар
- омонатларга топширилган тушумлар;
- почта ўтказмалари учун тушган тушумлар;
- банк карталарига тушган тушумлар;
- бошқа мақсадлардан тушган тушумлар.

Юридик шахслардан нақд пулларни банк кассасига қабул қилиш инкассация хизмати ёки уларнинг ўзлари томонидан банкка олиб келиб топшириш орқали амалга оширилади. Банк бошқарувчисининг рухсати билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан ортмаган миқдоридаги нақд пул тушумларни юридик шахслар ўзлари олиб келиб банкка топширишлари мумкин.

Юридик шахслар нақд пулларни ўзлари олиб келиб топширганда пул топшириш бадалномаси (эълоннома) расмийлаштирилади (б-илова). Эълоннома уч қисмдан, яъни нақд пул қўйиш эълони (касса кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади), квитанция (пул топширганлигини тасдиқлаб пул топширувчига қайтарилади) ва ордердан (бухгалтерия ёзувини бериш учун банк бухгалтериясига тақдим этилади) иборат бўлади.

Банклар томонидан бошқа барча ҳолатларда қабул қилинадиган пул тушумлари касса ордери орқали қабул қилинади ва пул топширувчига нақд пул топширганлигини тасдиқловчи квитанция берилади.

Банк ходимларидан пул қабул қилиб олинганда, квитанция ўрнига кирим касса ордерларининг кассир томонидан имзоланган ва кирим кассасининг муҳри қўйилган нусхалари берилади.

Тижорат банкларига хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумларини ва касса лимитидан ортиқча нақд пулларни топширишлари мумкин. 4.1-расмда миждозларнинг нақд пулларни банкка топшириш жараёни келтирилган.


1.Мижоз 500 минг сўм нақд пул ва расмийлаштирилган эълонномани банкнинг кирим кассаси кассирига топширди.

2.Кассир пулларни санаб қабул қилади ва квитанцияга пулни қабул қилганлиги ҳақида имзо ва штамп қўяди.

3.Квитанцияни миждозга пул олганлиги ҳақидаги ҳужжат сифатида қайтаради.

4. Эълонноманинг ордери мижознинг ҳисобрақамига суммани киритиш мақсадида бухгалтерия бўлимига берилади.

4.1-расм. Мижоз нақд тушумини банкка топширганда хужжатларнинг айланиши ва ҳисоби



5. Бухгалтерия бўлими эълонноманинг ордер қисмига асосан қуйидаги бухгалтерия ёзувини амалга оширади.

а). Агар пул топширувчи банкнинг мижози бўлса:

Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

Кредит 20202 – “Мижознинг депозит ҳисобварағи”

б). Агар пул топширувчи бошқа банкнинг мижози бўлса:

б.1.) касса кирим ордери асосида;

Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

Кредит 29804 – “Бошқа банк мижозининг нақд пуллари ва чеклари”

б.2.) бошқа банкдаги мижознинг ҳисоварағига ўтказиш учун мемориал ордер асосида;

Дебет 29804 – “Бошқа банк мижозининг нақд пуллари ва чеклари”

Кредит 16103 – “Банкнинг вакиллик ҳисобрақами”

б.Мижознинг ҳисобварағидан кўчирмани беради.

Банклар жисмоний шахслардан муддатсиз ва муддатли депозитларга нақд пулларни қабул қилганда, олинган кредит суммаси ва унга ҳисобланган фоизларни нақд пулда тўлаганда кирим касса ордери расмийлаштирилади ва 10101– “Айланма кассадаги нақд пуллар” ҳисобварақасининг дебетида акс эттирилади. Масалан:

а). Жисмоний шахс муддатсиз депозит ҳисобварағига нақд пул топширди:

*Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”
Кредит 20206 – “Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”*

б). Жисмоний шахс муддатли депозит ҳисобварағига нақд пул топширди:

*Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”
Кредит 20606 – “Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари”*

в). Жисмоний шахс истеъмол кредитини нақд пулда қайтарди:

*Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”
Кредит 12501–“Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар”*

г). Жисмоний шахс кредитнинг фоиз тўловини нақд пулда тўлади:

*Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”
Кредит 16309 – “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”*

Банк ходимлари хизмат сафарларидан қайтганда қолган ортиқча нақд пулларни, банкнинг мол–мулклари инвентаризация натижасида аниқланган камомадлар моддий жавобгар ходимдан нақд пулда ундирилганда тегшли ҳисоботлар ва далолатномалар расмийлаштирилиб кирим касса ордери асосида банкнинг 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар” ҳисобварағига кирим қилинади ва қуйидаги бухгалтерия ёзувлари берилади.

а) Банк ходимининг хизмат сафари бўйича тузилган ҳисоботдан сўнг қайтарилган нақд пул бўйича:

Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”
Кредит 19907– “Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар”

а) Банк мол–мулки бўйича аниқланган камомад жавобгар ходимдан нақд пулда ундирилганда:

Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”
Кредит 19908 – “Банк ходимлари билан ҳисоб–китоблардаги олинishi лозим бўлган маблағлар”

Нақд пулларни бериш ва уларнинг ҳисоби. Банклар қуйидаги ҳолларда юридик ва жисмоний шахсларга нақд пулларни бериши мумкин:

- иш ҳақиға ва унга тенглаштирилган мақсадларга;
- пенсия, нафақа, ва суғурта тўловларига;
- омонатларни қайтаришга;
- почта алоқаси корхоналарига мадад пуллар;
- банк карталарига;
- бошқа мақсадларга берилиши мумкин.

Банкнинг чиқим касса ходими иш кунининг бошида касса мудиридан кун давомида чиқим қилинадиган нақд пуллар учун аванс суммасини қабул қилиб олади. Кун бошида қабул қилиб олинган нақд пуллар ва кун охирида топширган суммалари касса ходими ва касса мудирларининг тегишли касса китобларида акс эттирилади ва уларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Банк кассасидан нақд пуллар юридик шахсларга белгиланган шаклдаги пул чекларига асосан берилади. Хўжалик юритувчи субъектлар пул чекларини асосий ҳисобварақлари очилган банкда тегишли тўлов асосида олади. Пул чеки қатъий ҳисобдаги бланка ҳисобланиб, унинг босмохонада қўйилган тартиб рақамлари мижознинг имзо намуналари туширилган карточкада ва банкнинг тегишли кайд этиб бориш дафтарларида акс эттирилади. Пул чеки учта қисмдан иборат бўлади, корешок – чек расмийлаштрилгандан сўнг пул олувчининг ўзида қолади, асосий қисми пул олувчи томонидан олд ва орқа қисмлари тўлиқ расмийлаштирилиб банкка


топширилади, чекнинг ремаркаси банкка топширилган чекнинг ўнг томонини юқорисида жойлашган бўлиб, пул олувчига хизмат кўрсатувчи банк ходими чекни қабул қилиб олгандан сўнг пул олувчига, чиқим кассага тақдим этиш учун қайтариб берилади.

Банкдан ссуда олувчи жисмоний шахсларга, омонатчиларга, пенсионерларга, шунингдек, банкларнинг бошқарув аппарати ахтиёжлари ва бошқа сарф харажатлари учун чиқим касса ордерлари бўйича нақд пуллар берилади.

Пенсияни белгиланган органнинг топшириқномасига асосида пенсия ва нафақаларни бериш амалга оширилган ҳолларда чиқим касса ордери ёзиб берилади ва у топшириқнома билан бирга кунлик касса ҳужжатларига тикилади.

Куйидаги расмда банкнинг мижозига иш ҳақи учун нақд пулларни бериш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини кўриб чиқамиз.

4.2-расм. Мижознинг банк кассасидан нақд пулларни олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби



1. Мижоз ўзига хизмат кўрсатувчи банкнинг бухгалтер ходимига иш ҳақи олиш учун расмийлаштирилган пул чекини тақдим этади (мижоз пул

чеки билан бирга ходимларнинг иш ҳақидан ҳисобланган даромад солиғи, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Давлат бандликка кўмаклашиш фонди ва Касаба уюшмаси федерацияси кенгашига бадалларни ўтказиш учун тўлов топшириқномаларни бирга топшириши шарт).

2. Банкнинг масъул ходими тегишли назоратни амалга оширгандан сўнг чекка имзо қўяди ва тўлов топшириқномалар бўйича тегишли бухгалтерия ёзувларини амалга оширади.

3. Пул чекининг милки (ремарка)ни пул олувчига беради, милкда пул чекининг номери қайд этилган бўлади.

4. Мижозга хизмат кўрсатувчи банк ходими чекнинг қолган қисмини назоратчига беради.

5. Назоратчи бухгалтер чекни назоратдан ўтказгандан сўнг унга имзо қўяди ва чиқим касса журналинини расмийлаштиради.

6. Нақд пул чеки ва чиқим касса журнали кассага банкнинг ходими (куръери) орқали юборилади.

7. Мижоз чиқим кассирга оладиган сумманинг миқдорини айтиб, нақд пул чеки милкини тақдим этади.

8. Чиқим касса ходими мижозга тегишли суммани беради.

9. Нақд пул чекига кассирнинг имзоси қўйилгандан сўнг кунлик касса ҳужжатларига тикилади.

10. Чиқим касса журнали бухгалтерия ёзувини амалга ошириш учун бухгалтерия бўлимига тақдим этилади.

11. Бухгалтерия бўлими чиқим касса журналига асосан қуйидаги бухгалтерия амалини бажаради.

Дебет 20202 – “Мижознинг депозит ҳисобварағи”

Кредит 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

Банклар жисмоний шахсларнинг муддатли ва муддатсиз депозитларни қайтарганда, муддатли депозитларга ҳисобланган фоизларни нақд пулда тўлаганда, айрим ҳолларда кредитларнинг маълум қисми нақд пулда

берилганда банкнинг чиқим касса ордери асосида 10101–“Айланма кассадаги нақд пуллар” ҳисобварағи кредитланади.

а). Жисмоний шахслар муддатсиз депозит ҳисобварағидан нақд пул олганда:

Дебет 20206 – “Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”

Кредит 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

б). Жисмоний шахслар муддатли депозит ҳисобварағидан маблағни нақд пулда қайтариб олганда:

Дебет 20606 – “Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари”

Кредит 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

в). Жисмоний шахснинг муддатли депозити бўйича ҳисобланган фоиз нақд пулда тўланганда:

Дебет 22405–“Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Кредит 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

г). Жисмоний шахсга истисно тарзида кредитининг маълум қисми нақд пулда берилди:

Дебет 12501–“Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар”

Кредит 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

4.3. Инкассация қилинган нақд пулларнинг бухгалтерия ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пул тушумлари Ўзбекистон Республикаси инкассация бирлашмасининг Тошкент шаҳар, вилоят ва туманларда ташкил этилган инкассаторлари томонидан банкларнинг кечки кассаларига етказиб берилади.

Инкассация хизмати банк, хўжалик юритувчи субъект ва инкассация бўлимлари ўртасида тузилган уч томонлама шартнома асосида амалга оширилади. Хўжалик юритувчиларнинг нақд пулларини инкассация қилиш билан боғлиқ харажатлар тижорат банклари томонидан тўланади.

Инкассаторларга нақд пул топширувчи хўжалик юритувчи субъектлар инкассатор ходимлари келгунга қадар, олдинги кун қолдириб кетилган инкассатор қопига пулларни жойлайди ва пломбирлайди. Пулни топширишда ҳар бир халта учун нусха кўчириш қоғози орқали уч нусхададан иборат ҳужжат расмийлаштирилади.

1–нусхаси (илова қайдномаси) инкассация халтасининг махсус чўнтагига солинади, 2–нусхаси (халтага юкхат) пул тушуми солинган халта билан бирга йиғувчи–инкассаторга берилади, 3–нусхаси (квитанция) миждозда қолади.

Инкассаторлар томонидан миждозлардан йиғиб келинган пул маблағлари солинган инкассатор қоплари банкларнинг кечки кассаларига белгиланган тартибда қабул қилинади. Ушбу пул маблағлари солинган инкассаторлик қоплари кейинги иш куни эрталаб қайта санаш кассасига топширилади. Кечки касса томонидан юк хати асосида тайёрланган кирим рўйхатининг биринчи нусхаси қайта санаш кассасига ва иккинчи нусхаси банк бухгалтериясига топширилади ҳамда бухгалтерия ушбу кирим рўйхати асосида қуйидаги ўтказмаларни амалга оширади.

а). Банк иш куни бошлангандан инкассация қилинган нақд пуллар миждознинг ҳисобварағига кирим қилинади:

*Дебет 19903 – “Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар”
Кредит “Миждоз депозит ҳисобварағи”*

б). Инкассация қилинган нақд пуллар маблағлари бошқа банкнинг миждозига тегишли бўлса:

*Дебет 19903 – “Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар”
Кредит 29804–“Бошқа банк миждозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари”*

Банкнинг қайта санаш кассасида қоплардаги нақд пуллар белгиланган тартибда санаб бўлингандан кейин, қопдаги нақд пуллар бўйича камомад ёки ортиқчалик аниқланмаса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга

оширилади:

Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”
Кредит 19903 – “Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар”

Агар қайта санаш кассасида қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари аниқланса, белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”
Кредит 29816 – “Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар”

Қайта санаш кассасида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари ушбу банк миждозига тегишли бўлса, у миждознинг ҳисобварағига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дебет 29816 – “Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар”
Кредит “Миждоз депозит ҳисобварағи”

Қайта санаш кассасида аниқланган ортиқча нақд пул маблағлари бошқа банк миждозига тегишли бўлса қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29816 – “Қайта санаш вақтида аниқланган ортиқча нақд пуллар”
Кредит 29804 – “Бошқа банк миждозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари”

Инкассация қилинган нақд пулларни қайта санаш натижасида камомад аниқланса, белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 19935 – “Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар”
Кредит 19903 – “Инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклар”

Аниқланган камомад суммаси миждознинг ҳисобварағидан ундириб олинади ва бунга қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет “Мижознинг депозит ҳисобварағи”

Кредит 19935 – “Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар”

Банкнинг қайта санаш кассасида аниқланган камомад суммаси бошқа банк миждозининг 29804 – “Бошқа банк миждозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари” баланс ҳисобварағидан шартномада келишилган шартларга асосан ундириб олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29804 – “Бошқа банк миждозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари”

Кредит 19935 – “Қайта санаш вақтида аниқланган нақд пул бўйича камомадлар”

Бошқа банк миждозларига тегишли бўлган нақд пул бўйича маблағлар қайта санаш кассасида санаб бўлингандан кейин, электрон мемориал ордер шакллантирилиб, вакиллик ҳисобварағидан шу куннинг ўзида, электрон тўлов тизими орқали уларнинг ҳисобварақларига ўтказиб берилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29804 – “Бошқа банк миждозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари”

Кредит 16103 – “Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб–китоблар бўйича олинadиган маблағлар” ҳисобварағи орқали

Маблағ олувчининг банкига электрон тўлов тизими орқали маблағ келиб тушганда, дастурий йўл билан, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади:

Дебет 16103 – “Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб–китоблар бўйича олинadиган маблағлар” ҳисобварағи орқали

Кредит “Мижознинг асосий депозит ҳисобварағи”

Банклар бошқа банк миждозининг нақд пуллари инкассация қилганда улар ўртасида тегишли шартномалар тузилади. Шартномада банкнинг нақд

пулларни ўз вақтида инкассация қилиши ва инкассация қилинган маблағларни пул топширувчи мижознинг тегишли банкдаги ҳисобварағига ўз вақтида ўтказиб бериш шартлари белгилаб қўйилади. Шунингдек, инкассация қилинган нақд пулларни қайта санаш вақтида аниқланган камомад ва ортиқчалик нақд пул маблағларни мижознинг ҳисобварағидан ундириш ёки ўтказиб бериш тартиби ҳам мазкур шартномада кўрсатилади.

4.4. Тижорат банкларнинг мадад пулларини ҳисоби

Тижорат банкларининг барчаси ҳам нақд пулга бўлган талабни ўз имкониятларидан келиб чиқиб таъминлай олмайдилар. Марказий банк тижорат банкларининг нақд пулга бўлган қўшимча талабларини тегишли меъёрлар асосида таъминлаб туради. Марказий банк тижорат банкларини нақд пул билан таъминланиши мадад пуллар тарзида талқин этилиб, унинг ҳудудий Ҳисоб китоб касса марказлари (ҲККМ) томонидан амалга оширади.

ҲККМдан мадад пулларни олишда филиали мавжуд бўлмаган ва филиали мавжуд тижорат банклари мисолида кўриб чиқамиз.

Филиали мавжуд бўлмаган тижорат банки. ҲККМдан нақд пул олиш учун Марказий банкнинг мадад пули бериш тўғрисидаги фармойишга асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали ҳудудий Бош бошқармаларнинг Ҳисоб–китоб касса марказларига маблағ жўнатадилар.

Дебет 10307–“Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар – Нақд пуллар”

Кредит 10301–“Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро” ҳисобварағи орқали

Тижорат банкдан ҲККМларига мадад пули олиш учун маблағ келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 21302–“Резидент банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари – Востро”

Кредит 21307–“Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар”

ҲККМлари томонидан мадад пули жўнатилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10109 – “Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари”

Кредит 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

ҲККМдан Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари фармойишига асосан мадад пули келтирилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

Кредит 10307 – “Марказий банкдан олиними лозим бўлган маблағлар – Нақд пуллар”

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ҲККМларига филиали мавжуд бўлмаган инициатор банкдан мадад пулини олганлиги тўғрисида тасдиқнома келганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 21307 – “Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар”

Кредит 10109 – “Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари”

Филали мавжуд бўлган тижорат банкининг филиалида ҲККМдан мадад пули олишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10307 – “Марказий банкдан олиними лозим бўлган маблағлар – Нақд пуллар”

Кредит 16103 – “Бош банк/филиаллардан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинаниган маблағлар” ҳисобварағи орқали

Мадад пули олувчи филалнинг бош банкида қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали ҲККМга олинаниган нақд пул учун нақдсиз пулни ўтказиб беради:

Дебет 22204 – “Бош банк/филиалларга филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар”

Кредит 10301 – “Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи – Ностро” ҳисобварағи орқали

Тижорат банки филиалидан ХҚКМларига мадад пули олиш учун маблағ келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 21302 – “Резидент банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари – Востро”

Кредит 21307 – “Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар”

ХҚКМлари томонидан мадад пули жўнатилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10109 – “Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари”

Кредит 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

ХҚКМдан Марказий банк ҳудудий Бош бошқармалари фармойишига асосан мадад пули келтирилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

Кредит 10307 – “Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар – Нақд пуллар”

Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ХҚКМларига филиали мавжуд бўлмаган инициатор банкдан мадад пулини олганлиги тўғрисида тасдиқнома келганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 21307 – “Нақд пул олиш учун резидент банклардан келиб тушган маблағлар”

Кредит 10109 – “Йўлдаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари”

Тижорат банклари мадад пуллари ҳисобини белгиланган талаблар доирасида юритиши бўйича бошқарувчи, бош бухгалтер ва касса мудири масъул ҳисобланади.

4-боб бўйича назорат саволлари

- Касса ишларини ташкил этиш тартиби ва мақсади
- Касса операциялари бўлими ва унинг вазифалари
- Банк кассаларининг турлари ва уларнинг вазифалари

- Кунлик касса ҳужжатлари ва уларни шакллантириш тартиби
- Касса операцияларини бухгалтерия ҳисобини юритадиган ҳисобварақлар ва уларнинг таърифи
- Касса ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби
- Айланма кассадаги нақд пулларни захира ҳисобварағига ўтказиш сабаби ва бухгалтерия проводкаси
- Банкларга нақд пулларни қабул қилиш тартиби ва уларнинг ҳисоби
- Мижозларнинг нақд пулларни банкка топшириш тартиби ва ҳисоби
- Нақд пулларни бериш тартиби ва уларнинг ҳисоби
- Нақд пулларни инкассация қилиш тартиби ва ҳисоби
- Нақд пулларни қайта санашда аниқланган ортиқчаликни расмийлаштириш тартиби ва ҳисоби
- Нақд пулларни қайта санашда аниқланган камомадни расмийлаштириш тартиби ва ҳисоби
- Банкларга мадад пулларини бериш тартиби ва ҳисоби

5-БОБ

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБИ

5.1. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг умумий қоидалари

Банкларда ҳисоб-китоб операциялари мижозларнинг товарлар, ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун амалга ошириладиган тўловлар, шунингдек, бюджетга, ижтимоий фондларга ҳамда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақларига кирим қилиш бўйича банкка берадиган топшириқлари билан боғлиқ операциялар ҳисобланади. Банк ҳисоб-китобларининг асосий улуши нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг тегишли шакллари асосида амалга оширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар – бу бухгалтерия ёзувлари асосида тўловчининг ҳисобварағини дебетлаш ва маблағ олувчининг ҳисобини кредитлаш орқали бажариладиган пул ўтказмасидир.

Ўзбекистонда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакллари, тартиби ва амалга ошириш шартлари Марказий банк Бошқаруви томонидан 2013 йил 26 апрелда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги (19/1-сон) Низомга асосан ташкил этилади, (Адлия вазирлигида 2013 йил 3 июнь, 2465-рақам билан рўйхатдан ўтган).

Ўзбекистон тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китобларини қуйидаги шакллари орқали амалга оширади:

- тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар;
- тўлов талабномаси билан ҳисоб-китоблар;
- аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар;
- инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;
- тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки (амалиётда деярли қўлланилмайди).

Банкларнинг ички операциялари, шунингдек, банклар томонидан мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича шартномада кўзда тутилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар мемориал ордер билан амалга оширилади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг таборо чуқурлашиб бориши тижорат банклари хизматларининг турларини ошиб боришига туртки бўлмоқда. Шундай хизматлардан бири нақд пулсиз ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш бўлиб, ҳозирги пайтда ҳисоб-китобларнинг ушбу шакли асосан аҳоли томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари ўртасида қўлланилмоқда. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш жуда қулай ва осон бўлиб, келгусида аҳоли томонидан тўловларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши кутилмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларидан фойдаланилади:

- тўлов топшириқномаси (0505411002), 11–илова;
- тўлов талабномаси (0505411001), 12–илова;
- инкассо топшириқномаси (0505411013), 13–илова;
- аккредитивга ариза (0505411009), 14–илова;
- тижорат банкининг ҳисоб–китоб чеки (0505411005), 15–илова;
- мемориал ордер (0505411008), 16–илова.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг аниқ шакли маблағлар тўловчи ва олувчи ўртасида тузилган шартнома (битим)га мувофиқ мустақил равишда белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қатор қоидалар бажарилиши лозим. Уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқ:

-нақд пулсиз ҳисоб-китоблар жараёнида иштирок этаётган томонларнинг банк ҳисобварақлари мавжуд бўлиши лозим;

-пул маблағларини бошқа манзилга ўтказиш ва кирим қилиш Марказий банкнинг қатъий белгиланган тўлов ҳужжатлари асосида, тегишли реквизитлар тўлиқ тўлдирилган бўлиши лозим;

-банк мижознинг пул маблағларини ўтказиш ҳақидаги топшириғини унинг ҳисобварағида маблағ бўлгандагина қабул қилади. Мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлмаган ҳолатда унинг ҳисобварағидан ундириш тўғрисида инкассо топшириқномаси (ўз вақтида тўланмаган солиқлар ва Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқдан ташқари тўловлар, суд органларининг қарори бўйича ундириладиган суммалар), тўлов талабномалар, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш мижозларнинг тўлов топшириқномалари картотека 2 га кирим қилинади ва белгиланган тартибда тўловлар амалга оширилади;

-банк нақд пулсиз ҳисоб-китобларни фақат маблағ эгасининг топшириғи асосида белгиланган мақсадлар учун ўтказди, ҳисобварақ эгасининг ҳисобидаги маблағлар етарли бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно;

-мблағлар тўловчининг ҳисобварағидан ўчирилгандан сўнг маблағ олувчининг ҳисобварағига кирим қилинади;

-тўловларни амалга ошириш Марказий банк томонидан белгиланган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакллари қўллаган ҳолда, тегишли тўлов ҳужжатлари орқали амалга оширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакли ва тўловларни амалга оширишнинг тартиби товар сотувчи ва хизматлар кўрсатувчи ташкилот ҳамда уни сотиб олувчи ўртасида тузиладиган шартномада аниқ ва батафсил белгилаб қўйилади.

Банкда маблағларни кирим қилиш ёки ҳисобдан чиқариш учун асос бўладиган ҳужжатларнинг электрон нусхалари мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатадиган бухгалтерия ходими томонидан имзоланади, тўлашга қабул қилиш ва тўлаш саналари кўрсатилган ҳолда штамп билан тасдиқланади.

5.2. Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби

Банкларда барча операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган шаклдаги пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаси ҳамда “Банк-мижоз” тизимидан фойдаланувчилардан электрон алоқа орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида қайд этилади.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ижрога фақат мижознинг банкка тақдим қилган муҳр ва имзо қўйилган варақчада кўрсатилган шахслар ёки мижознинг ишончномаси асосида вакил қилинган шахсдан қабул қилинади.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида қуйидаги реквизитларнинг бўлиши мажбурий ҳисобланади, акс ҳолда банк ходими ҳужжатларни ижрога қабул қилмайди:

- мижознинг номи ва солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР);
- пул олувчи ва пул тўловчи мижозлар ҳисобварақ рақамлари;
- уларга хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди;
- ҳужжатнинг номи, рақами ва санаси;
- операциянинг номи, мақсади ва суммаси (рақам ва сўз билан);
- мижоз муҳри ва масъул шахсларининг имзолари.

Агар банкка тақдим қилинган имзолар намунаси ва муҳр изи қўйилган варақчада уларнинг асосий муҳри бўлмаган ҳолларда, деҳқон хўжалиги ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тақдим қилинган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари муҳр изисиз қабул қилишга рухсат берилади. Имзолар ўз эгасининг қўли билан қўйилиши шарт. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида имзо изи туширилган факсимилни қўйиш тақиқланади.

Ҳужжатларда операция мақсади аниқ баён этилиши лозим. Пул ҳисоб-китоб ҳужжатларида бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмайди.

Электрон ҳужжатлар масъул шахслар имзолари ўрнини босувчи – электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим. Электрон ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнида уларнинг бирор кўрсаткичларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Банкларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар билан боғлиқ тўлов ҳужжатлари юқорида кайд этилган Марказий банкнинг меъёрий ҳужжати ҳамда нақд пул билан боғлиқ операциялари бўйича тўлов ҳужжатлари *“Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома”* (2008 йил 27 июнь, рўйхат рақами 1831 – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008 йил, 26-27-сон, 258-модда)да белгиланган бланка шаклларидаги реквизитлар бўйича тўлиқ ва тўғри тўлдириб, расмийлаштирилган бўлиши шарт.

“Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома” (2001 йил 19 февраль, рўйхат рақами 1009 – Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 3-4-сон)га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва уларга қарашли муассасаларнинг тўлов топшириқномалари ва чекларида тўловлар мақсади кўрсатилиши талаб қилинмайди.

Банк тўловчи бўлиб иштирок этган ва мемориал ордерлар ишлатилган ҳолларда, улар банк раҳбарининг ва бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланади, бошқа ҳолатларда мемориал ордерлар ушбу банк ҳисобварағини олиб борувчи бухгалтер ва бош бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

Муддатида тўланмаган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари (2-картотекага кириш қилинган тўлов талабномалари, тўлов топшириқномалари ва инкассо топшириқномалари)ни қисман тўлаш мақсадида тузилган мемориал ордерларда операция мазмунини билдирадиган матн ўрнига унинг шартли белгиси – «1» ва «2» рақамлари ҳамда тўлов талабномаси ёки топшириқномасининг тегишли рақами ва санаси кўрсатилиши шарт.

Банк кунлик операциялар йиғмажилдига тикиш ва сақлаш учун чиқариладиган электрон тўлов ҳужжатларининг рўйхати ҳамда миқдорлар томонидан тақдим қилинган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари банкнинг масъул ходимлари имзоси ва банк штампи билан тасдиқланади.

5.3. Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар ва уларнинг ҳисоби

Тўлов топшириқномаси – бу мол сотиб олувчи ташкилотнинг ўз ҳисобрақамидан мол сотувчининг ҳисобрақамига тўловни амалга ошириш тўғрисида банкка берган топшириғидир.


Топшириқномалар орқали сотилган товарлар, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари ичида энг кўп қўлланиладигани тўлов топшириқнома ҳисобланади.

Топшириқноманинг санаси уни банкка тақдим этилган сана билан мос келиши керак, улар мос келмаган ҳолда тўлов топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди (бюджетга ва бюджетдан ташқари фондлар бўйича тўловлар бундан мустасно).

Мижознинг ҳисобварағида маблағлар етарли бўлгандагина тўлов топширикнома банк томонидан қабул қилинади, агар тўлов топширикнома солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга ошириш ҳақида бўлса, миждознинг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаса ҳам қабул қилинади ва картотека 2 га кириш қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақлари битта банк бўлимида очилган бўлса тўлов топширикномалари учта нусхада, бошқа ҳолларда эса икка нусхада банкка тақдим этилади.

5.1-расм. Миждозларга битта банк бўлимида хизмат кўрсатилганда тўлов топширикномаларни расмийлаштириш ва ҳужжатларни айланиш тартиби



1.Сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида шартнома тузилади, шунингдек, шартномада тўлов шакли ва шартлари келишилади, (амалиётда камида 15 фоиз олдиндан тўлов ўтказилиши белгилаб қўйилган, ҳужжатлар айланиш жараёнини мураккаблаштирмаслик мақсадида мазкур мисолда бу ҳолат инобатга олинмади).

2.Сотувчи шартномага мувофиқ товарларни жўнатади ёки хизматларни кўрсатади.

3.Сотиб олувчи тўлов топширикномани банкка тақдим этади.

4.Банкнинг масъул бухгалтер ходими тўлов топширикномани тегишли назоратдан ўтказидади, бунда асосий эътибор топширикноманинг реквизитлари тўғри ва тўлиқ тўлдирилганлиги, миждознинг ҳисобварағида маблағларнинг

етарлигига эътибор қаратилади, унинг биринчи нусхасига асосан қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 202XX – “Мол сотиб олувчининг депозит ҳисобрақами”

Кредит 202XX - “Мол сотувчининг депозит ҳисобрақами”


Тўлов топшириқноманинг биринчи нусхаси банкнинг кунлик бухгалтерия йиғмажилдига тикилади.

5. Банк тўлов топшириқноманинг иккинчи нусхасини ҳисобварақдан кўчирма билан биргаликда сотувчига беради

6. Тўлов топшириқноманинг учинчи нусхаси ҳисобварақдан кўчирма билан сотиб олувчига тақдим этилади.

Тўлов топшириқномалар билан ҳисоб-китобнинг битта банкнинг иккита бўлими орқали амалга ошириш жараёнини 5.2-расмда кўриб чиқамиз.

5.2-расм. Мижозларга битта банкнинг иккита бўлимида хизмат кўрсатилганда тўлов топшириқномаларни расмийлаштириш ва ҳужжатларни айланиш тартиби



1, 2 ва 3 операциялар мазкур параграфнинг 5.1-расмдагидек амалга оширилади.

4. Банк масъул бухгалтер ходими тегишли назоратни амалга оширгандан сўнг, қуйидаги бухгалтерия ёзувини амалга оширади:

Дебет 202XX – «Мол сотиб олувчининг депозит ҳисобрақами»
Кредит 16103 – «Шеробод бўлимнинг вакиллик ҳисобрақами».

Тўлов топшириқноманинг биринчи нусхаси кунлик бухгалтерия йиғмажилдига тикилади.

5. Банкда дастурий таъминот асосида расмийлаштирилган электрон тўлов топшириқнома бош банкка жўнатилади.

6. Электрон тўлов топшириқнома дастурий назоратдан ўтказилгандан сўнг қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 22204 – «Шеробод бўлимига филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар»
Кредит 22204 – «Оқтош бўлимига филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар»

7. АТ Республика «Агробанк» Оқтош бўлимнинг вакиллик ҳисобрақамига маблағни кирим қилганлиги ҳақида электрон тўлов топшириқномани жўнатади.

8. АТ Республика «Агробанк» Шеробод бўлимнинг вакиллик ҳисобварағидан маблағни чиқим қилганлигини маълум қилади.

9. Банкнинг Оқтош бўлимида электрон тўлов топшириқнома дастурий назоратдан сўнг қуйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади.

Дебет 16103 – «Бош банкдан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоб бўйича олинадиган маблағлар»
Кредит 202XX – «Мол сотувчининг депозит ҳисобрақами»

10. Электрон тўлов топшириқнома икки нусхада қоғозга чиқарилиб биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади.


11. Электрон тўлов топшириқноманинг иккинчи нусхаси тўловни (маблағни) олувчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан мижозга берилади.

12. Тўлов топшириқноманинг бир нусхаси ҳисобварақдан кўчирма билан сотиб олувчига тақдим этилади.

Тўлов топшириқномалар билан ҳисоб-китобларда иккита банкнинг мижозлари иштирок этганда улар ўртасидаги бухгалтерия ёзувлари ва ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби а ўзгаради.

Қуйидаги 5.3-расмда иккита банкнинг мижозлари ўртасида тўлов топшириқномалар билан ҳисоб-китобларни амалга оширганда ҳужжатларнинг айланиши ва бухгалтерия ҳисобини кўриб чиқамиз.

5.3-расм. Мижозларнинг ҳисобварақларига турли банкларда хизмат кўрсатилганда тўлов топшириқномаларни расмийлаштириш ва ҳужжатларни айланиш тартиби



1, 2 ва 3 операциялар мазкур параграфнинг 5.1-расмдагидек амалга оширилади.

4. Банк масъул бухгалтер ходими тегишли назоратни амалга оширгандан сўнг, қуйидаги бухгалтерия ёзувини амалга оширади:

Дебет 202XX – «Мол сотиб олувчининг депозит ҳисобрақами»

Кредит 16103 – «АТ “Агробанк”нинг ички вакиллик ҳисобрақами»

Тўлов топшириқноманинг биринчи нусхаси банкнинг кунлик бухгалтерия йиғмажилдига тикилади.

5. Банкда дастурий таъминот асосида расмийлаштирилган электрон тўлов топшириқнома бош банкка жўнатилади.

6. Бош банкда электрон тўлов топшириқнома тегишли дастурий назоратдан ўтказилгандан сўнг қуйидаги бухгалтерия ёзуви расмийлаштирилади.

Дебет 22204 – «Шеробод бўлимига филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар»

Кредит 10301 – «АТ “Агробанк”нинг Марказий банкнинг Ҳисоблаш марказидаги вакиллик ҳисобрақами»

Тўловлар амалга оширилгандан кейин электрон тўлов тизими орқали олинган топшириқнома қоғозга чиқарилиб, белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг банк бўлимининг кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади

7. АТ “Агробанк” электрон тўлов топшириқномада кўрсатилган маблағни электрон тўлов тизими орқали ўзининг вакиллик ҳисобрақамидан тегишли манзилга ўтказиш учун Ҳисоблаш марказига жўнатади.

8. Электрон топшириқнома Марказий банкнинг ҳисоблаш марказида дастурий назоратдан ўтказилгандан сўнг қуйидаги бухгалтерия амали бажарилади.

Дебет 21302 – «АТ «Агробанк» банкнинг вакиллик ҳисобрақами»

Кредит 21302 – «ТИФ Миллий банкининг вакиллик ҳисобрақами»

9. Ҳисоблаш маркази банкнинг вакиллик ҳисобварағидан маблағни чиқим қилганлиги ҳақида тўлов топширикнома ва кўчирмани электрон тўлов тизими орқали АТ “Агробанк”га жўнатади.

10. Ҳисоблаш маркази банкнинг вакиллик ҳисобрақамига маблағни кирим қилганлиги ҳақида тўлов топширикнома ва кўчирмани электрон тўлов тизими орқали ТИФ Миллий банкга жўнатади.

11. АТ “Агробанк” Шеробод бўлимига тўловни амалга оширилганлиги ҳақида тўлов топширикнома ва кўчирмани электрон тўлов тизими орқали жўнатади.

12. Топширикноманинг иккинчи нусхаси тўловчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан тўловчига жўнатилади.

13. ТИФ Миллийбанк электрон тўлов тизими орқали олинган топширикнома дастурий назоратдан сўнг банк амалиёт кунига қайта ишлаш учун узатилади ҳамда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 10301 – «ТИФ Миллий вакиллик ҳисобрақами»

Кредит 22204 – «Миробод бўлимига филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар».

Бухгалтерия ёзуви амалга оширилгандан сўнг электрон тўлов тизими орқали олинган топширикнома қоғозга чиқарилиб кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади.

14. ТИФ Миллийбанк электрон тўлов тизим орқали электрон тўлов топширикномани банк бўлимига жўнатади.

15. ТИФ Миллийбанкнинг Миробод бўлимида электрон тўлов тизими орқали олинган топширикнома дастурий назоратдан ўтказилгандан сўнг қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 16103 - «Бош банкдан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоб бўйича олинадиган маблағлар»

Кредит 202XX - «Мол сотувчининг депозит ҳисобрақами»

Тўлов амалга оширилгандан кейин электрон тўлов тизими орқали олинган электрон тўлов топшириқнома икки нусхада қоғозга чиқарилиб бир нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади.

16.Электрон тўлов топшириқноманинг иккинчи нусхаси тўловни (маблағни) олувчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан мижозга берилади.

Тўлов топшириқномалари билан амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг афзаллик ва камчиликлари.

Афзалликлари:

-сотиладиган товар, бажарилган иш ва кўрсатиладиган хизматлар учун олдиндан камида 15 % тўлов амалга оширилади;

-пул тўловчи ташкилот товар олингандан ва хизматлар кўрастилгандан сўнг тўлов топшириқномасини банкка тақдим этади;

-тўлов ҳужжатларининг бошқа нақд пулсиз ҳисоб-шакллариغا нисбатан оддийли ва тезлиги;

-товарли ва товарсиз операцияларда қўлланилшининг мумкинлиги.

Камчиликлари:

-маблағ олувчи ташкилот жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун оладиган маблағлар пул тўловчининг ҳисобварғида маблағлар бўлмай ёки етишмай қолганда маблағни олиш жараёни чўзилиб кетади;

-сотиб олувчи товар ёки буюмларнинг сифатини назорат қилиш имконияти бўлмайди.

5.4.Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар ва уларнинг ҳисоби

Тўлов талабномаси – мол сотувчи томонидан белгиланган суммани банк орқали олиш ҳақидаги талабини ўз ичига олган ҳисоб-китоб ҳужжатиدير.

Талабномалар асосан **акцептли ва акцептсиз** бўлиши мумкин. Акцептли тўлов талабномаларда банк аввал тўловчининг маблағни тўлаш ҳақидаги розилигини олади, акцептсизда банк тўловчининг розилиги олмасдан тўловни амалга оширади ва тўлов ҳужжатларни тўловчига тақдим этади.

Акцептли тўлов талабномалар билан ҳисоб-китоблар. Банкка акцептли тўлов талабномалар қуйидаги нусхаларда тақдим этилади.

Агар тўловчи ва маблағ олувчига бир банкда хизмат кўрсатилса уч нусхада, агар олувчи ва тўловчига турли банкларда хизмат кўрсатилса икки нусхада реестр билан бирга тақдим этилади. Акцептли тўлов талабномаларнинг нусхаларини фойдаланилиши 5.4-расмда келтирилган.

Тўловчи томонидан акцепт учун белгиланган муддатда розилиги ёки тўловдан тўлалигича ёхуд қисман бош тортиши тўғрисида маълум қилинмаган тақдирда талабнома банк томонидан умумий тартибда акцептланган ҳисобланади. Яъни, акцептли тўлов талабномаларда тўловчининг сукут сақлаши тўловга розилигини англатади.

Банк томонидан тўловчиларга талабномаларни қуйидагича акцептлаш муддати ўрнатилади:

- бир ҳудудда жойлашган мижозлар учун - талабномаларни банкка келиб тушган кунни ҳисобга олмаган ҳолда, уч иш куни;
- бошқа ҳудудда жойлашган мижозлар учун талабномаларни банкка келиб тушган кунни ҳисобга олмаган ҳолда, беш иш куни;
- тўловчининг асосли илтимосига кўра 10 кунгача.

Акцептлаш тартибида тўланадиган талабномалар “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” журналида имзо чекдириб, тўловчига топширилади ва шундан сўнг “Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (1-сон картотека) 90962 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади.

Тўловчи белгиланган муддатда ёзма равишда унга хизмат қилувчи банк бўлимига акцептлашни қисман ёки тўлиқ рад қилиш ҳуқуқига эга. Белгиланган муддатда мижоз ёзма равишда акцептлашни рад этмаса талабнома акцептланган ҳисобланади.

Талабномани акцептлашдан қисман бош тортганда, тўловчи томонидан акцептланган сумма бўйича тўловлар амалга оширилади. Бунда банк тўловчи томонидан акцептлашни қисман рад қилинганлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчининг (маблағ олувчининг) банкига ёзма равишда хабар беради.

Тўловчининг ҳисобварағида маблағлар бўлмаганда тўлов талабномаси (2-картотека) 90963 баланс ҳисобварағига жойлаштирилади. Тўловчининг ҳисобварағига маблағ келиб тушгандан сўнг тўловлар амалга оширилади. Агар банк ва мижоз ўртасида тузилган шартномада 2-картотекадаги ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича мижозининг ҳисобварағидан тўлов кечиктирилган кунлар учун маблағ олувчига пеня ундириб бериш кўзда тутилган ҳамда сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида тузилган шартномада тўловни кечиктирилганлик учун пеня тўланиши кўзда тутилган бўлса банк ушбу операцияни амалга ошириши мумкин.

Акцептсиз тўлов талабномалар билан ҳисоб-китоблар. Акцептсиз тўлов талабноманинг юқоридаги ўнг бурчагига “Акцептсиз” деб ёзиб қўйилади ёки штамп қўйилади. Акцептсиз тўланмаган, операция куни давомида тўловчининг банкига келиб тушган талабномалар ўша куниёқ тўланади, тўловчининг ҳисобварақларида маблағ бўлмаган ёки етарли бўлмаган ҳолда эса тўланмаган суммада “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” (2-картотека)га жойлаштирилади.

Акцептсиз тўлов талабномалари қисман тўланган ҳолда дастлабки сумма доира қилиб ўраб қўйилади ва ёнига қисман тўлашдан қолган сумма қўйилади.


Акцептсиз тўлов талабномаларнинг нусхалари қуйидагича тақдим қилинади:

-тўловчи ва маблағларни олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, уч нусхада;

-тўловчи ва маблағларни олувчига турли хил банкларда хизмат кўрсатилса, икки нусхада. Талабноманинг барча нусхалари почта орқали тўловчининг банкига юборилади. Акцептсиз тўлов талабномаларнинг нусхаларини қандай фойдаланилиши 5.5-расмда келтирилган.

Қуйидаги расмда акцептли тўлов талабномалар ҳисоб-китобларни кўриб чиқамиз.

5.4-расм. Мижозларга АТ «Агробанк»нинг битта бўлимида хизмат кўрсатилганда акцептланган тўлов талабномаларнинг рамсийлаштирилиши ва ҳисоби



1. Мол сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатиш ҳақида шартнома тузилади, ушбу шартномада тўлов шакли ҳам келишилади.

2. Товарларни жўнатади ёки хизматларни кўрсатади.

3. Шартномада келишилган суммани мол олувчининг ҳисобрақамидан ундириб олиш учун уч нусхада тўлов талабномаларни банкка тақдим этади.

4. Банкнинг масъул бухгалтер ходими тўлов талабнома банкка келиб тушгандан сўнг унинг учинчи нусхасини тўловчига, биринчи ва иккинчи

нусхалар қуйидаги бухгалтерия проводкаси билан 1-картотекага кирим қилади.

Дебет 90962 – «Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»
Кредит 96319–«Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг контр-счета»

5.Талабноманинг учинчи нусхасини кейинги иш кунидан кечиктирмасдан, ҳужжатни қабул қилинган санаси кўрсатилган ҳолда, акцептлаш учун тўловчига беради. Белгиланган муддатда корхона ёзма равишда акцептлашни рад этмаса талабнома акцептланган ҳисобланади.

6.Банк тўлов талабномаси бўйича қуйидаги бухгалтерия проводкасини беради:

а) агар рад жавоби олинмаса ва маблағ етарли бўлса.

1.Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича:

Дебет 96319–«Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг контр-счета»
Кредит 90962 – «Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»

2.Тўловчининг ҳисобрақами бўйича:

Дебет 202XX –«Мол сотиб олувчининг депозит ҳисобрақами»
Кредит 202XX -«Мол сотувчининг депозит ҳисобрақами»

Тўлов амалга оширилгандан сўнг талабноманинг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади.

б) агар рад жавоби олинмаса, лекин тўловчининг ҳисобрақамида маблағи бўлмаса.

1.Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари муддатида тўланмаган ҳисобланиб 2-картотекага жойлаштирилади.

1.а) тўлов муддатини кутаётган ҳисобрақами (1-картотека)дан чиқим қилинади:

Дебет 96319–«Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг контр-счета»
Кредит 90962 – «Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»

1.б) муддатида тўланмаган ҳисобрақами (2-картотека)га кирим қилинади:

Дебет 90963 – «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»
Кредит 96321– «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ»

2-картотекадаги ҳужжатлар бўйича тўлов кетма-кетлик асосида, агар картотекадаги тўлов ҳужжатларни тўлашга маблағлар етарли бўлмаса тўлов белгиланган тартибда (2012 йил 15 март, Адлия вазирлигининг рўйхат рақами 2342) амалга оширилади.

в) агар тўловчи қисман рад жавобини берса, яъни тўлов суммасининг бир қисмини тўлашга рози бўлса.

1.Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича тўлиқ суммага:

Дебет 96319–«Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг контр-счета»
Кредит 90962 – «Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»

2. Банк акцептланган сумма бўйича тўловни амалга оширади, маблағлар бўлмаганда 2-картотекага жойлаштирилади. Ушбу ҳолда талабноманинг дастлабки суммаси ўчирилади ва ёнида тўловчи акцептлаган талабнома суммаси қўйилади.


Дебет 202XX –«Мол сотиб олувчининг депозит ҳисобрақами»
Кредит 202XX -«Мол сотувчининг депозит ҳисобрақами»

7.Талабноманинг иккинчи нусхаси шахсий ҳисобварақдан олинган кўчирма билан мол сотувчига берилади.

8.Тўлов талабномага асосан маблағ чиқим қилинганлиги ҳақида ҳисобрақамидан кўчирма сотиб олувчига берилади.

Қуйидаги 5.5-расмда битта банкнинг иккита бўлимида хизмат кўрсатилганда акцептсиз тўлов талабномалар билан ҳисоб-китобнинг тартибини кўриб чиқамиз.

5.5-расм. Мижозларга битта банкнинг иккита бўлимида хизмат кўрсатилганда акцептсиз тўлов талабномаларнинг расмийлаштирилиши ва ҳисоби



1, 2 ва 3 операциялар 5.4-расмдаги 1, 2 ва 3 операцияларда амалга оширилган тартибда бажарилади.

4.Сотувчининг банки акцептсиз тўлов талабноманинг икки нусхаси ва юк хатларини тўловчининг банкига почта орқали жўнатади.

5.Сотиб олувчининг банки тегишли назоратни амалга оширгандан сўнг, акцептсиз тўлов талабномалар бўйича қуйидаги ишларни амалга оширади.

а). Тўловчининг ҳисобварағида маблағ етарли бўлса:

Дебет 202XX – «Мол сотиб олувчининг депозит ҳисобварағи»

Кредит 16103 – «Бош банкдан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоб бўйича олинган маблағлар»

б). Агар тўловчининг ҳисобварағида маблағ мавжуд бўлмаса, тўлов ҳужжатлари 2-картотекага жойлаштирилади ва қуйидаги бухгалтерия амалини бажаради:

Дебет 90963 – «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»

Кредит 96321– «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ»

2-картотекадаги ҳужжатлар бўйича тўлов кетма-кетлик асосида, агар картотекадаги тўлов ҳужжатларни тўлашга маблағлар етарли бўлмаса тўлов белгиланган тартибда («Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги йуриқнома. Марказий банк бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган. Адлия вазирлигидан 2012 йил 15 мартда 2342-рақам билан рўйхатга олинган) амалга оширилади.

6. Акцептсиз тўлов талабноманинг иккинчи нусхаси ва тегишли юк хатлари кўчирма билан бирга тўловчига берилади.

7. Тўловчининг банкида электрон тўлов талабнома шакллантирилиб, сотувчининг банкига маблағ ўтказиш учун юқори банкга жўнатилади.

8. АТ «Агробанк»да тегишли дастурий назоратдан сўнг қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 22204 –«Шеробод бўлимига филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар»

Кредит 22204 –«Оқтош бўлимига филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар»

9. АТ «Агробанк» электрон тўлов талабномага асосан вакиллик ҳисобварақдан маблағни чиқим қилганлиги ҳақида сотиб олувчи банкига хабар беради.

10. АТ «Агробанк» вакиллик ҳисобвараққа маблағ кирим қилинганлиги ҳақида электрон тўлов талабномани сотувчининг банкига жўнатади.

11. Сотувчининг банки электрон тўлов талабномага асосан қуйидаги бухгалтерия ҳисобини амалга оширади.

Дебет 16103 - «Бош банкдан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоб бўйича олинадиган маблағлар»

Кредит 202XX - «Мол сотувчининг депозит ҳисобрақами»

Электрон тўловлар тизими орқали маблағ олувчининг банкида тўланган талабнома икки нусхада кўпайтирилади. Биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикиб қўйилади.

12. Электрон тўлов талабноманинг иккинчи нусхаси маблағ олувчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан унга тақдим этилади.

Тўлов талабномаларда ҳисоб-китобларнинг қатор ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Хусусан, ижобий жиҳати кўпроқ сотиб олувчига тегишли бўлиб, олинган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар шартномадаги талабларга жавоб бермаса тўловдан воз кечиши мумкин. Шунингдек, тўлов ҳужжатларни расмийлаштириш билан боғлиқ муаммоларга дуч келмайди. Салбий жиҳати кўпроқ сотувчига хос бўлиб, товарлар жўнатгандан ва хизматларни кўрсатгандан сўнг тўлов ҳужжатларни банкка тақдим этиши, тўлов бўйича рад жавобини олиши эҳтимоли ҳам мавжуд.

Шу билан бирга, тўлов талабномалар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш кўп вақт талаб этади, шу боис бўлса керак, мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар таркибида тўлов талабномалар билан ҳисоб-китобларнинг улуши жуда ҳам паст даражани ташкил этади.

5.5. Аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар ва уларнинг ҳисоби

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклида миждознинг (тўловчининг) топшириғига кўра маблағларни олувчи фойдасига пул маблағи маълум муддатга депонентланади.

Аккредитив қопланган ва қопланмаган турларга бўлинади. Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олиннадиган ёки чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Унинг матнида чақириб олинмайдиган белгиси мавжуд бўлмаган ҳолда, аккредитив чақириб олиннадиган ҳисобланади.

Чақириб олиннадиган аккредитив банк-эмитент томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан хабардор қилмаган ҳолда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккредитивни чақириб олиш банк-эмитент зиммасига маблағларни олувчи олдида бирон-бир мажбурият юкламайди. Тўловчи чақириб олиннадиган аккредитивнинг шартларини ўзгартириш ёки бекор


қилиниши тўғрисидаги барча кўрсатмаларни маблағлар олувчига, фақат банк-эмитент орқали бериши мумкин, ушбу банк маблағларни олувчининг банки (ижрочи банк)ни, у эса - маблағ олувчини, хабардор қилади.

Маблағ олувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитив билан ҳисоб-китобларнинг ижобий жиҳати шундаки, корхона жўнатган товар ва кўрсатган хизматлари учун тўлов кафолатланади. Бунда қопланган аккредитивда маблағ сотиб олувчи корxonанинг ҳисобрақамидан 22602 - “Мижозларнинг аккредитивлар буйича депозитлари” ҳисобрақамига депонентланади, қопланмаган аккредитивда эса банк томонидан аккредитив кафолатланади, яъни мијознинг ҳисобварағида маблағ бўлмай қолган ҳолатларда банк ушбу суммани тўлаб беради.

Шу билан бирга, айтиш лозимки, аккредитив билан ҳисоб-китобларда мол сотиб олувчи корxonанинг маблағлари маълум муддатга ўз ихтиёридан чиқиб кетади. Аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар тартибини иккита банк бўлими мисолда кўриб чиқамиз, (5.6-расм).

5.6-расм. Мижозларга битта банкнинг иккита бўлимида хизмат кўрсатилганда қопланган аккредитивни расмийлаштирилиши ва ҳужжатларнинг айланиш тартиби



1. Мол сотувчи ва сотиб олувчи ўртасида товарларни сотиш ҳақида шартнома тузилади, ушбу шартномада тўлов қопланган аккредитив шаклида амалга оширилиши келишилади.

2. Сотиб олувчи томонидан унга хизмат кўрсатувчи банкка 2 нусхада аккредитив аризасини топширади.

3. Банк ходими аккредитив аризасини назоратдан ўтказгандан сўнг қуйидаги бухгалтерия ёзувини расмийлаштиради.

Аккредитив аризасининг биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан кейин, банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади.

4. Аккредитив аризаси бош бухгалтернинг тасдиғидан сўнг электрон тўлов тизими орқали юқори банк бўлимига жўнатилади.

а). Аккредитив очувчи-тўловчининг ҳисобрақами бўйича:

Дебет 202XX – «Мол сотиб олувчининг депозит ҳисобрақами»

Кредит 16103 -Шеробод бўлимининг вакиллик ҳисобрақами»

б). Балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича:

Дебет 90951 – «Маҳаллий аккредитивлар бўйича заҳира»

Кредит 96309 – «Аккредитив бўйича импортнинг контр ҳисобварағи»

5. АТ «Агробанк» Шеробод бўлиmidан электрон тўлов тизими орқали олинган аккредитив аризаси дастурий назоратдан сўнг банк амалиёт кунига қайта ишлаш учун узатилади ҳамда қуйидаги проводка амалга оширилади.

Дебет 22204 – «Шеробод бўлимига филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар»

Кредит 22204 – «Оқтош бўлимига филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар»

Тўловлар амалга оширилгандан кейин электрон тўлов тизими орқали олинган аккредитив аризаси қоғозга чиқарилиб, банк бўлимларининг кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади.

6. АТ «Агробанк» Оқтош бўлимининг вакиллик ҳисобрақамига маблағни кирим қилганлиги ҳақида аккредитив аризаси ва кўчирмани электрон тўлов тизими орқали жўнатади.

7. АТ «Агробанк» Шеробод бўлими вакиллик ҳисобварағидан маблағни чиқим қилганлиги ҳақида аккредитив аризаси ва кўчирмани электрон тўлов тизими орқали жўнатади.

8. Банк аккредитив аризасининг иккинчи нусхасини маблағ тўловчининг шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан унга жўнатади.

9. АТ «Агробанк»нинг Оқтош бўлимида электрон тўлов тизими орқали олинган аккредитив аризаси дастурий назоратдан сўнг банк амалиёт кунига қайта ишлаш учун узатилади ҳамда қуйидаги бухгалтерия ёзуви расмийлаштирилади.

Дебет 16103- «Оқтош бўлимининг вакиллик ҳисобрақами»

Кредит 22602-«Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари»

Тўловлар амалга оширилгандан кейин электрон тўлов тизими орқали олинган аккредитив аризаси икки нусхада қоғозга чиқарилиб биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади.

Иккинчи нусхаси «Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари» 1-картотекага жойлаштирилади.

Дебет 96319—«Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг контр-счета»

Кредит 90962 – «Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»

10. Мол сотувчига унинг номига банкда аккредитив очилганлиги ҳақида маълум қилади.

11. Мол сотувчи шартномада келишилган товарларни жўнатади ёки хизматларни кўрсатади.

12. Мол сотувчи аккредитив шарномасида белгиланган шартларни тасдиқловчи барча ҳужжатларни банкка топширади.

13. Банк аккредитивнинг барча шартларига риоя қилинганини ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириб тўловга қабул қилади. Ушбу шартларнинг лоақал биттаси бузилганда ҳам банк аккредитивлар бўйича тўловларни бажармайди. Мол етказиб берувчи банкка тасдиқловчи ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади.

Банк мол етказиб берувчининг депозит ҳисобварағига аккредитив маблағларни тушириб бериш учун тўрт нусхада мемориал ордер ёзади, тўлов мақсади графасида тўлов қайси шартнома асосида амалга оширилаётган бўлса, шу шартноманинг номери ва санасини кўрсатади ва қуйидаги бухгалтерия ёзувини расмийлаштиради.

Дебет 22602-«Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари»

Кредит 202XX-«Мол сотувчининг депозит ҳисобрақами»

Мемориал ордернинг биринчи нусхаси тасдиқловчи ҳужжатнинг бир нусхаси билан бирга кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади. Бир вақтнинг ўзида аккредитив бўйича тўланган сумма 1-картотекадан ҳисобдан чиқарилади.

Дебет 90962 – «Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»

Кредит 96319-«Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг контр-счета»

14. Мемориал ордернинг иккинчи ва учинчи нусхалари уларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан бирга банк-эмитентга жўнатилади.

15. Мемориал ордернинг тўртинчи нусхаси эса маҳсулот етказиб берувчи (маблағни олувчи)га шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда берилади.

16. Банк-эмитент аккредитивни ишлатилганлиги тўғрисида ижрочи банкдан ҳужжатларни олгандан кейин мемориал ордернинг иккинчи нусхасига асосан қуйидаги проводкани беради.

Дебет 96309-«Аккредитив бўйича импортнинг контр ҳисобварағи»

Кредит 90951- «Маҳаллий аккредитивлар бўйича захира»

17. Мемориал орденининг учинчи нусхаси ва тасдиқловчи ҳужжатларни тўловчига беради.

Аккредитив билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда қатор ижобий ва салбий жиҳатлар мавжуд бўлиб, унинг салбий жиҳатлари асосан маблағ тўловчининг зиммасига тўғри келади. Ушбу салбий ҳолатлар қуйидагилар билан изоҳланади:

- пул тўловчининг ҳисобварағидан маблағни аккредитив ҳисобварағига депонент қилиниши натижасида ушбу маблағнинг оборотдан вақтинчалик чиқиб кетиши (одатда аккредитив суммаси 20-30 кунга депонент қилинади);

- тўловчи таъминланмаган аккредитивдан фойдаланган ҳолда ҳам олинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар унинг талабига тўлиқ мос келмаган ҳолларда тўловни амалга оширишга рад жавобининг беролмаслиги ёки ушбу жараённинг вақтни олиши ҳамда қўшимча ҳужжатларни талаб этилиши ортқча ишларни келтириб чиқаради;

- юқорида аккредитив бўйича ҳужжатларнинг айланишидан ҳам кўриниб турибдики, ушбу жараён бир мунча мураккаброқдир.

Аккредитивлар билан ҳисоб-китобларда мол жўнатувчига қатор қулайлик жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- аккредитив шартномаси тузилгандан кейин товарларни ишлаб чиқаришга киришиши мумкин. Чунки ушбу товарларни сотиб олувчи тайин ва ундан тегишли иқтисодий фойда келиши кафолатланади;

- жўнатилган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўлов кафолатланган. Чунки таъминланган аккредитивда пул тўловчи товар ва хизматлар учун тўланадиган маблағни алоҳида ҳисобварағига депонентлаб қўяди. Таъминланмаган аккредитивда эса товар ва хизматлар учун тўланадиган маблағ пул тўловчининг банки томонидан кафолатланади.

5.6. Инкассо топшириқномалар билан ҳисоб-китоблар ва уларнинг ҳисоби.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг банкдаги ҳисобварақларидан маблағларни фақатгина уларнинг топшириғи (тўлов топшириқномаси, аккредитив, ҳисоб-китоб ва пул чеки) ва розилиги (тўлов талабномаси, кредит бўйича муддатли мажбуриятлар, шартномаларда келишилган бўлса мемориал ордер) билангина ўтказиш қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Бироқ, банк амалиётда шундай тўлов ҳужжатлари ҳам мавжудки, ушбу тўлов ҳужжати тегишли муассасалар томонидан банкка тақдим этилганда миқдорнинг ҳеч қандай розилигини олмасдан ҳужжатда кўрсатилган манзилга ўтказиб бериши лозим. Ушбу тўлов ҳужжати инкассо топшириқномаси ҳисобланади.

Инкассо топшириқномаси - банкка миқдор (тўловчи)нинг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги талабини аниқлатади.

Инкассо топшириқномалари қуйидаги ташкилотлар томонидан банкка тақдим қилиниши мумкин:

- ўз вақтида тўланмаган солиқлар ва Давлат бюджетига ўтказиладиган солиқдан ташқари тўловлар (пеня, жарималар)ни ундириб олишда солиқ идоралари;
- бюджетдан ташқари фондлар-ўз вақтида тўланмаган тўловларни ундириб олишда, агарда бу қонуний ҳужжатларда кўзда тутилган бўлса;
- божхона органлари-ўз вақтида тўланмаган божхона тўловларини ундиришда;
- суд органлари уларга берилган ижро ҳужжатлари бўйича;
- молиялаштиришга ортиқча ўтказилган маблағларни қайтаришда, юқори молия органлари қуйи бюджет ташкилотларга, давлат кафолати остида берилган муддати ўтган кредитларни қайтаришда ва бошқа

ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан инкассо топшириқномалари қабул қилинади;

- қонуний ҳужжатларга асосан бошқа органлар.

Хўжалик судининг қарори бўйича суммаларни ундириб олишда инкассо-топшириқномаларида ушбу қарорнинг санаси ва рақами кўрсатилиб, бунда қарз суммаси ва давлат божи харажатлари алоҳида ажратиб кўрсатилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига маблағларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳужжатлар Қонунда белгиланган муддатдан ўтказилиб тақдим қилинган бўлса, банк бўлимлари ушбу ҳужжатларни инкассо учун қабул қилмайдилар.

Тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаганда инкассо топшириқномаси 2-картотекада тўловини кутаётган ҳужжатлар қаторига жойлаштирилади ва қонунчиликда ўрнатилган тартибда тўланади.

Инкассо топшириқномалари тўловчиларнинг ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқариш учун бир шаҳар ичида ҳисоб-китобларда хизмат кўрсатувчи банкка ёки бевосита тўловчининг ҳисобварағи юритилаётган банк бўлимига, шаҳарлараро (худудлараро) ҳисоб-китобларда эса фақат ундириб олувчига хизмат кўрсатувчи банк бўлимига тақдим этилади.

5.7-расмда инкассо топшириқномалари билан ҳужжатларни айланиш ва расмийлаштириш тартиби келтирилган.

1.Инкассо топшириқномаси банк бўлимига уч нусхада иловалар билан бирга тақдим этилади.

2.Банк бўлими инкассо топшириқномаси ва иловаларни назоратдан ўтказгандан сўнг қуйидаги бухгалтерия амалини бажаради.


*Дебет 202XX – «Маблағ тўловчининг депозит ҳисобрақами»
Кредит 23402 - «Республика бюджетининг маблағлари»*

Инкассо топшириқномасининг биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади.

Агар тўловчининг ҳисобварағида маблағ мавжуд бўлмаса ёки етишмаса 2-картотекага кирим қилинади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

*Дебет 90963 – «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари»
Кредит 96319 – «Тўловни кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг
контр-счета»*

5.7-расм. Маблағ олувчи ва тўловчига битта банкда хизмат кўрсатилганда инкассо топшириқнома билан ҳисоб-китобларда ҳужжатларни расмийлаштириш ва айланиш тартиби



3.Иккинчи нусхаси тўловчига ижро ҳужжатлари иловаси ва шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда берилади.

4.Учинчи нусхаси тўловни олувчига шахсий ҳисобварағидан олинган кўчирма билан биргаликда қайтарилади.

**5.7.Чеклар билан ҳисоб-китоблар
ва уларнинг ҳисоби**

Ҳисоб-китоб чеклари асосан аҳоли ва савдо ташкилотлари ўртасида қўлланилади. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳисоб-китоб чеклари билан

тўловлар нақд пулсиз шаклда амалга оширилиб, уларни нақд пулга айлантириш таъқиқланади.

Тижорат банклари ўртасида чеклар билан ҳисоб-китобларнинг асосан қўлда амалга оширилиши, миждознинг ҳисобварағини дебетлаш орқали маблағни ўтказиб бериш лозимлиги, банк бўлимида вакиллик ҳисобварағида маблағлар тақчиллиги пайтида қабул қилинган чеклар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширилмаслиги, чекларнинг йўлда йўқолиши ва айрим ҳолларда реквизитларининг аниқ билинмаслиги ва тўғри расмийлаштирилмаганлиги каби муаммолар мавжуд.

Ҳисоб-китоб – чеки бу миждознинг хизмат кўрсатувчи банкка чек берувчининг ҳисобварағидан чек қабул қилувчининг ҳисобварағига маълум миқдордаги маблағларни ўтказиб бериш учун банкнинг махсус бланкасида - банкка берган топшириғидир.

Чек бланкалари тижорат банклари буюртмасига кўра тайёрланади. Бунда чек рақами ва серияси, банк-эмитентнинг номи ва фирма белгиси типография усулида ёзилади.

Ҳисоб-китоб чеклари фақат товар ва хизматлар учун хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар орасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қилишда қўлланилади.

Ҳисоб-китоб чекининг максимал суммасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўрнатилади, минимал суммаси эса тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

5.8-расмда ҳисоб-китоб чеклари билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда ҳужжатларнинг айланиш тартибини кўриб чиқамиз.

1. Жисмоний шахс нақд пул ҳисобига ёки банкдаги омонати ҳисобидан ҳисоб-китоб чеки олиш учун банкга мурожаат этади.

2. Банк ҳисоб-китоб чекини жисмоний шахсга берганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси амалга оширилади:


-нақд пул топширганлиги ҳақидаги касса кирим ордерига асосан:

Дебет 10101 –«Айланма кассанинг нақд пуллари»
Кредит 20206 -«Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» (алоҳида иккиламчи ҳисобварақда).

-омонат ҳисобидан тўланганда:

Дебет 20406 ёки 20606 –«Жисмоний шахснинг жамғарма ёки муддатли омонат ҳисобварағи»
Кредит 20206 -«Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари» (алоҳида иккиламчи ҳисобварақда).

5.8-расм. Ҳисоб-китоб чеклари билан бир банк орқали операцияларни амалга оширишда хужжатларнинг айланиши



3. Банк ҳисоб-китоб чекини жисмоний шахсга топширади. Чек икки қисмдан: ҳисоб-китоб чеки ва милк (корешок) дан иборат.

Ушбу милк ҳисоб-китоб чекида кўрсатилган суммаларни тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини ўз ичига олади.

Чекнинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Ҳисоб-китоб чекини олувчи чекни олганлиги ҳақида милк (корешок)га имзо чекади. Алоҳида дафтарга ҳисоб-китоб чекининг серияси ва рақамини, чек номига ёзилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ва чек суммаси (омонат бўйича ҳисобварақда сақланаётган маблағлар ёки депозит

ҳисобварағидан кўчирилган ҳамда нақд пулларда қўйилган маблағлар ҳисобига берилганлиги алоҳида кўрсатилиб) ёзиб қўйилади.

4.Чек товар ва кўрсатилган хизматлар учун сотувчига тақдим этилди.

5.Савдо ёки хизмат кўрсатувчи ташкилот чекни қабул қилишда унинг ҳақиқийлигини, муддати, муҳр ва имзоларни ва бошқа реквизитларни тўлиқ текширувдан ўтказди. Чекни банкка тақдим этишдан олдин унинг тескари томонига ташкилот муҳри ва раҳбарнинг имзоси қўйилади.

6.Товар ёки хизматлар кўрсатилади.

7.Ташкилот ўзига хизмат кўрсатувчи банк муассасасига чекни пул тушуми билан бирга, инкассаторлар орқали белгиланган тартибда топширади.

8.Инкассаторлар орқали қабул қилинган кузатув ведомостидаги чек суммасига куннинг бошида қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

*Дебет 19903 – “Инкассация қилинган пуллар ва чеклар”
Кредит 2020X – “Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар”*

9.Банк савдо ташкилотига ҳисобварағидан кўчирма тақдим этади.

Инкассаторлар сумкаси очиб саналгандан сўнг кузатув ведомостидаги суммага чек суммаси тўғри келса қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади ва чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлари йиғма жилдига тикилади:

*Дебет 20206- “Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари” (алоҳида иккиламчи ҳисобварақда).
Кредит 19903 – “Инкассация қилинган пуллар ва чеклар”.*

Чек берувчи ва чек қабул қилувчига турли банкларда хизмат кўрсатилганда, чек берувчининг банки чекда кўрсатилган суммани мижознинг ҳисобварағига ўтказиб, электрон тўлов тизими орқали ҳисобкитоб чекини чек берувчининг банкига жўнатади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғма жилдига тикилади.

Агар чек амал қилиш муддатида банкка тақдим қилинмаган бўлса, чек суммаси 29842-"Ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари" баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Чек эгаси амал қилиш муддати тугаган чек билан банкка муурожаат қилган тақдирда, банк қаршиликсиз чек эгасининг паспорти асосида чекни қабул қилиши ва тўлаб бериши лозим.

5.8.Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг таборо такомиллашиб бориши тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматларининг турларини кўпайтирмоқда. Худди шундай банк хизматларидан бири бу пластик карточкалар билан амалга оширладиган ҳисоб-китоблар ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда тижорат банкларининг аксарият қисми пластик карточкаларни чиқарган бўлиб, улар орқали нақд пулларни банкоматлардан олиш ва савдо шахобчаларида фойдаланишлари мумкин. Пластик карточкалар асосан аҳоли ўртасида қўлланилиб, нақд пулга бўлган талабни камайтириш, олиб юришдаги қулайлиги, вақтинча фойдаланмасдан турган маблағларни даромад келтириш каби ижобий жиҳатлари мавжуд.

Пластик карточка тегишли банкда карточка эгасининг ҳисобварағи мавжудлигини тасдиқловчи ва нақд пулсиз товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи, шахси белгиланган, банк томонидан чиқарилган тўлов воситасини ўзида ифода этади.

Пластик карточкада, албатта бир хил маъноли идентификация қиладиган эмитентнинг номи ва логотипи қайд қилиниши шарт.

Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар, бир томондан, ҳамда маҳсулотни сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар (кейинги матнда - савдо ёки хизмат кўрсатиш корхоналари), иккинчи томондан, ўртасидаги бўладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда,

шунингдек, нақд пул бериш пунктлари (НПБП) ва банкоматлардан нақд пул олишда қўлланилади.

Ваколатли банклар халқаро пластик карточкалар чиқариши ва улар бўйича хизмат кўрсатиши мумкин, бунда улар халқаро тўлов тизимлари билан тузилган шартномаларга ва тегишли меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, бажариладиган операция қоидаларига амал қилишлари шарт.

Пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатиш шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

- а) томонларнинг номлари;
- б) шартнома мавзуси;
- в) томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- г) томонларнинг жавобгарлиги;
- д) ҳисоб-китобларни ўтказиш шартлари;
- е) шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари;
- ж) низоларни ҳал қилиш тартиби;
- з) томонларнинг юридик манзили.

Алоқадорлиги бўйича пластик карточкалар шахсий, оилавий ва корпоратив турларга бўлинади.

а) Шахсий карточка – бу жисмоний шахсга берилган пластик карточкадир.

б) Оилавий карточка – бу шахсий карточка эгасининг ишончномаси асосида фойдаланувчига берилган пластик карточкадир.

в) Корпоратив карточка – бу юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган пластик карточкадир. Корпоратив карточкалардан иш ҳақи ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа тўловларни, шунингдек, нақд пул маблағларини тўлашда фойдаланиш таъқиқланади.

Пластик карточкалар бажарадиган вазифалари бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

а) дебет - карточкасидаан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан мижоз ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ, ўзининг карточкасидаги пул маблағларидан товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлаш ва/ёки нақд пул маблағларини олишда (корпоратив карточкалардан ташқари) фойдаланиш имконини беради;

б) кредит - карточкасидаан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ, эмитент томонидан товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлаш ва/ёки нақд пул маблағларини олиш учун (корпоратив карточкалардан ташқари) берилган кредит линияси миқдорида операцияларни амалга ошириш имконини беради;

в) электрон ҳамён – жисмоний шахсларнинг карточкаси бўлиб, ундан фойдаланиш унинг эгасига пластик карточкадаги қолдиқ маблағлар доирасида товарлар, ишлар, хизматларга ҳақ тўлаш ва/ёки нақд пул маблағларини олишга имкон беради;

Битта электрон карточкада бир неча “электрон ҳамёнлар” жойлашган бўлиши мумкин.

Пластик карточкада, уни шахс номига бириктиришда, қуйидаги реквизитлар ёзилган бўлиши шарт:

- а) идентификация белгилари (картани рақами, серияси ва бошқалар);
- б) банк-эмитент (карточкаларни чиқарувчи банк)нинг коди;
- в) ҳисобварақ рақами ва карточка эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми (ташкілот номи);
- г) карточканинг амал қилиш муддати;

Пластик карточкада бир неча ҳамёнлар мавжуд бўлганда, идентификация белгилари ҳар бир ҳамённи бир хил маъноли идентификациялаши лозим. Кўрсатилган реквизитлардан ташқари, карточкага операцияларни амалга ошириш ва улар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган қўшимча белгилар киритилиши мумкин.

Қайта тўлов воситаси сифатида фойдаланишга тайёрлаш (персонализация) учун қайтарилган пластик карточкалар ҳисоби 93609 - “Сақланаётган қимматликлар” кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағининг алоҳида шахсий ҳисобварақларида олиб борилади.

Пластик карточкалар бўйича банк мажбуриятлари қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

22618 - Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар;

22619 - Якка тартибдаги тадбиркорларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар;

22620 - Корпоратив пластик карточкалар бўйича мажбуриятлар.

Жисмоний шахсларга пластик карточкалар банк ва жисмоний шахс ўртасида тузилган тегишли шартнома асосида амалга оширилади. Жисмоний шахсларга ёрдамчи китобда ҳисобварақлари очилади.

Жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига маблағлар хўжалик юритувчи субъектларнинг тегишли тўлов топшириқномалари асосида кирим қилинади. Пластик карточкаларга маблағлар кирим қилинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 202XX – “Мижозларнинг талаб қилиб олинган сақланадиган депозитлари”

Кредит 22618 – “Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар”

Жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларидаги маблағлар фойдаланилганда банк уларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятларни тегишли савдо ташкилотлари ёки хизмат кўрсатиш субъектларининг тегишли ҳисобварағига ўтказиб беради. Бунда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 22618 - Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар

Кредит 10301, 16103, 220XX тегишли ҳисобварағи

Карточкалар бўйича банклараро ҳисоб-китоблар технологияси қуйидаги вариантларни кўзда тутди:

а) Ҳисоб-китобларни амалдаги электрон тўловлар тизими (ЭТТ) орқали ялпи ҳисоб-китоб асосда ўтказиш;

б) Ҳисоб-китобларни ҳисоб-китоблар қатнашчилари томонидан ташкил этилган процессинг марказларидан кун давомида ўтказилиб, якуний ўзаро мажбуриятлар ҳисобланган ҳолда, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларидан якуний ҳисоб-китоблар суммасини ўтказиш.

Процессинг марказлари орқали ҳисоб-китобларни ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) кун давомида карточкалар бўйича барча транзакциялар, ҳисоб-китоблар қатнашчилари томонидан тасдиқланган тартибда, процессинг маркази орқали ўтказилади ва ҳисоб-китобларда қатнашувчи ҳар бир банк учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда акс этирилади;

б) ҳисоб-китоблар қатнашчилари келишувига асосан, ҳисоб-китоблар бўйича якуний суммалар (мажбуриятлар) тижорат банкларининг Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали, шартномада қайд этилган даврийликда ўтказилади;

в) банклар, процессинг марказидан олинган маълумотларга асосан, карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича, маблағларни мижозларнинг ҳисобварақларига киритадилар ёки чиқарадилар.

5.9. Мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш

тартиби ва уни ташкил этиш

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида интернет ва электрон тўлов тизими ривожланиб банк хизматларининг шакллари ва мазмуни жадал ўзгариб бормоқда. Банкларнинг шундай операцияларидан бири мижозларнинг ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш ҳисобланади.

Банклар мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича масофадан хизмат кўрсатишни Марказий банкнинг “*Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида*”ги Низом асосида амалга оширади. (Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 19 ноябрь 2155-сон рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8 – сон қарори (№721) билан тасдиқланган).

Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими банк ва унинг мижози ўртасидаги муносабатларни автоматлаштиришга мўлжалланган бўлиб, пул маблағларини бошқаришнинг тезкорлигини ҳамда банк операцияларининг сифатли қайд қилинишини таъминлайди. Тизим мижозни аутентификация қилади, электрон тўлов ҳужжатларини киритади, электрон тўлов ҳужжатларини шифрлайди, банк ахборот тизимларида қайта ишлаш учун алоқа каналлари орқали узатади ва хабарларини қабул қилади, ҳисобот шакллари н назоратдан ўтказиш учун қоғозга чиқаради.

Мижоз ва банк ўртасида масофадан хизмат кўрсатиш шартнома асосида унда кўрсатилган вақтда амалга оширилади.

Мижоз иш кунини бошлаши олдидан ва кун давомида қуйидаги тартибда ишни ташкил этади:

-амалиёт кунида ишни бошлашдан олдин, ўзининг шахсий ҳисобварағидаги аввалги амалиёт кунини учун айланма ва қолдиқларини текширади;

-айланма ва қолдиқлар тўғрисидаги маълумотлар мос келган ҳолда мижоз электрон тўлов ҳужжатларини киритади. Тизимда фақат тўлов топшириқномаларини қўллаши мумкин. Тизим орқали учинчи шахсларнинг тўловларини амалга оширишга йўл қўйилмайди;

-ҳужжатларни Тизимга киритиш тугатилгандан сўнг яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахснинг масъул ходими (бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс) ҳужжатнинг асл

нусхасини унинг электрон нусхаси билан таққослаб текшириши ва электрон ҳужжатни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Банк мижоз томонидан масофадан жўнатилган ҳужжатларни қабул қилгандан сўнг қуйидаги ишларни амалга оширади:

-мижозлардан келган барча ахборотлар дастурий равишда дешифрланади, реквизитлар бўйича назорат қилинади ва қайта ишлаш учун банк амалиёт кунига узатилади;

-тўлов амалга оширилгандан сўнг электрон тўлов ҳужжатлари реестр кўринишида чоп этилади ва банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

-мижознинг ҳисобварағида тўлов учун маблағлар етарли ёки мавжуд бўлмаса, агар банк ҳисобварағи бўйича шартномада бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, мижоз томонидан тизим орқали банкка юборилган электрон тўлов топшириқномаси қайта ишлаш учун банк амалиёт кунига қабул қилинмайди ва бу ҳақида мижозга хабар берилади.

Келгусида тижорат банкларининг масофадан тўлов хизматларини кўрсатиш ва интернет орқали тўловларни амалга ошириш янада ривожланиб бориши кутилмоқда. Чунки масофадан ва интернет орқали тўловни амалга ошириш ундан фойдаланувчилар учун, биринчидан, жуда қулай ва вақтни тежаш имкониятини берса, иккинчидан, тўловни амалга ошириш учун қилинаётган харажатлар ҳам унча суммани ташкил этмайди. Масофадан хизмат кўрсатиш бўйича бухгалтерия ёзувлари нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича қўлланиладиган тартибда амалга оширилади.

5-боб бўйича назорат саволлари

- Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг моҳияти ва умумий қоидалари
- Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг шакллари
- Тўлов топшириқомалари билан ҳисоб-китобларни расмийлаштириш тартиби ва ҳисоби

- Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китобларни расмийлаштириш тартиби ва ҳисоби

- Инкассо топшириқномалари ва уларни қўллаш доираси

- Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китобларни расмийлаштириш тартиби ва ҳисоби

- Аккредитивлар билан ҳисоб-китобларни расмийлаштириш ва уларнинг ҳисоби

- Аккредитивлар билан ҳисоб-китобларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари

- Мемориал ордер билан ҳисоб-китобларни расмийлаштириш ва уларнинг ҳисоби

- Акцептсиз ва акцептли тўлов талабномалар ва уларнинг ҳисоби

- Чеклар билан ҳисоб-китоблар ва уларнинг ҳисоби

- Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар ва уларнинг ҳисоби

- Миқдорларга масофадан хизмат кўрсатиш тартиби ва унинг аҳамияти

6 – БОБ

БАНКЛАРАРО ҲИСОБ–КИТОБЛАР ВА ТЎЛОВ КЕТМА–КЕТЛИГИ

6.1. Электрон тўлов тизими ва банклараро пул ўтказмаларининг ҳисоби

Электрон тўлов тизими банклар ўртасида пул маблағларини бир-бирига ўтказишга хизмат қиладиган махсулий дастурдир. Банкларда электрон тўлов тизимининг ҳуқуқий базаси бўлиб “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Электрон тўловлар тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлар ҳамда “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳисобланади.

Банклараро электрон тўловларни ташкил этиш ва уларнинг назорати Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар маркази (МБ ҲКМ), Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва Давлат бюджетининг касса ижроси департаменти ҳамда Ахборотлаштириш Бош маркази томонидан амалга оширилади. Банкларда электрон тўловларни амалга ошириш тартиби 19-иловада келтирилган.

Банклараро электрон тўлов тизимида иштирок этувчи банклар МБ ҲКМда очилган ва банклараро электрон тўловларни ўтказишга мўлжалланган ташқи ва ички вакиллик ҳисобварағига эга бўлиши шарт.

Тижорат банкларининг ташқи вакиллик ҳисобварақлари пассив ҳисобварақлар ҳисобланиб, бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг 21302–**“Банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари”** очилади ва Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб марказида юритилади.

Тижорат банкнинг ички вакиллик ҳисобварақлари актив ҳисобварақ ҳисобланиб, бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг 10301-“Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро” ҳисобварағида юритилади.

Мамлакатимизда банклараро электрон тўлов тизими 1997 йилда жорий этилди, дастлабки даврда тижорат банклари ва уларнинг филиалларини вакиллик ҳисобварақлари Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари Ҳисоблаш марказлари ва ҲКМларида юритилди, 2000 йилдан кейин тижорат банклари ягона вакиллик ҳисобварақларга ўтиши муносабати банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларидан Республика Марказий банки Бош ахборотлаштириш маркази ва Тошкент шаҳар ҲКМга ўтказилди. Тижорат банклари филиалларининг вакиллик ҳисобварақлари Республика тижорат банкларида очилди.

Тижорат банкларининг ягона вакиллик ҳисобварағига ўтиши муносабати билан бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг 22204-“Бош банк/филиалларга филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар” ва 16103-“Бош банк/филиалларидан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар” ҳисобварақларида юритилиши йўлга қўйилди.

Банкнинг ички вакиллик ҳисобварағи ҳисобланган 16103-“Бош банк/филиалларидан филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар” актив ҳисобварақ бўлиб, банкка келиб тушадиган маблағлар унинг дебетида, чиқиб кетадиган маблағлар эса кредитида акс эттирилади.

Банклараро тўлов тизими орқали операциялари соат 8-00 дан 16-00 гача бўлган даврда амалга оширилади. Банклар электрон тўлов тизими орқали операцияларни бошлашидан олдин, яъни соат 8-00 дан 9-00 гача ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақлардаги қолдиқ суммаларни бир-бири билан таққослаб олади, агар ташқи ва ички вакиллик ҳисобварағидаги маблағларнинг қолдиғи бир-бирига тенг бўлганда, банк ишлашга тушади, мос келмаса – банк улар сабабини аниқлайди ва бартараф этади.

Соат 9-00 дан 16-00 гача - банклараро ҳисоб-китоблар бўйича ЭТХларни узатиш - қабул қилиш - назорат қилиш вақти ҳисобланади. Ягона вакиллик ҳисобварағи жорий этилиши муносабати билан бир банк ичидаги тўловларни амалга ошириш вақтини узайтириш имконияти пайдо бўлди. Масалан, банклараро тўловлар АТ “Агробанк”нинг иккита бўлими ўртасида амалга оширилган ҳолатларда электрон тўлов тизими вақтини узайтириш мумкин.

Банклараро электрон тўлов тизимини амалга оширишда электрон тўлов ҳужжатлари¹ (20-25-иловаларда келтирилган) қўлланилади. Электрон тўлов тизимида тўловларни бошланиши инициатор² банкда, уларнинг якунланиши эса бенефициар³ банкда амалга оширилади.

Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ўз миқдорлари тақдим этган тўлов ҳужжатлари асосида кредитланади (операция коди 01, 05, 06, 11⁴) ва дебетланади (операция коди 02, 14⁵).

¹ Электрон тўлов ҳужжати (кейинги ўринларда — ЭТХ) — бу пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларнинг асл нусхалари асосида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган форматда яратилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон ҳужжатдир. Унинг электрон рақамли имзоси ва тўғри расмийлаштирилиши текширилганда, ижобий натижа берса, у асл нусхасидек юридик кучга эгадир. Кўриниш шаклида тақдим этилганда, ЭТХ асл ҳужжат сингари «Электрон» белгиси билан расмийлаштирилади.

² Ташаббускор (инициатор) банк — бу ЭТХни шакллантириш ва бошқа банк адресига жўнатиш йўли билан электрон тўловни бошловчи банкдир.

³ Бенефициар банк — бу банклараро тўлов тизими орқали ташаббускор банкдан жўнатишган ЭТХни қабул қилувчи банкдир.

⁴ Тўлов топшириқномаси-01, Аккредитив учун ариза-05, Мемориал ордер-06, Инкассо топшириқномаси-11.

⁵ Тўлов талабномаси-02, Тижорат банкнинг ҳисоб-китоб чеки-14.

Тижорат банкида вакиллик ҳисобварақларини кредитлаш ва дебетлаш операциялари амалга оширилганда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

1). Ташаббускор банкнинг вакиллик ҳисобварағи Марказий банкнинг ҳисоблаш марказида юритилганда.

а). Кредит операциялари бўйича:

Дебет 22204-“Бош банк/филиалларга филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар”

Кредит 10301-“ Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро ”

б). Дебет операциялари бўйича:

Дебет 10301-“ Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро ”

Кредит 22204-“Бош банк/филиалларга филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар”

2). Ташаббускор банкнинг вакиллик ҳисобварағи ягона вакиллик ҳисобварағи асосида юритилганда. Масалан, АТ “Агробанк”нинг иккита бўлими ўртасида тўловлар амалга оширилганда.

а). Дебет ва кредит операциялари бўйича:

Дебет 22204-“Маблағ тўловчи банкнинг вакиллик ҳисобварағи”

Кредит 22204-“Маблағ олувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағи”

б). Кредит операциялари бўйича:

Дебет 22204-“Маблағ олувчи банкнинг вакиллик ҳисобварағи”

Кредит 22204-“Маблағ тўловчи банкнинг вакиллик ҳисобварағи”

1.а.). Бенефициар банкнинг вакиллик ҳисобварағи Марказий банкнинг ҳисоблаш марказида юритилганда, банкка келиб тушган ЭХТ ички назорат ва электрон рақамли имзо текшируви ўтказилганидан сўнг, банклараро ҳисоб-китоблар бўйича қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

а). Кредит операциялари бўйича:

Дебет 10301-“ Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро ”

Кредит 22204-“Бош банк/филиалларга филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар”

б). Дебет операциялари бўйича:

Дебет 22204-“Бош банк/филиалларга филиаллар ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича тўланадиган маблағлар”

Кредит 10301-“ Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи-Ностро”

ЭТХлар камчилик ва хатоликлар билан тайёрланган бўлса маблағ олувчи учун 23206 - «Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар» ҳисобварағига ёки тўловчи учун 17305 - «Аниқланиш жараёнидаги трансакциялар» ҳисобварағига ўтказилади, ушбу ҳисобвараққа кирим қилинган маблағларнинг камчиликлари уч иш куни мобайнида аниқланиб тегишли ҳисобвараққа ўтказилиши ёки орқалга қайтарилиши лозим бўлади.

6.2. Мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича тўлов кетма-кетлигини амалга ошириш тартиби

Банк миждозлари ҳисобварақларида кредиторларнинг талаблари бўйича тўловларни амалга ошириш учун маблағлар етарли бўлмаганда уларнинг асосий ҳисобварақлари бўйича тўлов кетма-кетлиги жорий этилади. Мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварақларидан пул маблағларини чиқариш ёки тўлов кетма-кетлиги Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 15 мартда 2342-сон билан рўйхатга олинган “*Хўжсалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида*” ги йўриқнома асосида тартибга солинади.

Мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи, яъни асосий ҳисобварағида етарли миқдорда пул маблағлари бўлганда маблағларни ҳисобдан чиқариш миждознинг топшириғи ва бошқа пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг келиб тушиши тартибида амалга оширилади.

Мижозларнинг асосий ҳисобварақларида пул маблағлари етарли бўлмаган ҳолатда ҳам тўлов кетма-кетлиги:

-тугатилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг тугатиш ҳисобварақларига;

-Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқланган схемаларда белгиланган ҳисобварақларга;

-26-иловада келтирилган баланс ҳисобварақларига ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда қўлланилмайди.

Банкларда хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий ҳисобварақларида унга қўйилган маблағларни тўлаш учун етарли бўлмаганда пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари картотека 2га жойлаштирилади. Картотека 2га инкассо топшириқномалари, тўлов талабномалари, иш ҳақиға буюртма (брон), мемориал ордер, тўлов топшириқномалари (агар мижоз бюджет олдидаги қарзларини тўлаш бўйича топшириқнома тақдим этган бўлса) қўйилади.

Картотека 2 банкларда бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг 90963-“Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари” ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади ва фақат мижознинг асосий ҳисобварағига хизмат кўсатадиган банкда очилади. Муддатида тўланмаган тўлов ҳужжатлари ушбу ҳисобвараққа қирим қилинганда қуйидаги бухгалтерия ёзув амалга оширилади.

Дebet 90963- “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари”

Кредит 96321- “Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ”

Банк мижозларининг асосий ҳисобварақларида маблағлар етарли бўлмаганда ушбу мижознинг бошқа банкларда очилган иккиламчи ҳисобварақларидан маблағларни кўчириш бўйича тақиқловчи электрон сўровномани шакллантириб Марказий банкнинг Бош ахборотлаштириш маркази “Банк депозиторлари миллий ахборотлар базаси”га дастурий

равишда юборади. “Банк депозиторлари миллий ахборотлар базаси” томонидан электрон сўровнома ушбу миждознинг бошқа банкларда очилган ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиш ва иккиламчи ҳисобварақларида мавжуд бўлган маблағларни асосий ҳисобвараққа ўтказишни амалга ошириш учун тегишли банкларга жўнатилади.

Электрон сўровномани олган банклар агар ушбу миждоз уларда иккиламчи ҳисобварақларни очган бўлса унинг ҳисобварағи бўйича барча тўловларни тўхтатиб, шу куннинг ўзидан кечиктирмасдан иккиламчи ҳисобварақдаги маблағни мемориал ордер билан миждознинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатадиган банкка ўтказиб беришлари шарт бўлади.

Миждознинг бошқа банклардаги иккиламчи ҳисобварақларидаги маблағлар унинг асосий ҳисобварағи бўйича картотека 2 да муддати ўтган тўловлар мавжуд эмаслиги ҳақида электрон тасдиқнома олгандан сўнг бошқа мақсадларга йўналтирилишига рухсат берилади.

Банк миждозининг асосий ҳисобварағи бўйича тўловларни амалга ошириш учун маблағлар етарли бўлмаганда картотека 2га жойлаштирилган маблағлар кетма-кет, яъни навбати билан тўланади.

Банк картотек 2ни тўлашда тўлов ҳужжатлари навбатдан ташқари тўланадиган, биринчи, иккинчи ва учинчи навбатда тўланадиган тўловларга гуруҳланади ва қуйидаги тартибда тўловларга амалга оширилади.

Навбатдан ташқари тўловлар ҳисобварақ эгасининг аризасига кўра бевосита ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ бўлган кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун тўловлар ўтган ой давомида унинг фақат асосий ҳисобварағига келиб тушган жами тушумларнинг 5 фоизи миқдоригача амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун тўловлар ҳисобварақ эгасининг тўлов топшириқномалари бўйича тўланади. Бунда тўлов топшириқномаларининг “тўлов мақсади” графасида “кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар суммаси ҳисобига” деб ёзилган булиши шарт.

Биринчи навбатда тўловлар мутаносиб равишда бюджетга, бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ҳамда иш ҳақи тўлаш учун пул маблағлари берилишини назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича ва бошқа мақсадлар бўйича пул кўчирилади.

Иккинчи навбатда тўловлар навбатдан ташқари ва биринчи навбатдаги тўловлар амалга оширилгандан кейин асосий ҳисобварақдан ижро ҳужжатлари бўйича инкассо топширикномалари, банклар томонидан хужалик юритувчи субъектларга берилган муддатида қайтарилмаган кредитлар ва уларнинг фоизлари бўйича пул кўчирилади.

Учинчи навбатда хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий ҳисобварағига қўйилган бошқа пул талаблари юзасидан тўлов ҳужжатлари келиб тушиш санасига қараб календар навбатида ҳисобдан чиқарилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг миллий валютадаги ҳисобварақларидаги маблағлар қўйилган талабларни қондириш учун етарли бўлмаса хизмат кўрсатувчи банк давлат солиқ хизмати органларининг тақдимномаси асосида мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг чет эл валютасидаги ҳисобварағида мавжуд булган маблағни Республика валюта биржасига сотиш учун буюртманома киритади, сотишдан олинган маблағлар хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағига қилинади ва тўловларни амалга оширишга ўйналтиради.

6.3. Мижознинг ҳисобварағида маблағлар етишмаганда тўловларни амалга ошириш тартиби

Банк мижозининг асосий ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаганлиги туфайли 14260,0 минг сўмни ташкил этадиган пул тўлов ҳужжатлари картотека 2га қилинган, ушбу маблағ қуйидаги муддати ўтган тўлов ҳужжатлари ҳисобланади.

1. Бюджетга – 4000,0 минг сўм (фойда солиғидан – 3000,0 минг сўм, ҚҚСдан – 500,0 минг сўм, бюджетга тўланадиган бошқа солиқлар ва тўловлардан – 500,0 минг сўм).

2. Давлат мақсадли жамғармалар олдида – 2350,0 минг сўм, бундан Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўловлар бўйича 825,0 минг сўм, сотилган товар (ишлар, хизматлар) ҳақиқий ҳажмидан ҚҚС ва акциз солиғини айириб олган ҳолда 0,7% ажратмалар – 534,0 минг сум. Республика йул жамғармасига – 477,0 минг сум ва бошқа давлат мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалар – 514,0 минг сум.

3. Иш ҳақи бўйича умумий сумма – 2510,0 минг сум, ундан иш ҳақи - 2000 минг сум, иш ҳақидан ажратмалар – 510,0 минг сум, унга қуйидагилар киради: даромад солиғи – 380,0 минг сўм ва жамғариб бориладиган шахсий пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадаллар – 20,0 минг сум, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадаллар суммаси (4,5%) – 80,0 минг сум, Касаба уюшмасига бадаллар (0,3%) – 16,0 минг сум, Иш билан бандлик фонди бадаллари (0,2) – 14,0 минг сўм.

4. Суд қарори билан қўйилган инкассо топшириқномаси 2000,0 минг сўм.

5. Банкнинг тўлаш муддати ўтган кредит учун ҳисобланган фоизи тўлови ва кредити бўйича банкнинг мемориал ордери - 3000,0 сўм.

6. Иссиқлик энергияси етказиб берувчи ташкилотнинг акцептсиз тўлов талабномаси – 400,0 минг сўм.

Мижознинг ҳисобварағи бўйича ўтган ойда жам 80,0 млн сўм айланма амалга оширилган, жорий ойнинг биринчи декадасида 8000,0 минг сўм маблағ келиб тушди, ушбу сумма ҳисбидан 5 фоизи кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун $(80000,0 \times 0,05) = 4000,0$ минг сўм ажратилди. Ушбу сумма миқдорнинг ҳисобварағига жорий ойнинг биринчи декадасида келиб тушган 8000,0 сўм ҳисобидан захирага олиб қўйилади ва миқдорнинг тўлов топшириқномасига асосан кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун

ўтказиб берилади. Қолган (8000,0-4000,0) = 4000,0 минг сўм картотека икки тўлов муддатини кутаётган ҳужжатларни тўлашга йўналтирилади.

Картотека 2даги муддати ўтган 1, 2 ва 3 тўлов ҳужжатлари биринчи навбатда тўланади, 4 ва 5 тўлов ҳужжатлари иккинчи навбатда ва 6 тўлов ҳужжати учинчи навбатда тўланади.

Картотека 2даги 1,2 ва 3 тўлов муддатини кутаётган ҳужжатлардаги суммалар жамланади (4000+2350+2510 = 8860,0 минг сум) ва 100 фоиз деб қабул қилинади. Юқорида санаб ўтилган талабларнинг ҳар бирини қондириш бўйича мутаносиблик қуйидагича аниқланади: 8860,0 минг сум 100 фоиз деб қабул қилинади ва ҳисобварақда мавжуд 4000,0 минг сўм маблағларнинг унга нисбати қуйидагича аниқланади.

<i>Картотека 2 даги тўлаш муддатини кутаётган тўлов ҳужжатлар</i>	<i>Суммаси, минг сўм</i>	<i>Улуши</i>	<i>Тўланиши лозим бўлган сумма</i>
1. Бюджетга	4 000,0	45,1	1 805,9
2. Давлат мақсадли жамғармаларга	2 350,0	26,5	1 060,9
3. Иш хақиға	2 510,0	28,3	1 133,2
Жами	8 860,0	100,0	4 000,0

Жадвалдан кўришиб турибдики, мижознинг ҳисобварағидаги мавжуд пул маблағ картотека 2даги биринчи навбатда тўланадиган тўлов муддатини кутаётган суммани тўлашга ҳам етмади, келгусида ҳисобвараққа келиб тушган суммалар ушбу тўлов ҳужжатларини тўлагандан сўнг навбатдаги тўлов ҳужжатларини тўлашга йўналтирилади.

<i>Картотека 2 даги бюджетга тўлаш муддатини кутаётган тўлов ҳужжатлар</i>	<i>Суммаси, минг сўм</i>	<i>Улуши</i>	<i>Тўланиши лозим бўлган сумма</i>
1. Фойда солиғи	3 000,0	75,0	1 354,4
2. ҚҚС	500,0	12,5	225,7
3. Бошқа солиқ ва тўловлар	500,0	12,5	225,7
Жами	4 000,0	100,0	1 805,9

Ўз навбатида, бюджетга тўланиши лозим бўлган 4000,0 минг сўм жами муддатида тўланмаган сумманинг 45,1 фоизини ёки мижознинг ҳисобварағидаги мавжуд сумманинг 1805,9 минг сўмини ташкил этди. Ўз навбатида ушбу сумма бюджетнинг тегишли ҳисобварақларига тўлаш учун юқорида келтирилган жадвалдаги тартибда тақсимланади.

Жадвалдан кўришиб турибдики, мижознинг картотека 2даги бюджетга муддатида тўланмаган 8605,9 минг сўм давлат бюджетининг фойда солиғи, ҚҚС, бошқа солиқ ва тўловлардан ташкил топган бўлиб, ушбу суммалар ўзаро муносиб равишда давлат бюджетининг тегишли ҳисобварақларига ўтказиб берилади. Худди шундай, картотекадаги давлат мақсадли жамғармалари ва иш ҳақи бўйича тўловлар ҳам ўзаро муносиб равишда тақсимланади.

6-боб бўйича назорат саволлари

- Электрон тўлов тизими ва унинг ҳуқуқий базаси
- Банкларо электрон тўлов тизимини ташкил этувчи субъектлар ва уларнинг вазифалари
- Мамлакатимизда электрон тўлов тизимининг жорий этилиши ва унинг аҳамияти
- Банкларо электрон тўлов тизимини назорати ва амалга ошириш тартиби
- Тижорат банкларининг ички ва ташқи вакиллик ҳисобварақлари
- Электрон тўлов тизими орқали тўловларни амалга ошириш жадвали
- Тижорат банкларининг ягона вакиллик ҳисобварақлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари
- Ташаббускор ва бинефицар банк ва уларнинг вазифалри
- Тижорат банклари вакиллик ҳисобварақларидан маблағларни чиқими бўйича бухгалтерия ёзувлари
- Тижорат банклари вакиллик ҳисобварақларидан маблағларни кирими бўйича бухгалтерия ёзувлари

- Картотека иккидаги муддатида тўланмаган ҳужжатларни ҳисобини юритиш тартиби
- Картотека иккидаги муддатида тўланмаган тўлов ҳужжатларини тўлаш тартиби
- Мижозларнинг ҳисобварақлари тўлов кетма-кетлиги ва уни тартибга солувчи меъёрий ҳужжат
- Навбатдан ташқари тўловлар ва уларни амалга ошириш тартиби

3–БЎЛИМ

БАНКЛАРНИНГ АКТИВ ВА ПАССИВ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

7–БОБ

Банкларнинг актив операциялари ва уларнинг ҳисоби

7.1.Кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисоби

Кредит операциялари банкларнинг рискли актив операциялари таркибига кириб, банклар ушбу операциялар ҳисобидан даромадларни шакллантиради. Банк актив операцияларининг риск даражаси қанчалик юқори бўлса ундан кутилаётган фойданинг даражаси ҳам шу даражада юқори бўлади.

Ўзбекистон тижорат банклари тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга миллий валютада ва хорижий валютада кредитлар беради. Тижорат банклари жисмоний шахслар ва юридик шахсларга кредитларни бериш, кредит учун фоиз тўловлари ва унинг асосий суммасини ундириш билан боғлиқ операцияларни босқичма-босқич кўриб чиқамиз.

Банк ва кредит олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилади, юридик шахслар асосий ҳисобварағи очилган банк билан кредит шартномасини тузади.

Юридик шахс билан тузиладиган кредит шартномада қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак.

-баланс ва молиявий ҳисоботлар;

-бизнес режа;

-кредит таъминоти бўйича ҳужжат;

-зарур ҳолларда (кредитнинг шаклига қараб) бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб этилиши мумкин.

Жисмоний шахс билан тузиладиган кредит шартномада қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак.

-кредит олувчининг паспорт нусхаси;

-иш жойидан ишлаши ҳақидаги маълумотнома;

-иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;


-оила аъзолари ҳақида маҳалладан маълумотнома;

-кредит таъминоти бўйича ҳужжат;


-зарур ҳолларда (кредитнинг шаклига қараб) бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб этилиши мумкин.

Банк томонидан берилган кредитлар бўйича олинган кафалотлар кредит берилган бутун муддат давомида бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг 94503-“Гаров сифатида олинган кафолат ва кафилликлар” ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади. Кредит ажратиш учун қарор қабул қилингандан кейин биринчи навбатда ссуда ҳисобварақлари очилади. Банклар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга очилган ссуда ҳисобварақлари характери бўйича актив ҳисобланиб, улар бўйича маблағларнинг кўпайиши, яъни кредит берилганда ва берилган кредитнинг қолдиқ суммаси дебетда, маблағларнинг камайиши, яъни кредит қайтарилганда эса кредит томонидан акс эттирилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга ссуда ҳисобварағи очиш учун кредит шартномасига асосан кредит бўлими бухгалтерия бўлимига фармойиш тақдим этади. Ссуда ҳисобварақлари банк бухгалтерия ҳисобварақлари режасининг актив рақамларида очилиб, йигирмата рақамдан ташкил топади. Масалан, жисмоний шахсга узоқ муддатли истеъмол кредит олиш учун очилган ссуда ҳисобварағи қуйидаги кўринишда бўлади.



Қуйида хусусий тадбиркорга берилган қисқа муддатли кредит учун очилган ссуда ҳисобварағининг кўриниши келтирилган.



Жисмоний ва юридик шахсларга берилаётган кредитлар кредит шартномасига асосан кредит олувчининг тўлов топшириқномаси билан товар етказиб берган ёки хизматлар кўрсатган хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобварағига ўтказиб берилади.

Қуйида жисмоний ва юридик шахсларга берилган кредитларнинг бухгалтерия ёзувларини расмийлаштириш тартиби келтирилган.

Банк жисмоний шахсга кредит берди.

Дебет 14901–“Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар”

Кредит 10301 ёки 16301 ёки 202XX (сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи)

Банк юридик шахсга кредит берди.

Дебет 13101–“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар”

Кредит 10301 ёки 16301 ёки 202XX (сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи)

Истисно тарзида иш ҳақиға берилган кредит кредит олувчининг ҳисобварағига ўтказиб берилиши мумкин, шунингдек, тижорат банкларининг кредит сиёсатида кўзда тутилган бўлса жисмоний шахсларга уй жойини реконструкция қилиш мақсадида берилаётган кредитларнинг маълум қисми уларнинг номига очилган пластик карточкаларга ўтказиб берилиши мумкин. Бундай ҳолларда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Банк кредитни жисмоний шахснинг пластик карточкасиға ўтказди.

Дебет 14901–“ Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар”

Кредит 22618 –“Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари бўйича мажбуриятлар”

Банк кредитни юридик шахснинг муддатсиз депозит ҳисобварағига ўтказди.

Дебет 13101–“ Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар”

Кредит 20208–“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”

Банк берилган кредитларга кредит шартномада келишилган кунлик фоизларни ҳисоблайди ва тегишли ҳисоб варағида ҳисобга олиб боради.

Жисмоний шахсга берилган кредит бўйича фоиз ҳисобланди.

Дебет 16309–“ Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Кредит 44301 –“Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар”

Юридик шахсга берилган кредит бўйича фоиз ҳисобланди.

Дебет 16309–“Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Кредит 42605 – “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар бўйича фоизли даромадлар”

Банк томонидан ҳисобланган фоизлар банкнинг мемориал ордери асосида кредит олувчининг ҳисобварағидан ундириб олинishi ёки кредит олувчининг тўлов топшириқномасига асосан тўлаб берилади. Жисмоний шахслар иш ҳақидан, пластик карточкадан ёки нақд пулда тўлаб беришлари мумкин.

Жисмоний шахсдан кредитга ҳисобланган фоиз ундириб олинди.

Дебет 10301 ёки 22618 ёки 10101

Кредит 16309– “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Юридик шахсдан кредитга ҳисобланган фоиз ундириб олинди.

Дебет 20208– “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”

Кредит 16309– “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Агар ҳисобланган фоизларни тўлаш учун юридик шахснинг ҳисобварағида маблағлар етарли ёки мавжуд бўлмаса, банк ушбу суммага мемориал ордер расмийлаштириб картотека иккига жойлаштиради, қарздорнинг ҳисобварағида маблағ вужудга келганда тўлов кетма-кетлигига риоя этган ҳолда, дастлаб кредит фоизлари ундирилади ва ундан сўнг кредитнинг асосий суммаси сўндирилади.

Берилган кредитлар шартнома асосида келишилган жадвалга асосан кредит олувчининг тўлов топшириқномаси ёки банк мемориал ордери асосида уларнинг ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан сўндирилади, жисмоний шахслар банкдан олган кредитларни иш ҳақи ҳисобидан, пластик карточкасида ёки нақд пулда сўндириши мумкин.

Банк жисмоний шахснинг кредитини сўндирди.

Дебет 10301 ёки 22618 ёки 10101

Кредит 14901–“ Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар ”

Банк юридик шахснинг кредитини сўндирди.

Дебет 20208–“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”

Кредит 13101–“ Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар ”

Агар жадвал бўйича кредитни сўндириш муддати келганда юридик шахснинг ҳисобварағида маблағлар етарли ёки мавжуд бўлмаса банк ушбу суммага мемориал ордер расмийлаштирилаб картотека иккига жойлаштирилади ва келгусида белгиланган тартибда ундириб олинади. Кредит олувчиларнинг маблағлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли олинган кредитлар муддатида тўланмаса ушбу кредитлар муддати ўтган кредитлар ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Жисмоний шахсларга берилган, лекин муддатида қайтмаган кредитлар бўйича.

Дебет 14905–“ Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар ”

Кредит 14901–“ Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар ”

Юридик шахсларга берилган, лекин муддатида қайтмаган кредитлар бўйича.

Дебет 13105 –“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар”

Кредит 13101–“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар ”

Банк муддатида қайтмаган ва узоқ вақт давомида муаммоли ҳисобланган кредитларни қайтариб олиш учун хўжалик судларига даъво аризалари киритиши мумкин.

Банклар берилган кредитларни Марказий банкнинг “Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби”га асосан (1999 йил, 11 февраль, Адлия Вазирлигида 632-сон билан рўйхатга олинган) бешта гуруҳга ажратган ҳолда таснифлайди ва захира шакллантиради. Бешта гуруҳ ва асосий қарзга нисбатан захира ҳисобланадиган захира миқдори қуйида келтирилган.

1. Яхши -0.
2. Стандарт -10.
3. Субстандарт -25.
4. Шубҳали-50.
5. Умидсиз-100.

Банк жисмоний шахсга берилган кредит бўйича йўқотилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун захира шакллантирди.

Дебет 56802 – “Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш”

Кредит 14999 – “Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)”

Банк юридик шахсга берилган кредит бўйича йўқотилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш учун захира шакллантирди.

Дебет 56802 – “Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш”

Кредит 13199 – “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)”

Тижорат банклари 2011 йил сентябрдан бошлаб, Марказий банкнинг юқорида қайд этилган тартибига (632-2) асосан банк активлари бўйича

эҳтимолий йўқотишларга қарши шакллантирган махсус захиралар суммасига тенг миқдордаги маблағларни вакиллик ҳисобварақларидан Марказий банкдаги Банк активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун мажбурий заҳира депозитига ўтказади. Бунга қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади.

*Дебет 10301 – “Марказий банкдаги ҳисобварағи-Ностро” ёки
мижознинг депозит ҳисобварағи*

*Кредит Марказий банкдаги Банк активлари бўйича эҳтимолий
йўқотишларни қоплаш учун мажбурий заҳира
ҳисобварағи*

Ушбу заҳира депозити ҳар ойнинг 10, 20-саналари ва ой якуни бўйича шакллантирилган активларнинг эҳтимолий йўқотишларига қарши заҳира суммасидан келиб чиқиб қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Банк бошқаруви қарорига асосан (бу ҳолат жуда камдан кам ҳолларда амалга оширилиб, Бошқарув қарорини қабул қилиш учун тегишли комиссия хулосалари, хўжалик судларининг қарорлари ва бошқа мутахассисларнинг хулосалари зарур бўлади) шакллантирилган заҳира ҳисобидан сўндирганда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари расмийлаштирилади.

Жисмоний шахсларга берилган кредитлар банкнинг захираси ҳисобидан ёпилганда.

*Дебет 14999– “Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли
кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни
қоплаш захираси (контр-актив)”*

*Кредит 14905– “Жисмоний шахсларга берилган шартлари қайта
кўриб чиқилган узоқ муддатли кредитлар”*

Юридик шахсларга берилган кредитлар банкнинг захираси ҳисобидан ёпилганда.

Дебет 13199 – “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)”

Кредит 13105 – “Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларга берилган муддати ўтган кредитлар”

Тижорат банклари кредитларга ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоиз суммаларини ҳам шу тариқа ҳисобдан чиқариб, кредитларнинг асосий суммаси ва уларга ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизларни баланسدан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олиб боришни давом эттиради. Бунинг асосий мақсади кредит олган юридик ёки жисмоний шахсинг молиявий имконияти яхшиланса келгусида қайтариб олишдир.

7.2.Банкларнинг инвестицион операциялари ва уларнинг ҳисоби

Тижорат банклари маҳаллий ва қимматли қоғозлар бозорида эмитент ва инвестор сифатида иштирок этади. Банклар қимматли қоғозлар бозорида эмитент сифатида устав капиталини шакллантириш ва унинг миқдорини ошириш мақсадида акцияларни эмиссия қилади, шунингдек, узоқ муддатли молиявий ресурсларни жалб қилиш мақсадида депозит сертификатлар ва облигацияларни муомалага чиқаради.

Банкларнинг капиталини шакллантириш билан боғлиқ операциялар ҳисоби 9.7-параграфда ўз аксини топган.

Банклар активлар бўйича риск даражасини тартибга солиш ва даромадлар ҳажминини ошириб бориш мақсадида давлат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилади.

Тижорат банклари эмитент сифатида муомалага эмиссия қилган қимматли қоғозларнинг суммалари балансининг пассив ҳисобварақларида ҳисобга олинади, банклар улар учун дивиденд ёки белгиланган ставкаларда фоиз тўловларни тўлайдилар. Демак, банкларнинг эмитент сифатида қимматли қоғозлар билан бажарадиган операциялар банклар учун харажатли

операциялар ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестиция операциялари баланснинг актив ҳисобварақларида ҳисобга олинади, ушбу операциялар банк учун даромадли операциялар ҳисобланади.

Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ва уларнинг ҳисоби “Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқнома асосида амалга оширилади. *(Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 13 декабрдаги 28/4-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2009 йил 19 январда 1885-сон билан рўйхатга олинган.)*

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ инвестициявий воситачилик операциялари ҳисоби. Банклар мижозлар билан тузилган воситачилик ёки топшириқ шартномалари асосида қимматли қоғозлар олди - сотдиси бўйича операцияларни бажариши мумкин. Қимматли қоғозларни сотиб олиш учун мижозлар томонидан ўтказилган пул маблағлари, ҳамда воситачилик ва топшириқ шартномалари бўйича мижозларнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган пул маблағларининг ҳисоби 22608 - “Мижозларнинг қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар бўйича маблағлари” баланс ҳисобварағининг “Қимматли қоғозлар билан брокерлик операциялари бўйича мижозлар маблағлари” алоҳида ҳисобварағида юритилади.

Сотиш учун ёки мижоз топшириғига асосан сотиб олинган қимматли қоғозлар банкнинг кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича ҳисобварақларда ҳисобга олиб борилади, бунда қуйидаги бухгалтеря ёзувлари амалга оширилади.

Дебет 93616 - “Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари” ёки 93623- “Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/ тижорат ҳужжатлари”

Кредит 96379 - “Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ”

Мижозларнинг топшириғига кўра сотиш учун олинган қимматли қоғозлар сотилганда ёки сақлаш муддати тугаганда, шунингдек миждозларга уларнинг топшириғи бўйича сотиб олинган қимматли қоғозларни топширишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Дебет 96379 - “Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ”

*Кредит 93616 - “Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари” ёки
93623- “Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/
тижорат ҳужжатлари”*

Тижорат банклари қимматли қоғозларнинг воситачилик операциялари бўйича олинган даромадлари 45209 - “Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган инвестициявий воситачилик операциялари бўйича даромадлар” ҳисобварағи ҳисобга олиб борилади.

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ муддатли битимлар бўйича операциялар ҳисоби (РЕПО). РЕПО (қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишув) битими деганда маълум муддатдан сўнг олдиндан келишилган баҳода сотиб олиш мажбурияти билан қимматли қоғозларни сотиш бўйича тузилган битим тушунилади.

РЕПО битимларида аввал сотилган қимматли қоғозларнинг ўзи қайта сотиб олинса ва агар қайта сотиб олинаётган қимматли қоғозлар барча жиҳатларига кўра сотилган қимматли қоғозларга ўхшаш каби тамойиллар мавжуд бўлиши талаб этилади.

РЕПО битимлари қимматли қоғозлар гарови асосида кредитлаш операцияларидан (ломбард кредити) шу билан фарқ қиладики, қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битими тўғрисидаги келишувнинг биринчи қисмини бажаришда қимматли қоғозларга эгалик

қилиш ҳуқуқи қарздор (қимматли қоғозлар сотувчиси)дан кредитор (қимматли қоғозларни сотиб олувчи)га ўтади.

Ушбу операцияларда қимматли қоғозлар сотувчиси қарздор, сотиб олувчи эса пул маблағлари кредитори ролини бажаради. РЕПО келишувида кўрсатилган муддат тугагач, қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисми бажарилган тақдирда қимматли қоғозларга эгаллик қилиш ҳуқуқи кредитордан қарздорга ўтади.

РЕПО битимлари асосида сотилган қимматли қоғозлар бўйича қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

*Дебет Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждознинг ҳисобварағи
Кредит 22300 - “РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли
қоғозлар”*

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича:

*Дебет 92802 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича
муддатли битимлар”
Кредит 96374 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича
муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”*

92802 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар” ҳисобварағида қимматли қоғозлар РЕПО операциясининг биринчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларнинг сотилиш санасидан бошлаб, банк томонидан РЕПО операциясининг иккинчи қисмига мувофиқ, қимматли қоғозларни сотиб олиш муддатигача ҳисобга олинади.

Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш баҳоси ва келишувнинг биринчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиш баҳоси ўртасидаги фарқ ўз моҳиятига кўра олинган пул маблағлари учун тўлов ҳисобланади.

Кўрсатилган фарқ амортизация қилинади ва сотувчи банк томонидан ҳар ойда қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди

битими тўғрисидаги келишувнинг амал қилиш муддати давомида фоизли харажатлар ҳисобварағига олиб борилади.

Дебет 54300 - “Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар”

Кредит 22300 - “РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар”

Агар РЕПО келишувнинг биринчи қисми бўйича РЕПО суммаси фоиз (купон) даромадлари миқдорида камайиши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда РЕПО суммаси дастлабки сотиб олувчи томонидан олинган фоиз (купон) даромадлари миқдорида камаяди ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Дебет 22300 - “РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар”

Кредит РЕПО битимининг объекти бўлган қимматли қоғозлар бўйича олинган лозим бўлган фоизларнинг тегишли ҳисобварағи

Қайта сотиб олиш шарти билан қимматли қоғозлар олди-сотди битимлари тўғрисидаги келишувнинг иккинчи қисмини бажаришда банк томонидан келишувнинг иккинчи қисми бўйича қайта сотиб олинган қимматли қоғозлар суммасига қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 22300 - “РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар”

Кредит Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждознинг ҳисобварағи

Бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида, келишувнинг иккинчи қисми бўйича қайта сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Дебет 96374 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи”

Кредит 92802 - “Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар”

Келишувнинг иккинчи қисми бўйича қимматли қоғозларни сотиб олиш баҳоси ва унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ тегишли фойда ёки зарар ҳисобварағида акс эттирилади.

7.3.Банкларнинг ноънанавий операцияларининг ҳисоби

Бозор муносабатларининг чуқурлашуви ва иқтисодиётнинг модернизациялашуви, шунингдек банк ва унинг мижозларини иқтисодий манфаатдорлиги банкларнинг хизмат турлари ва операциялари сонининг доимий равишда ортиб боришига тўртки бўлмоқда. Банкларнинг ноънанавий операциялари шундай операциялардан ҳисобланиб, уларнинг таркибига:

- лизинг;
- факторинг ва;
- траст операцияларини киритиш мумкин.

Лизинг операциялари ва уларнинг ҳисоби. Банкларда лизинг операциялари ва ҳисоби Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари асосида амалга оширилади. (*“Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғриси”*да 620-сонли Низоми, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сонли қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 27 декабрда 1648-рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

Банкларда лизинг операциялари лизинг берувчи, лизингни олувчи ва воситаларни сотувчилар ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Лизинг олувчи лизинг шартномасини тузиш учун унинг асосий депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- лизинг буюртмаси;
- лизинг объектининг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг сотувчиси тўғрисидаги маълумотнома;
- лизингнинг бутун даврини ичига олган пул оқими таҳлили кўрсатилган бизнес-режа;
- охириги ҳисобот санасига туман (шаҳар) давлат солиқ инспекция томонидан қабул қилинган бухгалтерлик баланси (1-шакл), молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2-шакл), муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлик ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл), 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликни солиштириш далолатномалари.

Лизинг фоиз ставкалари миқдори лизинг олувчи ва лизинг берувчи банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра лизинг шартномасида белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг “*Лизинг тўғрисида*”ги қонунига мувофиқ, лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига жавоб бериши керак:

а) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

б) лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

в) лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кунидаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

г) лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ бўлса.

Лизинг берувчи банк лизинг объекти учун тўловларни сотувчига олдиндан тўлаб берилганда қуйидаги бухгалтерия ёзувини амалга оширади:

Дебет 19909–“Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар”

Кредит –“Банкнинг вакиллик ҳисобварағи”

Лизинг объекти тўғридан-тўғри лизинг олувчига етказиб берилса, лизинг берувчи банк фойдаланишга қабул қилиш далолатномасига асосан мемориал ордер тўлдириб, қуйидаги бухгалтерия амалини бажаради:

Дебет 15600–“Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварақ)”

Кредит 19909–“Товар моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар”

Лизинг объекти аввал лизинг берувчи банк балансига кирим қилиниб, сўнгра лизинг олувчига лизинга берилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

а). Лизинг объекти банк балансига кирим қилинганда:

Дебет 16500 –“Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварағи)”

Кредит 19909 –“Товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар”

б). Лизинг объекти лизинг олувчига берилганда:

Дебет 15600–“Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварақ)”

Кредит 16500-“Асосий воситалар (мос ҳисобварақ)”

Лизинг берувчи банк томонидан амалга оширилган ва лизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчи томонидан қопланадиган дастлабки бевосита харажатлар лизинг объектининг қийматига қўшилади.

Лизинг берувчи банк томонидан лизинг бўйича фойзли даромадлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дебет 16323 – “Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фойзлар”

Кредит 45100 – “Лизинг (молиявий ижара) бўйича фойзли даромадлар (тегишли мос ҳисобварақ)”

Лизинг объектининг асосий суммасини жадвал асосида қайтарилганда ва уларга ҳисобланган фоизлар ундирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилади:

Дебет – Кассадаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари ёки миждознинг депозит ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи (умумий суммага)

Кредит 15600–Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварақ) (асосий қарз суммасининг қайтарилган суммасига);

Кредит 16323 – Лизинг (молиявий ижара) бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар (фоизли даромад суммасига).

Лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг лизинг тўловларини тўлаш шартлари тўлиқ бажарилган тақдирда 15600 Лизинг (молиявий ижара) ва 16323 Лизинг бўйича олиш учун ҳисобланган фоизлар ҳисобварақлари қолдиғи нолга тенг бўлади.

Лизинг объекти лизинг олувчи томонидан лизинг шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли қайтариб олинганида, лизинг берувчи ушбу активнинг тақдирини ҳал этгунга қадар уни ўз балансига қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали қабул қилади:

Дебет 16705–“Банкнинг бошқа кўчмас мулклари”

Кредит 15600–“Лизинг (молиявий ижара) (тегишли мос ҳисобварақ)”

Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари белгиланган муддатда амалга оширилмаган тақдирда активга “*Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида*”ги Низомга (рўйхат рақами 1304, 2004 йил 24 январь) асосан ўстирмаслик мақоми берилади ва активнинг келгуси ҳисоби мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади. Лизинг “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ташкил қилиш ва уларни ишлатиш тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 632, 1999 йил 11 февраль) талабларидан келиб чиққан ҳолда таснифланади.

Амалиётда тижорат банклари ҳам айрим асосий воситаларни лизингга олиши мумкин. Лизинг олувчи банкнинг молиявий ҳисоботларида ҳам актив ҳам мажбурият сифатида тан олинади. Лизингни дастлабки тан олишда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси бажарилади:

Дебет 16515–“Объектларни лизингга олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи”

Кредит 22100–“Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятларнинг тегишли мос ҳисобварағи”

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг дастлабки тан олингандан сўнг кейинги ҳисоб мажбурият бўйича асосий қарз суммасини ва лизинг бўйича фоизлар тўлаш ҳисобини юритишдан иборат.

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ лизинг бўйича фоизли харажатлар ҳисобланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари берилди:

Дебет 54198–“Бошқа банклардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар” ёки 54199–“Бошқа лизинг берувчилардан олинган лизинг бўйича фоизли харажатлар”

Кредит 22408 – “Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар”

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг тўловлари тўланганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

Дебет 22408 – “Лизинг (молиявий ижара) бўйича ҳисобланган фоизлар”

Дебет 22100–“Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар-нинг тегишли мос ҳисобварағи”

Кредит – “Банкнинг вакиллик ёки лизинг берувчининг депозит ҳисобварағи”

Лизинг олувчи банк томонидан лизинг объекти бўйича амортизация ажратмалари “Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Йўриқнома” (рўйхат рақами 1434, 2004 йил 17 декабрь) талаблари асосида амалга оширилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 56626–“Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича эскириш суммаси”

Кредит 16519–“Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)”

Лизинг объектини йиллик қайта баҳолаш лизинг олувчи банк томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади. Лизинг объектини лизинг олувчи банкка ўтказиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади:

Дебет 16500 –“Асосий воситалар (тегишли мос ҳисобварақ)”

Дебет 16519–“Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаш-тириш ҳуқуқи бўйича йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)”

Кредит 16515–“ Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи”

Кредит 165xx –“Йиғилган эскириш суммаси (тегишли мос ҳисобварақ)”

Лизинг шартномаси муддати охирида лизинг олувчи банкка лизинг объектининг сотиш санасидаги ҳаққоний қийматидан паст нархда сотиб олиш ҳуқуқи берилган бўлса, сотиб олиш қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали амалга оширилади:

Дебет 22100–“Лизинг (молиявий ижара) бўйича мажбуриятлар”

Кредит –“Банкнинг вакиллик ёки лизинг берувчининг депозит ҳисобварағи”

Банкларнинг факторинг операцияларини ҳисоби. Товар сотувчи ёки хизмат кўрсатувчиларнинг дебитор қарзларини сотиб олиш билан боғлиқ операциялар факторинг операциялар ҳисобланади. Факторинг операциялари банклар томонидан ва махсус ташкил этилган факторинг компаниялари томонидан ўзаро тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Факторинг операцияларнинг мақсади сотилган товарлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловларни факторинг компаниялари ёки банк маблағлари ҳисобидан тўлаш асосида муддати ўтган тўловлар ва умидсиз қарздорликлар миқдорини камайтиришдан иборатдир.

Факторинг операциялари банк томонидан амалга оширилганда банкларда махсус бўлим ташкил этилади. Банкда факторинг операциялари молиявий манбаси бўлиб банкнинг ўз маблағлари, жалб этилган ва кредит маблағлар ҳисобланади.

Банк сотилган товар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўлов суммасини зудлик билан тўлаб бериш мақсадида сотувчидан тўлов талабнома ёки счет-фактурада кўрсатилган суммани дисконт асосида сотиб олади ва дебиторга нисбатан барча ҳуқуқни ўзига ўтказди. Банк тўлов ҳужжатларни сотиб олишда асосий эътиборни сотиб олувчининг молиявий барқарорлиги, унинг товар ёки хизматларининг сифати ва бозордаги жозибдорлигига эътибор қаратади.

Банкларда факторинг операциялари кўзда тутилмаган 90966-“Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг” ҳамда балансли 11101-“Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг” ва 11103-“Муддати ўтган сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг” ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади.

Масалан, банк факторинг шартномасига асосан сотувчининг 100,0 млн сўмлик тўлов талабномасини 3,0 млн сўм дисконт комиссиян тўлов ва 30 кундан кейин сотиб олувчидан тўлов сумаси тушишини назарда тутиб, сотиб олди ва қуйидаги бухгалтерия ёзувларини амалга оширди (сотувчи ва сотиб олувчи шу банкнинг мижози ҳисобланади).

а). Балансли ҳисобварақ бўйича:

<i>Дебет</i>	<i>11101– “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг”</i>	<i>97000000,0</i>
<i>Кредит</i>	<i>202XX– “Сотувчининг депозит ҳисобварақами”</i>	

б). Кўзда тутилмаган ҳисобварақ бўйича:

<i>Дебет</i>	<i>90966– “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг”</i>	
<i>Кредит</i>	<i>96331– “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг бўйича контр ҳисобварағи”</i>	<i>97000000,0</i>

Сотиб олувчи тўловни амалга оширди.

а). Балансли ҳисоб варақ бўйича:

<i>Дебет</i>	202XX – “Сотиб олувчининг депозит ҳисобрақами”	100000000,0
<i>Кредит</i>	11101 – “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг”	97000000,0
<i>Кредит</i>	45217 – “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар – Факторинг”	3000000,0

в). Кўзда тутилмаган ҳисобварақ бўйича:

<i>Дебет</i>	96331 – “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг бўйича контр ҳисобварағи”	97000000,0
<i>Кредит</i>	90966 – “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг”	

Сотиб олувчи факторинг шартномасида кўзда тутилган муддатда тўловни тўлай олмади.

а). Факторинг сумаси муддати ўтган факторинг ҳисобварағига ўтказилади:

<i>Дебет</i>	11103 – “Муддати ўтган сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг”	97000000,0
<i>Кредит</i>	11101 – “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг”	

б). Банк факторинг операцияси ҳисобидан йўқотиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш бўйича захира шакллантирди. Захира Марказий банкнинг активларни таснифлаш бўйича жорий этилган тегишли йўриқномаси асосида шакллантирилади:

<i>Дебет</i>	56814 – “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш”	
<i>Кредит</i>	11199 – “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси”	

б). Банк факторинг суммасини зарарларни қоплаш бўйича шакллантирилган захира ҳисобидан қоплади:

Дебет 11199 – “Сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси”
Кредит 11103 – “Муддати ўтган сотиб олинган дебиторлик қарзлари – Факторинг”

Банкларда муддати ўтган ёки тўловчининг молиявий беқарорлик ҳолатига тушиб қолиши натижасида вужудга келган зарарлар банк бошқарув кенгашининг қарори асосида зарарларни қоплаш ҳисобидан ёпилади ва ушбу сумма келгусида ундириб олиш мақсадида банкнинг тегишли кўзда тутилмаган ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади.

Банкларнинг траст операцияларини ҳисоби. Траст операциялар – бу банкнинг ўз мижозлари топшириқларига асосан уларнинг мулклари ва молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ операциялари ҳисобланади. Банк мижозларнинг мулкларини ўзаро тузилган шартнома ёки васиятномалар асосида амалга оширади.

Банклар траст операцияларини амалга ошириш учун махсус бўлимлар ташкил этилиши мумкин, ушбу бўлимлар мижозларнинг топшириқларига асосан уларнинг қимматбаҳо буюмлари ва қимматбаҳо қоғозларни сақлаш, молиявий ресурсларини бошқариш ва бошқа шу каби операцияларини амалга оширади.

Ўзбекистон тижорат банкларида мулклар ва васиятномаларни сақлаш билан боғлиқ траст операциялар кўзда тутилмаган қуйидаги ҳисобварақларда юритилади.

93609 – Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар

93616 – Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари

93623 – Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари

96379 –Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо

буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ

Траст операциялари бўйича олинган даромадлар банкнинг 45221– “Банкнинг траст операциялари бўйича даромадлари” ҳисобварағида ҳисобга олиб борилади.

7-боб бўйича назорат саволлари

- Кредит операциялари ва уларнинг рисклилиқ даражаси
- Кредит шартномаси ва уни тузиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар
- Банк томонидан берилган кафолатлар ва уларнинг ҳисоби
- Бухгалтерия ҳисобварақлар режасида банк ссудаларини ҳисобга олиб борадиган ҳисобварақлар

- Ссуда ҳисобварақлари ва уларни очиш тартиби

- Жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг ҳисоби

- Банк жисмоний шахсларга берган кредити бўйича фоиз ҳисоблади.

Бухгалтерия ёзувини беринг?

- Банк жисмоний шахсга берган кредит бўйича ҳисобланган фоиз тўловларни ундириб олди. Бухгалтерия ёзувини беринг?

- Банк жисмоний шахснинг кредитини унинг пластик карточкасига ўтказди. Бухгалтерия ёзувини беринг?

- Қимматли қоғозлар билан боғлиқ муддатли битимлар бўйича операциялар ҳисоби (РЕПО).

- Банкнинг лизинг операциялари ҳисоби

- Банкнинг факторинг операциялари ҳисоби

- Банкнинг тарст операциялари ҳисоби

8–боб

Банкларнинг пассив операциялари ва уларнинг ҳисоби

8.2. Банкларнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялари ва уларнинг ҳисоби

Тижорат банклари молиявий ресурсларни шакллаштириш мақсадида муомалага облигациялар, депозит сертификатлари, векселлар ва молия бозорида муомалада бўладиган бошқа қарз қимматли қоғозларини чиқариши мумкин. Банкларнинг ушбу операциялари пассив операциялар ҳисобланиб, банклар учун харажатларни келтириб чиқаради. Муомалага чиқарилган қарз қимматли қоғозларининг ҳисоби уларнинг номинал қиймати бўйича 23600 - “Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар” баланс ҳисобварағининг тегишли ҳисобварақларида юритилади.

Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган ҳужжатсиз ёки ҳужжатли қимматли қоғозларнинг бланкалари Марказий депозитарийда ҳисобга олинганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 90327 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари”
ёки

Дебет 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”

Кредит 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”

Банкларнинг қимматли қоғозлари номинал қиймати бўйича сотилганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

а) баланс ҳисобварағи бўйича:

*Дебет 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг
вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи
Кредит 23600 - “Банк томонидан чиқарилган қимматли
қоғозлар”*

б) баланسدан ташқари ҳисобварағи бўйича:

*Дебет 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-
ҳисобварақ”
Кредит 90327 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари”
ёки
Кредит 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”*

Маълумки, тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларнинг баҳоси бозордаги талаб ва таклиф асосида ўзгариши мумкин. Қимматли қоғоз номинал қийматидан юқори баҳода сотилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

*Дебет 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг
вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи – қимматли
қоғозни сотиш қийматиға
Кредит 23600 - “Банк томонидан чиқарилган қимматли
қоғозлар” – қимматли қоғознинг номинал қийматиға;
ёки
Кредит 23696 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича мукофот
(премия)” – қимматли қоғозни сотиш қиймати ва
номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммасиға.*

Бир вақтнинг ўзида бланкка ёзиб берилганда ёки инвесторнинг депо ҳисобварағига ўтказилганда банкнинг қимматли қоғозлари кўзда тутилмаган ҳисобварақлардан чиқим қилинади. Агар банкнинг қимматли қоғозлари номинал қийматидан паст баҳода сотилса, яъни зарар кўрилса қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

*Дебет 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг
вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи – қимматли
қоғозни сотиш қийматиға;
ёки*

Дебет 23698 - “Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича дисконт (контр-пассив)” – қимматли қоғозни номинал қиймати ва сотиш қиймати ўртасидаги фарқ суммасига;

Кредит 23600 - “Банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар” – қимматли қоғозни номинал қийматига

Дисконтлар баланс ҳисоботида чиқарилган қимматли қоғозларнинг умумий суммасидан чегирма кўринишида акс эттирилади.

Мукофотни амортизация қилиш ва фоизли даромадларни тан олиш ҳамда дисконтни амортизация қилиш ва фоизли харажатларни тан олиш реал фоиз ставкаларини қўллаган ҳолда “Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида”ги Низомга (*рўйхат рақами 1306, 2004 йил 30 январь, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил январь, 4-сон*) мувофиқ амалга оширилади.

8.2.Банкларнинг депозит операциялари ва уларнинг ҳисоби

Депозит операциялар банкларнинг пассив операциялари таркибидаги асосий операциялардан ҳисобланиб, улар ушбу операциялар орқали иқтисодиётдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини жалб этади ва йирик миқдордаги ссуда фондларини шакллантиради. Бу ўз навбатида, банкларга жисмоний ва юридик шахсларни кредитлаш, яъни актив операцияларини амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради.

“Депозит ҳисобварақлари”, “депозит операциялари” ва бошқа у билан боғлиқ иқтисодий терменлар мамлакатимиз банк амалиётига 1991 йилдан кейин кириб келди. “Депозит” сўзи латинча “*dipositum*” – “сақлашга топширилган буюм” маъносини англатади. Банк депозити – тегишли шартлар ва муддати етиб келганда қайтариш шarti билан банкларга сақлаш учун топширилган пул маблағлари ёки қимматли қоғозлардир.

Банк депозит маблағларини қайтарганда шартномада келишилган фоиз тўловлари билан биргаликда қайтаради. Банк депозитлари муддатли ва талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитларга бўлинади.

Тижорат банкларида депозит операцияларнинг ҳисоби пассив ҳисобварақларда юритилади. Тижорат банкларида депозит операцияларни амалга ошириш зарур бўлган ҳисобварақларнинг шакллари ва уларни очиш тартиби мазкур дарсликнинг учинчи бобида батафсил келтирилган.

Мамлакатимиз тижорат банкларида қуйидаги депозит операциялари бажарилади:

- талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар билан операциялар;
- жамғарма депозитлар билан операциялар;
- муддатли депозитлар билан операциялар.

Тижорат банклари жамғарма, муддатли ва жамғарма сертификатлар бўйича фоиз тўловларини тўлайдилар, талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича кўпчилик ҳолларда фоизлар тўламайди.

Тижорат банклари депозит операцияларни *“Ўзбекистон Республикаси банкларида депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”* ги йўриқнома асосида амалга оширади. (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 31 декабрдаги 42/1-сон қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 4 мартда 2205-сон билан рўйхатга олинган).

Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар билан операцияларни амалга оширишда тижорат банклари жисмоний ва юридик шахсларга тегишли ҳисобварақларни (расчетный счет) очади. Жисмоний ва юридик шахслар тижорат банкларидан ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар нақд ва нақдсиз кўринишда талаб қилиши мумкин. Банк мижозлар томонидан талаб қилинган маблағни тўлиқ ва муддатида қайтариши зарур.

Жисмоний ва юридик шахсларга талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг 20200 –“Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар” ҳисобварағида мулкчилик шаклига қараб юритилади.

Ушбу ҳисобвараққа кириш қилинадиган барча маблағлар ҳисобварағининг кредитида, чиқим қилинадиган маблағлар эса унинг дебитида акс эттирилади. Масалан, банкда қуйидаги муддатсиз депозит операциялар амалга оширилди.

1. Жисмоний шахсдан талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига 100 минг сўм нақд пулда маблағ қабул қилинди.

Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”
Кредит 20206 – “Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”

2. Хусусий корхонанинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағига нақдсиз кўринишдаги маблағ келиб тушди.

Дебет 10301 – “Марказий банкдаги ҳисобварағи-Ностро”
Кредит 20208- “Хусусий корхоналарнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”

3. Жисмоний шахснинг топшириғига асосан унинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағидан 50 минг сўмни муддатли депозитга ўтказди.

Дебет 20206- “Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”
Кредит 20606- “Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари”

4. Хусусий корхона талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағидан қисқа муддатга олинган кредитни сўндирди.

Дебет 20208- “Хусусий корхоналарнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”
Кредит 13101- “Хусусий корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар”

Банк омонати шартномасида белгиланган муайян мақсадга йўналтириладиган ёки бошқа шартлар асосида жалб қилинган омонатлар жамғарма депозитлар ҳисобланади. Жамғарма депозитлар бўйича банк билан омонатчи ўртасида шартнома тузилиши ва омонатчи шартнома тузганидан

сўнг, банк омонати шартномасида кўрсатилган омонат суммаси кўйилиши шарт. Жамғарма депозитлар мақсадли, ютуқли ва бошқа шартлар белгиланган кўринишларда бўлиши мумкин.

Жисмоний шахслар хоҳишларига қараб, банк жамғарма депозит ҳисобварақлари бўйича операцияларни амалга ошириши мумкин. Масалан, омонатчи топшириғи асосида банк унинг жамғарма депозит суммасини банкдан олинган кредит ва унга ҳисобланган фоизлар тўловига, коммунал тўловларни амалга ошириш учун йўналтирилиши мумкин. Бу ҳолатда банк омонатчини банк омонати шартномаси шартларига мувофиқ операция бажарилмасдан олдин ёки операция бажарилгандан кейин ҳисобварағидан олинган кўчирмалар бериб бориш мажбуриятини олади. Агар жисмоний шахснинг жамғарма депозит ҳисобварағидан маблағлар нотўғри бажарилган бўлса уларни бирламчи ҳужжатлар асосида бартараф қилиши ва амалга оширилган ўзгаришлар тўғрисида омонатчига хабар бериши лозим.

Жамғарма депозит муддатидан олдин қайтариб олинадиган бўлса омонатчи бу ҳақда камида бир ой олдин хабардор қилиши лозим, жамғарма депозит муддати тугагандан сўнг депозит суммаси омонатчи томонидан қайтариб олинмаса банк депозит маблағини талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар ҳисобварағига ўтказилади. Жамғарма депозитлар ҳисоби бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг 20400 –“Жамғарма депозитлар” ҳисобварақларида мулкчилик шакллари бўйича юритилади.

а) Жамғарма депозитлар жисмоний шахслардан нақд пулда қабул қилинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 10101-“Айланма кассадаги нақд пуллар”

Кредит 20406-“Жисмоний шахсларни жамғарма депозитлари”

б) Жамғарма депозит бўйича тўланиши лозим бўлган фоизлар ҳисобланди:

Дебет 50606-“Жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича фоизли харажатлар”

Кредит 22403-“Жамғарма депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

в) Жамғарма депозит бўйича ҳисобланган фоизлар нақд пулда тўланди:

Дебет 22403-“Жамғарма депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Кредит 10101-“Айланма кассадаги нақд пуллар”

г) Жамғарма депозит бўйича ҳисобланган фоизлар жисмоний шахснинг топшириғига асосан коммунал тўловлар учун ўтказилди:

Дебет 22403-“Жамғарма депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”

Кредит 10301-“Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи”, коммунал хизмат кўрсатувчи юридик шахснинг депозит ҳисобварағи

Банк ва омонатчи ўртасида тузилган муддатли депозит шартномасида белгиланган муддат тугаганидан кейин қайтариш шарти билан жалб қилинган омонатлар муддатли депозитлар ҳисобланади.

Муддатли депозитлар бўйича банк билан омонатчи ўртасида муддатли омонат бўйича шартнома тузилади ва шартномага кўра омонатчи муддатли депозит суммаси банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига мувофиқ 20600 – “Муддатли депозитлар” ҳисобварақларида юритилади. Муддатли депозитларга маблағлар қабул қилинганда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

а) Агар муддатли депозит жисмоний шахсдан нақд пулда қабул қилинса:

Дебет 10101-“Айланма кассадаги нақд пуллар”

Кредит 20606-“Жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари”

б) Агар муддатли депозит юридик шахсдан нақдсиз пулда қабул қилинса:

Дебет 20208-“Хусусий корхоналарнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари” ёки 10301-“Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи”

Кредит 20208-“Хусусий корхоналарнинг муддатли депозитлари”

Муддатли депозитлар қуйидаги муддатлар бўйича таснифланади:

- муддати 30 кунгача бўлган депозитлар;

- муддати 90 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 180 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 365 кунгача бўлган депозитлар;
- муддати 365 кундан ортиқ бўлган депозитлар.

Тижорат банклари паасив маблағлари таркибида муддатли депозитлар улушининг ортиб бориши, уларнинг кредитлаш имкониятлари ва фойдасини ошиширишга хизмат қилиш билан бирга, мамлакатда иқтисодий ўсиш ва унинг барқарор даражасини таъминлашга, шунингдек, аҳолининг пул маблағларини самарали жойлаштиришга хизмат қилади.

8-боб бўйича назорат саволлари

- Банкларнинг муомалага чиқарилган ҳужжатсиз ёки ҳужжатли қимматли қоғозларнинг бланкалари ва уларнинг ҳисоби.

- Банкларнинг қимматли қоғозлари номинал қиймати бўйича сотилди. Баланс ва балансдан ташқари ҳисобварағи бўйича бухгалтерия ёзувини беринг?

- Банк қимматли қоғозларини номинал ва бозор баҳоси ўртасидаги фарқ.

- Банкларнинг “Депозит ҳисобварақлари” ва “депозит операциялари” нинг моҳияти.

- Банк жимоний шахсдан муддати депозитни қабул қилди ва унга фоиз ҳисобланади. Бухгалтерия ёзувини амалга оширинг?

- Хусусий корхона олинган кредитни талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағидан сўндирли. Бухгалтерия ёзувини амалга оширинг?

- Жамғарма депозитга жисмоний шахсдан нақд пул қабул қилинди ва фоиз ҳисобланди. Бухгалтерия ёзувини амалга оширинг?

- Муддатли депозитга жисмоний шахсдан нақд пул қабул қилинди ва фоиз ҳисобланди. Бухгалтерия ёзувини амалга оширинг?

4–БЎЛИМ.

БАНКЛАРНИНГ МУЛКЛАРИ, МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТЛАРИ

9–БОБ

БАНК МУЛКЛАРИ ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ

9.1. Банкларнинг асосий воситалари ва уларнинг ҳисоби

Банклар ўз фаолиятини амалга ошириш учун турли шаклдаги асосий воситалар, камбаҳоли ва тез эскирувчи буюмлар, ижарага олинган жиҳозлар ва бошқа буюмлардан фойдаланади. Улар банк балансининг тегишли ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади.

Асосий воситалар – банк фаолиятида банк хизматларини кўрсатиш жараёнида, маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган ва бир йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиш кўзда тутилган моддий активлардир. Унинг таркибига бинолар, иншоотлар, компьютерлар, мебель, ҳисоблаш техникаси, транспорт воситалари ва бошқа жиҳозлар киради.

Банклар асосий воситаларни сотиб олиши, янгидан қуриши, текинга ёки ҳадя ҳисобидан балансга қирим қилади. Банкларда асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобварақлар режасининг иккинчи тартибли 16500-“Асосий воситалар” актив ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади, ушбу ҳисобварақ таркибида асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича қуйидаги асосий ҳисобварақлар мавжуд.

16501-Ер

16505- Тугалланмаган қурилишлар

16509- Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар

*16511- Бинолар ва бошқа иморатларнинг йиғилган эскириш суммаси
(контр-актив)*

16529- Транспорт воситалари

*16531- Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси (контр-
актив)*

16535- Мебель, мослама ва жиҳозлар

*16539- Мебель, мослама ва жиҳозларнинг йиғилган эскириш суммаси
(контр-актив)*

16561- Омбордаги асосий воситалар

*16563- Омбордаги асосий воситаларнинг йиғилган эскириш суммаси
(контр-актив)*

Банк балансига кирим қилинаётган асосий воситалар бошланғич қийматида ҳисобга олинади, асосий воситаларнинг бошланғич қиймати ўз таркибига тўланган солиқлар, божхона божлари ва йиғимларини, шунингдек, уларни етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ бошқа харажатлари киради.

Қуйида банк томонидан мебел сотиб олиш билан боғлиқ операциялар ва уларнинг ҳисобини амалга ошириш жараёнини кўриб чиқамиз. Банк мебель ишлаб чиқарувчи фирма билан мебель сотиб олиш бўйича шартнома имзолади, шартнома бўйича сотиб олинаётган мебельнинг баҳоси 15,0 млн сўмни ташкил этади.

а). Шартномага асосан банк мебель учун олдиндан тўловни амалга оширди.

*Дебет 19909- “Товар-моддий қимматликлар учун
тўланган маблағлар”*

*Кредит 10301 – “Марказий банкдаги ҳисобвараги- 15000000,0
Ностро” ёки асосий восита сотувчи мижознинг
ҳисобвараги*

б). Банкка олиб келинган мебел банк омборига қабул қилинди.

Дебет 16561-“Омбордаги асосий воситалар”

Кредит 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар” 15000000,0

в). Банк мебелни олиб келиш ва ўрнатиш билан боғлиқ бўлган 0,5 млн сўмлик харажатни амалга оширди.

Дебет 19907-“Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар”

Кредит 10301-“Марказий банкдаги ҳисобварағи-Ностро” ёки хизмат кўрсатувчи фирманинг ҳисобварағи 500000,0

г). Банк омборидаги мебел ва унга қилинган қўшимча харажатлар банк балансининг тегишли ҳисобварағига кирим қилинди.

Дебет 16535-“Мебель, мослама ва жиҳозлар” 15500000,0

Кредит 16561-“Омбордаги асосий воситалар” 15000000,0

Кредит 19907-“Хизматлар учун олдиндан қилинган харажатлар” 500000,0

Банклар мустақил равишда биноларни қурганда ёки реконструкция қилиш учун қилинган харажатларни 16505-“Тугалланмаган қурилишлар” ҳисобварағида ҳисобга олиб боради. Қурилиши тугаган ёки реконструкция қилинган бино қабул қилиш ва топшириш комиссиясининг қарорига асосан банкнинг тегишли ҳисобварағига олинади.

а). Қурилиши давом этаётган банк биноси ва реконструкцияси бўйича қилинган харажатлар кирим қилинди.

Дебет 16505-“Тугалланмаган қурилишлар”

Кредит 19909-“Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар”

б). Қурилиши тугаган банк биноси қабул қилиш ва топшириш далолатномаси асосида банкнинг тегишли ҳисобварағига кирим қилинди.

Дебет 16509-“Банкнинг иморатлари - Бинолар ва бошқа иморатлар”

Кредит 16505-“Тугалланмаган қурилишлар”

Банкларнинг асосий воситалари маълум муддатларда қайта баҳоланиб турилади. Асосий воситаларни қайта баҳолаш *индекс ва бевосита қайта баҳолаш* усулларида амалга оширилади. Банкларнинг асосий воситалари қайта баҳолаш тартиби ва уларнинг ҳисобига амалий мисоллар 27-иловада келтирилган.

Индекс усули билан қайта баҳолашда қайта баҳоланган санасидаги асосий воситаларнинг баланс қиймати ва ушбу активларнинг жамланган эскириши муайян индексдан фойдаланган ҳолда қайта баҳоланади. Сўнгра активларнинг қайта баҳоланган қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамланган эскириши билан таққосланади ва вужудга келган фарқига тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

а). Активнинг қайта баҳоланган қиймати унинг баланс қийматидан ошса қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан акс эттирилади:

*Дебет 165**-“Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи”*

Кредит 30908-“Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси”

б). Қайта баҳолашдан олдин ва ундан кейинги жамланган эскириш суммалари ўртасидаги фарққа.

Дебет 30908-“Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси”

Кредит 165-“Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи”

Асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиш қиймати алоҳида объектлар қийматини баҳоланаётган айнан ўхшаш бўлган, янги объектларнинг қайта баҳоланган санасида шаклланган, ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича бевосита қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Қайта баҳоланган натижасида 30908-"Бошланғич қийматига нисбатан баҳоланган қийматининг ошган суммаси" ҳисобварағида вужудга келган сумманинг ижобий натижаси ҳар ойда 31203-"Тақсимланмаган фойда (актив-

пассив)" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Дебет 30908-“Бошланғич қийматига нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси”

Кредит 31203-“Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)”

Тегишли активни ҳисобдан чиқаришда 30908-ҳисобварақдаги қайта баҳолаш натижаси тўлиғича 31203-ҳисобвараққа ўтказилади.

Банклар ҳар йили белгиланган муддатларда асосий воситалар бўйича эскириш (амортизация) суммаларини ҳисоблайди. Амортизацияни ҳисоблаш *тенг маромли* (тўғри чизиқли), *бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб* равишда эскириш ва *жадаллаштирилган* усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Амортизация ҳисоблашнинг жадаллаштирилган усули иккита йўл билан амалга оширилади, биринчиси йиллар суммаси усули (кумулятив усул) ва иккинчиси камайиб борувчи қолдиқ усули.

Банкларнинг асосий воситалари бўйича эскириш ҳисоблаш тартиби ва уларнинг ҳисобига амалий мисоллар 28-иловада келтирилган.

Асосий воситалар бўйича амортизацияни ҳисоблашда мақбул усулни танлаб олиш мақсадга мувофиқ, бунда асосий воситаларнинг бир турига фақат битта усулни қўллаш лозим бўлади. Эскириш ҳисоблашнинг танланган усули ҳисоб сиёсатида белгиланиши ва бир ҳисобот давридан бошқасига изчиллик билан қўлланиши ва йил давомида ўзгартирилимаслиги лозим.

Тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули ўзгармас амортизация суммасини тенг маромда, асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддати мобайнида уларнинг қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисоблашга асосланади. Бунда қуйидаги формулаларни ишлатиш мақсадга мувофиқ:

$$\text{ЙЭС} = \frac{\text{АҚ}}{100} \times \text{АМ}; \quad \text{АХМ} = \frac{1}{\text{АМ}} \times 100\%; \quad \text{ОЭС} = \frac{\text{АҚ}}{12 \times 100} \times \text{АМ},$$

бу ерда:

ЙЭС - йиллик эскириш суммаси;

АҚ - активнинг амортизацияланадиган қиймати;

АХМ - активнинг хизмат муддати;

АМ - амортизация меъёри;

ОЭС - ойлик эскириш суммаси.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда эскиришни ҳисоблаш усули амортизация суммасини активнинг тахмин қилинаётган ишлатилиши ёки тахмин қилинаётган унумдорлигидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблашга асосланган. Ушбу усул ҳар бир муайян йилдаги асосий воситанинг маҳсулотларини ҳисобга олишга асосланган. Ушбу усул бўйича ҳар йиллик эскириш миқдорини ҳисоблаш учун бутун фойдали хизмат муддатидаги умумий баҳоланган маҳсулотлар йиғиндисини ва мазкур йилда яратилган маҳсулотларни аниқлаш лозим. Маҳсулот сифатида ишлар ҳажми, ишланган соатлар сони олиниши мумкин. Бунда амортизация қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$AC = \frac{AAQ}{ЧБС} \times ДБС,$$

бу ерда:

АС - амортизация суммаси;

ААҚ - активнинг амортизацияланадиган қиймати;

ДБС - мазкур даврдаги бирликлар сони;

ЧБС - активнинг бутун фойдали хизмат муддати учун ҳисоблаб чиқилган (чамаланган) бирликлар сони.

Активлардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек, илмий-техникавий жараённинг таъсири кучли бўлганда активлар эскириши *жадаллаштирилган амортизация* усуллари асосида амалга оширилади. Жадаллаштирилган амортизация усулида йиллар суммаси усули ва камайиб борувчи қолдиқ усули қўлланилади.

Йиллар суммаси усули ҳисоб-китоб коэффиентида махраж бўлиб

ҳисобланган объектнинг хизмат муддати йиллари суммаси билан белгиланади.

Камайиб борувчи қолдиқ усули ҳисобланадиган амортизация суммасини активнинг фойдали хизмат муддати мобайнида камайишини англатади.

Банклар асосий воситаларни амортизация қилиниши қандай усулдан фойдаланишидан қатъий назар қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

*Дебет 566** - "Асосий воситалар тегишли гуруҳларининг эскириши харажатлари"*
*Кредит 165** - "Жамланган эскириш - Асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварағи"*

Банк асосий воситаларини балансдан чиқариш. Банкларнинг асосий воситалари турли йўллар билан балансдан чиқарилиши мумкин⁶, балансдан чиқаришининг кенг тарқалган йўллари билан бири бу уларни сотиш ҳисобланади.

а). Асосий воситалар сотилганда уларнинг балансдаги қиймати ҳисобланган амортизация суммасига камайтирилади бунда қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилди.

Дебет 16531 - "Транспорт воситаларининг йиғилган эскириш суммаси (конт-актив)"
Кредит 16529 - "Транспорт воситалари"

б). Сотилган асосий воситалар учун тўлов олдиндан келиб тушганда қуйидаги бухгалтерия ёзув амалга оширилади.

Дебет 10301 - "Марказий банкдаги ҳисобварағи-Ностро" ёки сотиб олувчининг ҳисобварағи
Кредит 29802 - "Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар"

⁶ Марказий банкнинг "Ўзбекистон Республикаси банкларида асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги йўриқномасига (ЎЗР АВ томонидан 17.12.2004 й.да 1434-сон билан рўйхатга олинган МБ бошқарувининг 27.11.2004 й.даги 25/8-сон Қарори билан тасдиқланган) асосан асосий воситалар тўлиқ жисмонан ёки маънан эскириши, сотилиши, текинга берилиши, форс-мажор ҳолатларида, камомад ёки талафот аниқланганда ва активдан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда балансдан чиқарилади.

в). Банкнинг асосий воситалари балансдаги қиймати бўйича сотилса, яъни сотишдан даромад ёки зарар кўрилмаса қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 29802-“Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”
Кредит 16529-“Транспорт воситалари”

г). Банк сотилган асосий воситалар ҳисобидан даромад олди, бунда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 29802-“Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”
Кредит 16529-“Транспорт воситалари”
Кредит 45909-“Банк асосий воситаларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда”

д). Банк сотилган асосий воситалар ҳисобидан зарар кўрди, бунда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 29802-“Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”
Дебет 55902-“Банк асосий воситаларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар”
Кредит 16529-“Транспорт воситалари”

Банкларда асосий воситаларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ва уларнинг бутлигини таъминлаш мақсадида йилда камида бир марта, шунингдек, банкнинг раҳбар ходимлари алмашганда ва бошқа зарур ҳолларда инвентаризация қилиб борилади. Уни ўтказиш тартиби ва комиссия таркиби банк раҳбарияти томонидан буйруқ асосида белгиланади.

Банкнинг асосий воситаларини инвентаризацияси натижасида уларнинг қиймати ва сони балансдаги ҳамда инвентар карточкаларига тенг келиши ёки фарқ (ортиқча ёки камомад) аниқланиши мумкин.

а). Асосий воситаларни инвентарлашда ортиқчалик аниқланганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

1.Банк фаолиятида фойдаланишда бўлган жиҳозлар бўйича ортиқчалик

аниқланганда:

Дебет 16535-“Мебель, мослама ва жиҳозлар”
Кредит 45994-“Бошқа фоизсиз даромадлар”

2. Банк омборидаги асосий воситалар бўйича ортиқчалик аниқланганда:

Дебет 16561-“ Омбордаги асосий воситалар”
Кредит 45994-“Бошқа фоизсиз даромадлар”

Инвертарлаш натижасида банк жиҳозлари камомадлиги аниқланса шу асосий воситалар ҳисобварақлари камомад суммасига камайтирилиб, камомад суммаси айбдор - моддий жавобгар шахсга 19908-“Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги олиними лозим бўлган маблағлар” ҳисобварағида акс эттирилади. Кейин камомад сумма айбдор - моддий жавобгар шахснинг иш ҳақидан қайтариб қолиш ёки нақд пулда тўлаш йўли билан ундириб олинади.

9.2. Банкларнинг кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларининг ҳисоби

Банкларда фойдаланиладиган жиҳозларнинг хизмат муддати бир йилдан ошмаса, шунингдек, хизмат муддатидан қатъий назар, бир донасининг нархи энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача қийматга эга бўлган буюмлар кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар (КБТЭБ) ҳисобланади.

КБЭТБ таркибига канцелярия моллари, калькулятор ва бошқа буюмлар киради. КБТЭБлар банк омборхонасида тегишли қайд этиш китобларида ва бухгалтерия балансининг 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” ҳисобварақларида ҳисобга олиб борилади.

КБТЭБларни сотиб олишнинг ҳисоби. Банкларнинг йиллик смета харажатларида банк фаолияти учун зарур КБТЭБларни сотиб олиш сарфланадиган маблағларнинг энг юқори суммаси белгиланади.

а). Банк фаолияти учун зарур бўлган КБТЭБларга олдиндан тўловни амалга оширганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 19909 – "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"

Кредит 10301 – "Марказий банкдаги ҳисобварағи-Ностро" ёки мижознинг депозит ҳисобварағи

б). КБТЭБ омборхонага сотиб олинганлигини тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар асосида кирим қилиниб, қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 19921 – "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"

Кредит 19909 – "Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар"

КБТЭБларни балансдан чиқариш. Банк омборидаги КБТЭБлар фойдаланишга чиқарилганда, сотилганда, текинга берилганда, камомад аниқланганда ва фойдаланиш учун яроқсиз бўлганда ҳамда форс-мажор ҳолатларда ҳисобдан чиқарилади.

а). КБТЭБни фойдаланишга берилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 56406- "Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари"

Кредит 19921- "Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар"

Банк фаолиятида фойдаланишдаги КБТЭБлар балансдан ташқари ҳисобда ва журналларда ҳисобга олиб борилади, омбордаги ва фойдаланишга чиқарилган КБТЭБлар бўйича ҳар ойда таққосланиб тегишли ҳисобот тузиб борилади.

Банкдаги ортиқча КБТЭБлар сотилганда қуйидаги бухгалтерия ёзувилари амалга оширилади.

а). КБТЭБлар учун сотиб олувчи томонидан тўлов олдиндан амалга оширилганда.

Дебет 10301 – “Марказий банкдаги ҳисобварағи-Ностро” ёки мижознинг депозит ҳисобварағи

Кредит 29802 – “Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”

б). КБТЭБ фойда ёки зарарсиз сотилганда.

Дебет 29802 – “Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”

Кредит 19921-“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар”

в). КБТЭБ фойда билан сотилганда.

Дебет 29802 – “Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”

Кредит 19921 –“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар”

Кредит 45913 –“Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда”

г). КБТЭБ зарар билан сотилганда.

Дебет 29802 – “Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”

Дебет 55906 – “Банкнинг бошқа хусусий мулкларини сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар”

Кредит 19921 –“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар”

Банк омборида сақланаётган КБТЭБлар бўйича камомад чиққанда, яроқсиз ҳолга келганда (айбдор шахслар аниқланмаган ҳолда), текинга берилганда, шунингдек, форс-мажор ҳолатларда унинг қиймати зарарга чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 56975 – “Бошқа операцион харажатлари”

Кредит 19921 –“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар”

КБТЭБларни инвентаризация қилиш. Фойдаланилаётган ва омбордаги КБТЭБлар бўйича, уларнинг сақланиши ва ҳақиқатда мавжудлиги устидан назоратни таъминлаш учун ҳар йили камида бир марта инвентаризация ўтказилади. Инвентаризация ўтказиш тартиби банк раҳбарияти томонидан белгиланади.

Инвентаризация банк омборида сақланаётган ва фойдаланишда бўлган КБТЭБларни мавжудлиги 19921 –“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар” ҳисобварағидаги ва КБТЭБларни қайд этиш дафтари билан таққослаб текшириш орқали амалга оширилади. Инвентаризация натижасида журналда қайд этилган ва фойдаланишдаги КБТЭБларнинг ўзаро тенгилиги, ортиқчалиги ёки камомадлиги аниқланади. Бу комиссия раиси ва аъзолари томонидан тегишли далолатномалар орқали расмийлаштирилади.

а). Инвентаризация натижасида банк омборида аниқланган ортиқча КБТЭБлар бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 19921 –“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар”

Кредит 45994 – “Бошқа фоизсиз даромадлар”

КБТЭБларнинг камомади, шунингдек, айбдор шахс айби билан яроқсиз ҳолга келган КБТЭБларнинг қиймати инвентаризация комиссиясининг раиси ва аъзолари, моддий жавобгар шахс томонидан имзоланган далолатнома расмийлаштирилади ва моддий-жавобгар шахслардан белгиланган тартибда ундириб олинади.

б). КБТЭБларни инвентаризацияси натижасида банк омборида аниқланган камомад бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзув берилади.

Дебет 19908 – “Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олинган лозим бўлган маблағлар”

Кредит 19921 –“Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар”

в). КБТЭБларнинг камомад суммаси айбдор ходимнинг иш ҳақидан ундириб олинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 29803 – “Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар”

Кредит 19908 – “Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олинмиши лозим бўлган маблағлар”

г). КБТЭБлар инвентаризацияси натижасида аниқланган камомад айбдор ходимдан нақд пулда ундириб олинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”

Кредит 19908 – “Банк ходимлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда ундириб олинмиши лозим бўлган маблағлар”

Банк омбор мудури ишдан бўшаши, бошқа ишга ўтказилиши, меҳнат таътилига кетиши ёки беморлиги туфайли алмаштирилган тақдирда, банк раҳбарининг буйруғи билан ходимлар таркибидаги ҳайъат томонидан топширувчи ва қабул қилувчи ходимлар иштирокида омборда тўлиқ инвентаризация ўтказилади ҳамда мажбурий равишда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади.

9.3. Банкларнинг номоддий активларининг ҳисоби

Банкларнинг активлари моддий ва номоддий активларга гуруҳланади, моддий активлар натурал кўринишга, вазнга ва моддий-ашёвий шаклга эга бўлган буюмлар бўлса, номоддий активлар бу хусусиятларга эга бўлмайди.

Моддий-ашёвий кўринишга эга бўлмаган, бир йилдан ортиқ фойдали хизмат муддатига эга бўлган ва банк хизматларини кўрсатишда ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган номонетар, идентификация-ланадиган активлар номоддий активлар ҳисобланади. Хусусан, номоддий активларга патентлар, муаллифлик ҳуқуқи, гудвилл (goodwill), савдо маркалари, компьютер дастурий таъминоти, лицензиялар ва шу кабилар киради.

Банкларда номоддий активлар сотиб олиш, дастурчи ходимлар томонидан яратиш ва қонунчиликда таъқиқламаган бошқа йўллар билан балансга кирим қилинади. Ҳақ эвазига харид қилинган номоддий актив бошланғич (ҳақиқий) қиймати бўйича баҳоланади ва ҳисобга олинади. Номоддий активларнинг таҳлилий ҳисоби номоддий активларнинг ҳар бир тури бўйича очиладиган тегишли шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Банклар томонидан чет эл валютасида харид қилинган номоддий активлар шу санада Марказий банк курси бўйича миллий валютада акс эттирилади ва чет эл валютаси курсининг ўзгариши муносабати билан қайта баҳоланмайди. Банк дастурчилари томонидан яратилган номоддий актив балансда ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади. Текинга олинган номоддий активлар дастлаб балансда реал (ҳаққоний) қиймати бўйича акс эттирилади.

а). Банкда номоддий активларни сотиб олиш бўйича олдиндан тўлов амалга оширилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 19909 – “Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлар”

Кредит 10301 – “Марказий банкдаги ҳисобварағи-Ностро” ёки сотувчи миждознинг ҳисобварағи

б). Номоддий активлар балансга кирим қилинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 16541 – “Номоддий активлар”

Кредит 19909 – “Товар-моддий қимматликлар учун тўланган маблағлари”

в). Номоддий активлар келиб тушгандан кейин тўлов амалга оширилса, қуйидаги бухгалтерия ёзуви бажарилади.

Дебет 16541 – “Номоддий активлар”

Кредит 29802 – “Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”

г). Балансга кирим қилинган номоддий активлар бўйича тўлов амалга

оширилди.

Дебет 29802 – “Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”

Кредит 10301 – “Марказий банкдаги ҳисобварағи-Ностро” ёки сотувчи миждознинг ҳисобварағи

д).Текинга ёки ҳадяга олинган номоддий активлар балансга кирим қилинганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 16541–“Номоддий активлар”

Кредит 30905 –“Текинга олинган мулклар”

Номоддий активларни қайта баҳолаш, амортизация қилиш ва балансдан чиқиб кетиши билан боғлиқ операциялар ҳисоби ва расмийлаштирилиши асосий воситалардаги каби амалга оширилади. Агар номоддий активлар фойдаланишга яроқли бўлса, хизмат муддати тугаганлигига қарамай банк улардан фойдаланишни давом эттириши мумкин. Бунда номоддий активларга эскириш ҳисобланмайди.

9.4. Банк даромадлари ва харажатларининг ҳисоби

Тижорат банкларининг асосий фаолияти фойда олишга қаратилган бўлиб, маълумки фойда даромадлар суммасининг харажатлар суммасидан ортган шароитида вужудга келади.

Тижорат банклари даромад ва харажатлари, мос равишда бухгалтерия ҳисобварақалар режасининг пассив ва актив ҳисобварақларида юритилиб, ушбу ҳисобварақлар ҳисобот даврининг охирида банкнинг “фойда ёки зарар”лар ҳисобварағи билан корреспонденцияси асосида ёпилади. Банк фойдасини тақсимлаш унинг акциядорлар кенгаши йиғилишида ҳал этилади.

Тижорат банклари даромад ва харажатлари бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш методи асосида амалга оширилади, яъни банк фаолияти натижасида келгусида олинishi ёки тўланиши кўзда тутилган даромад ва харажатлар бўйича операциялар содир бўлган пайтда бухгалтерия

ҳисобварақлар режасининг тегишли ҳисобварақларида акс эттириб борилади, уларни қуйидаги мисолларда кўриб чиқамиз.

Банк даромадлари ҳисоби. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобварағи режасига кўра даромадлар ҳисоби 40000-“Даромадлар” ҳисобварағида юритилиб, улар фоизли ва фоизсиз даромадларидан ташкил топади.

Банкнинг фоизли даромадлари 40200-45100 ҳисобварақларда, фоизсиз даромадлар 45200-45900 ҳисобварақларда ҳисобга олиб борилади. Ўзбекистон тижорат банклари бухгалтерия ҳисобварақлар режасида банк фаолияти натижасида олиниши мумкин бўлган фоизли ва фоизсиз даромадларнинг барча моддалари бўйича алоҳида ҳисобварақлар очилган

Даромадларни ҳисобга олиб борадиган ҳисобварақлар характери бўйича *пассив* ҳисобварақлар бўлиб, уларнинг кредитида банк ҳисобига келиб тушган даромадлар ҳисобга олинса, дебитида ҳисобот даврининг охирида даромадларнинг 31206-“Соф фойда (зарар)” ҳисобварағига ёпилган суммалари акс эттирилади.

Тижорат банклари даромад манбалари жуда кўп қиррали бўлиб, уларни қуйидаги тартибда гуруҳлаш ва ҳисобга олиш мумкин.

1. Мулкӣ шаклидан қабтӣ назар юридик ва жисмонӣ шахсларга қисқа ва узоқ муддатга сўмда ва хорижий валюталарда берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар. Масалан:

а). Банк хусусий корхонага қисқа муддатли кредит берди ва кредит учун 35,0 млн сўм фоизли даромадни ҳисоблади.

<i>Дебет</i>	<i>16309 – “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”</i>	
<i>Кредит</i>	<i>42601-“Хусусий корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар”</i>	<i>35000000,00</i>

б). Банк жисмонӣ шахсга узоқ муддатли кредит берди ва кредит учун 25,0 млн сўм фоиз тўловини ҳисоблади.

Дебет 16309 – “Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”
Кредит 42001-“Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар” 25000000,00

2. Тижорат банкнинг Марказий банкдаги ва бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари ҳамда муддатли депозитлари бўйича фоизли даромадлари. Маълумки, тижорат банклари мамлакат тўлов тизимига уланиши учун Марказий банкда ташқи вакиллик ҳисобварағини очади, шунингдек, халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида чет эл банкларида хорижий валюталарда корреспондентлик алоқаларини ўрнатади. Ушбу ҳисобварақлар бўйича айрим ҳолларда, агар шартномада кўзда тутилса фоиз тўловларни оладилар, шунингдек, вақтинчалик бўш пул маблағларини Марказий банкда ёки бошқа тижорат банкларида муддатли депозитларда сақлайди, бунинг учун маълум миқдорда фоизли даромадлар олади. Масалан:

а). Тижорат банкининг Марказий банкдаги муддатли депозит бўйича 10,0 млн сўм фоизли даромадлар ҳисобланди.

Дебет 16301 – “Марказий банкдан олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар”
Кредит 40205-“Марказий банкдаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар” 1000000,00

б). Тижорат банки бошқа тижорат банкида очилган корреспондентлик ҳисобварағи бўйича 5,0 млн сўм фоизли даромадлар ҳисоблади.

Дебет 16303 – “Бошқа банклардан олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар”
Кредит 40401-“Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари бўйича фоизли даромадлар” 5000000,00

3. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар. Тижорат банклари ўз маблағлари ҳисобидан хўжалик юритувчи

субъектларнинг қимматли қоғозларига қилган инвестициялари ҳисобидан фоизли даромадлар олади. Масалан:

а). Тижорат банки сотиб олган қимматли қоғозлар бўйича 45,0 млн сўм фоизли даромадлар ҳисоблади.

<i>Дебет</i>	<i>16305 – “Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар”</i>	
<i>Кредит</i>	<i>40713-“ Корхоналарнинг қарз қимматли қоғозлари бўйича фоизли даромадлар”</i>	<i>45000000,00</i>

4. Траст, лизинг, факторинг ва форфейтинг операциялари бўйича даромадлар. Мазкур операциялар тижорат банкларининг ноаънанавий операциялари ҳисобланиб, банклар ушбу операциялар ҳисобидан фоизсиз даромадлар олади. Масалан:

а). Банк миждознинг дебиторлик қарзларини сотиб олиши ҳисобига 15,0 млн сўм фоизсиз даромад ҳисоблади.

<i>Дебет</i>	<i>16401–“Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар”</i>	
<i>Кредит</i>	<i>45217–“Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар - Факторинг”</i>	<i>15000000,00</i>

б). Банк миждознинг (жисмоний шахс) қимматбаҳо буюмларини маълум муддатга сақлаб туриш бўйича траст шартномасини имзолади ва унга кўра 5,0 млн сўм фоизсиз даромад ҳисоблади.

<i>Дебет</i>	<i>16401–“Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар”</i>	
<i>Кредит</i>	<i>45221–“Банкнинг траст операциялари бўйича даромадлари”</i>	<i>5000000,00</i>

5. Қимматбаҳо металлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича даромадлар. Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари турли туман операцияларни бажаради. Банк ушбу операциялар натижасида фоизсиз даромадларни олиш билан бирга, бозордаги талаб ва таклифнинг кескин ўзгариши натижасида фойда ёки зарар кўриши мумкин. Хусусан, қимматбаҳо металларнинг олди-сотдиси билан боғлиқ операцияларни амалга

оширади (мамлакатимиз тижорат банкларида операцияларнинг ушбу турлари амалга оширилмайди).

6. Қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган РЕПО битимлари бўйича даромадлар. Банкларнинг РЕПО операциялари олдиндан келишилган баҳоларда келгусида қайта сотиш шарти билан сотиб олинган қимматли қоғозлар ҳисобланиб, ушбу операциялар нисбатан юқори рискли операциялар таркибига киради. Масалан:

а). Банк РЕПО битимига кўра, келгусида қатъий ўрнатилган баҳода қайта сотиб олиш шарти билан бошқа тижорат банкининг 100,0 млн сўмлик қимматли қоғозини сотиб олди ва унга 10,0 млн сўмлик фоизли даромадни ҳисоблади.

Дебет 16305–“Олди-сотди қимматли қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизлар”

Кредит 45001–“ ЎзР МБдан сотиб олинган қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар” 10000000,00

7. Хорижий валюталар курсининг ўзгариши натижасида олинадиган даромадлар. Тижорат банклари мижозларга валюта операциялари ва халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширади, бу ўз навбатида миллий валютанинг хорижий валюталарга курси ўзгариши ҳисобига даромад олади.

8. Берилган кафолатлар ва тижорат фаолиятдан олинадиган даромадлар. Тижорат банклари маълум хўжалик юритувчи субъектларига кредит олишларида маълум миқдордаги тўлов эвазига кафолат хатлари ёки аккредитивлари бўйича кафолатланган тратталари бериши, шунингдек, мижозларга ҳисобварақлар очиши ва бошқа хизматларни кўрсатиши ҳисобидан воситачилик ҳақини ундириши мумкин. Масалан:

а). Тижорат банки 500,0 млн сўмга қопланмаган аккредитив бўйича тратта берди ва унинг ҳисобидан 12,0 млн сўм фоиз даромадини ҳисоблади.

<i>Дебет</i>	<i>16319–“Мижозларнинг аккредитив ва/ёки траст ҳужжатлари билан кафолатланган тратта мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар”</i>	<i>12000000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>45261–“Кафолатлар ва кафилликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар”</i>	

б). Тижорат банки мижозга ҳисобварағини очгани учун мижоздан 46250,0 сўм воситачилик ҳақини ундирди.

<i>Дебет</i>	<i>10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”</i>	
<i>Кредит</i>	<i>45294–“ Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар”</i>	<i>46250,00</i>

9. Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар. Банклар қонунчилиқда белгиланган тартибда молиявий ресурсларини мулкый шаклидан қаътий назар турли хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотларнинг қимматли қоғозларига инвестиция қилиши асосида даромад олиши мумкин. Масалан:

а). Банк қўшма корхонанинг 3 йил муддат билан муомалага чиқарган субординар қимматли қоғозини сотиб олди ва унга 5,0 млн сўм даромад ҳисоблади.

<i>Дебет</i>	<i>16311– “Сўндириши муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича ҳисобланган фоизлар</i>	<i>5000000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>45713–“Қўшма корхоналарга қилинган инвестициялардан олинган фойда - Бошқалар”</i>	

10. Маслаҳат ва воситачилик хизматларидан олинган даромадлар. Тижорат банклари молиявий воситачи сифатида тижорат банкларига ва мижозларга банк хизматларини кўрсатиши ҳисобидан даромад олиши мумкин. Масалан:

а). Банк хорижий банклардаги корреспондентлик ҳисобварағи орқали бошқа тижорат банкининг халқаро ҳисоб-китобларини амалга оширганлиги учун шартномага асосан 10,0 млн сўм даромад олди.

Дебет 10301–“Марказий банкдаги ҳисобварағи-Ностро”

Кредит 45713–“Хорижий тўловлар бўйича 10000000,00 воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар”

Юқорида банк даромадлари ҳисоби бўйича келтирилган мисолларда даромадлар тегишли ҳисобварақларга кирим қилинган бўлсада, уларнинг айримлари тўловчилар томонидан ундириб олинмаган. Чунки, бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига асосан банк томонидан берилган кредитлар ёки кўрсатилган хизматлар учун келгусида олиниши кўзда тутилган даромадлар амалга оширилган пайтда даромад ҳисобварақларига кирим қилинади, лекин ушбу даромадларни кредит олувчи ёки хизмат кўрсатилган шахснинг ҳисобварағидан ундириб олиш шартномада кўзда тутилган муддатларда амалга оширилади.

Банк харажатлари ҳисоби. Тижорат банклари бухгалтерия ҳисобварағи режасига кўра харажатлар ҳисоби 50000-“Харажатлар” ҳисобварағида юритилиб, улар фоизли ва фоизсиз харажатларидан ташкил топади.

Банкнинг фоизли харажатлари 50100-54900 ҳисобварақларда, фоизсиз харажатлар 55100-55900 ҳисобварақларда ҳисобга олиб борилади. Банкларнинг фоизли ва фоизсиз харажатларининг барча моддалари бўйича банк бухгалтерия ҳисобварақлар режасида алоҳида ҳисобварақлар очилган **(1-илова)**. Мазкур ҳисобварақлар характери бўйича актив ҳисобварақлар бўлиб, уларнинг дебетида банк томонидан амалга оширилган харажатлар ҳисобга олинса, кредитида ҳисобот даврининг охирида харажатларнинг 31206-“Соф фойда (зарар)” ҳисобварағига ёпилган суммалари акс эттирилади.

Тижорат банклари ўз фаолиятини ташкил этиш жараёнида турли харажатларни амалга оширади, харажатларнинг асосий қисми банкларнинг молиявий ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ.

Банкнинг молиявий ресурсларини шакллантириши ва унинг бевосита фаолиятини ташкил этиши билан боғлиқ фоизли харажатлари. Қуйида айрим мисоллар келтирамиз.

а). Мижозларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобварағи бўйича 5,0 млн сўм фоизли харажат ҳисобланди.

<i>Дебет</i>	<i>50108–“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари бўйича фоизли харажатлар”</i>	<i>5000000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>22402–“Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”</i>	

б). Мижозларнинг муддатли депозит ҳисобварағи бўйича 50,0 млн сўм фоизли харажат ҳисобланди.

<i>Дебет</i>	<i>51108–“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар”</i>	<i>50000000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>22405–“Муддатли депозитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”</i>	

в). Банкда молиявий ресурсларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида қисқа муддатли банклараро кредит олди ва унга 5,0 млн сўм фоизли харажат ҳисобланди.

<i>Дебет</i>	<i>53106–“ Бошқа банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар”</i>	<i>5000000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>22410–“Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар”</i>	

г). Марказий банкдан қайта молиялаш тарзида олинган кредит учун 15,0 млн сўм харажат ҳисобланди.

Дебет 53101–“ЎзР МБдан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар”
Кредит 22410–“Олинган кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар” 15000000,00

д). Банк инкассацияга Марказий банкдан олиб келинган нақд пул учун 5,0 млн сўм тўлади.

Дебет 56795-“Бошқа операцион харажатлар”
Кредит 10301 –“Марказий банкдаги ҳисобварағи- Ностро” 5000000,00

е). Банк муомалага чиқарилган қимматли қоғози учун 8,0 млн сўм фоизли харажат ҳисоблади.

Дебет 56795-“Бошқа операцион харажатлар”
Кредит 22414-“Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар” 8000000,00

и). Банк хорижий банкларнинг «Лоро» вакиллик ҳисобварағи қолдиғи бўйича 5,0 млн сўм фоизли харажат ҳисобланди.

Дебет 52101-“Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар”
Кредит 22407- “Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича ҳисобланган фоизлар” 5000000,00

1. Банкларнинг кейинги асосий харажатлар моддаси банк ходимларининг иш ҳақи, ижара ва бошқа маъмурий харажатлардир. Бунга айрим мисоллар келтирамиз.

а). Банк ходимларига 25,0 млн сўм иш ҳақи ҳисоблади.

Дебет 56102- “Иш ҳақи”
Кредит 29803-“Банк ходимлари билан ҳисоб- китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар” 25000000,00

б). Банк ходимига 2,0 млн сўм ижтимоий ҳимоя ва медицина ёрдами кўрсатилди.

Дебет 56118-“Ижтимоий ҳимоя бўйича харажатлар”
Кредит 29803-“Банк ходимлари билан ҳисоб- китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар” 2000000,00

в). Банк ижара, сув, электр энергия, таъмирлаш ва кўриқлаш учун 5,0 млн сўм харажатни ҳисоблади.

<i>Дебет</i>	56202- “Ижара тўлови”,	
	56206- “Сув тўлови”,	
	56210- “Электр энергияси ва иситиш тармоқлари харажатлари”	5000000,00
	56214 – “Таъмирлаш ва таъминот харажатлари”	
	56218 – “Кўриқлаш хизмати харажатлари”	
<i>Кредит</i>	29806- “Тўлаш учун ҳисобланган бошқа фойсиз харажатлар”	

Банкнинг хизмат сафари, транспорт ва амортизация харажатлари бўйича мисоллар келтирамиз.

а). Банк ходимларига хизмат сафари ва яшаш харажатлари учун 5,0 млн сўм нақд пул берилди.

<i>Дебет</i>	56302- “Хизмат сафари харажатлари”,	
	56306- “Хизмат сафаридаги кунлик харажатлар”	5000000,00
<i>Кредит</i>	10101- “Айланма кассадаги нақд пуллар”	

б). Банк транспорт ва ёқилғига тўловни амалга ошириш учун 5,0 млн сўм маблағ ажратди.

<i>Дебет</i>	56314- “Ёқилғи харажатлари”	
<i>Кредит</i>	29802 – “Товар-моддий қимматликлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган маблағлар”	5000000,00

Банкнинг имиджини кўтариш ва хизматларининг турини кўпайтириш билан боғлиқ харажатларга мисоллар келтирамиз.

а). Банк реклама ва эълонлар учун 5,0 млн сўм маблағ ажратди.

<i>Дебет</i>	56402- “Реклама ва эълон харажатлари”	
<i>Кредит</i>	29806- “Тўлаш учун ҳисобланган бошқа фойсиз харажатлар”	5000000,00

б). Банк даврий нашрларга обуна учун 5,0 млн сўм маблағ ажратди.

<i>Дебет</i>	56418- “Китоб, газета ва бошқа даврий нашриётлар бўйича харажатлар”	
<i>Кредит</i>	22612- “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ таркибий бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган пул ўтказмалари ва даврий нашрларга обуна”	5000000,00

Банк тегишли ҳисобварақлардан харажатларни амалга оширган бўлсада, лекин уларнинг айримлари олувчига тўлиқ ўтказиб берилмаган. Чунки, бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига асосан банк томонидан олинган кредитлар, омонотчиларнинг депозитлари учун келгусида тўланиши кўзда тутилган харажатлар харажат ҳисобварақларига кирим қилинади, лекин ушбу харажатларни кредит берувчи ёки омонотчининг ҳисобига ўтказиб бериш шартномада кўзда тутилган муддатларда амалга оширилади.

9.5. Банк фойдаси ва унинг ҳисоби

Тижорат банклари бошқа хўжалик юритувчи субъектлар каби ўз фаолиятини фойда олиш ва уни ошириб боришга қаратади. Банкларнинг молиявий натижалари ҳисобот даврида (ой, чорак, йил) 31206-“Соф фойда (зарар)” ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Банк баланс фойдаси унинг ҳақиқатда олинган даромадлари (40000-“Даромадлар”) ва харажатлари (50000-“Харажатлар”) ўртасидаги ижобий фарқ сифатида вужудга келади. Банк баланс фойдаси йил давомида шаклланиб боради, банк маълум ой ёки чоракни фойда билан эмас, балки зарар билан ҳам яқунлаши мумкин, лекин унинг молиявий ҳолатига баҳо берилганда ҳисобот йилининг охиридаги натижалари эътиборга олинади.

Банкнинг юқори фойдага эга бўлиши унинг рақобатбардошлиги ва хизматлари сифатини оширишга ҳамда капиталлашув даражасини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Банкларнинг фойдаси ҳисобот даврининг охирида даромад ва харажат ҳисобварақлари қолдиғи 31206-«Соф фойда (зарар)» ҳисоб варағига кирим қилинади.

Тижорат банклари фойдасини аниқлаш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартибининг амалиётдаги ҳолатини кўриб чиқиш учун унинг даромад ва харажат ҳисобварақларидаги қолдиқ суммаларни 31206-«Соф фойда (зарар)» ҳисобварағига ёпамиз. Бунинг учун мазкур дарсликнинг

“Банк даромад ва харажатлари ҳисоби” параграфида даромад ва харажатлар бўйича келтириган бухгалтерия амалларидан фойдаланамиз.

Дастлаб 40000-“Даромадлар” ҳисобварақалардаги қолдиқ сумаларни ёпиш бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувларини амалга оширамиз.

Дебет	42601-“Хусусий корхоналарга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар”	35 000 000,00
Дебет	42001-“Жисмоний шахсларга берилган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли даромадлар”	25 000 000,00
Дебет	40205-“Марказий банкдаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар”	1 000 000,00
Дебет	40401-“Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобварақлари бўйича фоизли даромадлар”	5 000 000,00
Дебет	40713-“ Корхоналарнинг қарз қимматли қозғозлари бўйича фоизли даромадлар”	45 000 000,00
Дебет	45217-“Сотиб олинган дебиторлик қарзлари бўйича даромадлар - Факторинг”	15 000 000,00
Дебет	45221-“Банкнинг траст операциялари бўйича даромадлари”	5 000 000,00
Дебет	45001-“ ЎзР МБдан сотиб олинган қимматли қозғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар”	10 000 000,00
Дебет	45261-“Кафолатлар ва кафилликлар бўйича операцияларни амалга оширишда кўрсатилган хизматлар учун олинган даромадлар”	12 000 000,00
Дебет	45294-“ Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар”	46 250,00
Дебет	45713-“Қўшма корхоналарга қилинган инвестициялардан олинган фойда - Бошқалар”	5 000 000,00
Дебет	45713-“Хорижий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар”	10 000 000,00
	Кредит 31206-“Соф фойда (зарар)”	168046 250,00

Қуйида банкнинг харажат ҳисобварақаларининг қолдиқ суммаларини 31206-«Соф фойда (зарар)» ҳисобварағининг дебетига олиб бориш орқали ёпамиз ва қуйидаги бухгалтерия ёзувини амалга оширамиз.

<i>Дебет</i>	<i>31206-“Соф фойда (зарар)”</i>	<i>145 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>50108-“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари бўйича фоизли харажатлар”</i>	<i>5 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>51108-“ Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар”</i>	<i>50 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>51108-“Хусусий корхоналар, хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар”</i>	<i>5 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>53101-“ЎзР МБдан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича фоизли харажатлар”</i>	<i>15 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>56795-“Бошқа операцион харажатлар”</i>	<i>5 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>56795-“Бошқа операцион харажатлар”</i>	<i>8 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>52101-“Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар”</i>	<i>5 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>56102-“ Иш ҳақи”</i>	<i>25 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>56118-“Ижтимоий ҳимоя бўйича харажатлар”</i>	<i>2 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>56202-“Ижара тўлови”, 56206- “Сув тўлови”, 56210- “Электр энергияси ва иситиши тармоқлари харажатлари”</i>	<i>5 000 000,00</i>
	<i>56214 –“Таъмирлаш ва таъминот харажатлари”</i>	
	<i>56218 – “Кўриқлаш хизмати харажатлари”</i>	
<i>Кредит</i>	<i>56302-“ Хизмат сафари харажатлари”, 56306- “Хизмат сафаридоғи кунлик харажатлар”</i>	<i>5 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>56314-“ Ёқилғи харажатлари”</i>	<i>5 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>56402-“Реклама ва эълон харажатлари”</i>	<i>5 000 000,00</i>
<i>Кредит</i>	<i>56418-“ Китоб, газета ва бошқа даврий нашриётлар бўйича харажатлар”</i>	<i>5 000 000,00</i>

Юқорида бухгалтерия ёзувлари орқали банкнинг даромад ва харажат ҳисобварақларидаги қолдиқ суммалар 31206-“Соф фойда (зарар)” ҳисобварағига тўлиқ ёпилди. Қуйида ушбу ҳисобварағи бўйича дебет ва кредитини корреспондентия қилиш орқали банкнинг фойда ва зарарини аниқлаймиз.

		31206 – “Соф фойда (зарар)”	
		Дебет	Кредит
<i>Давр бошига:</i>			4 550 000,00
	Даромадлар		168046 250,00
	Харажатлар	145 000 000,00	
	<i>Оборот:</i>	145 000 000,00	168 046 250,00
<i>Давр охирига:</i>			27 596 250,00

31206-“Соф фойдаси (зарар)” ҳисобварағидан кўриниб турибдики, банк ҳисобот йилини 27 596 250,00 сўм соф фойда билан яқунлади.

9.6.Банкларнинг бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлари ҳисоби

Тижорат банклари юридик шахс сифатида давлат бюджетига қуйидаги солиқлар тўлайди ва ажратмаларни амалга оширади:

- юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи;
- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- қўшилган қиймат солиғи;
- солиқ солиш манбасидан тўланадиган солиқ;
- жисмоний шахсларнинг даромад солиғи;
- шунингдек, Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратма, Бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш фондига ажратмаларни амалга оширади.

Булардан ташқари банклар ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ҳар ойда тўланадиган тўловларни Халқ банкининг тегишли бўлимларига ўтказиб беради.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигининг ҳисоби. Банкларда фойда солиғи ставкаси 15% қилиб белгиланган. Ушбу солиқни тўлашда банклар келгуси чоракнинг бошида чорак давомида олинадиган фойда миқдорини ойлар кесимида башорат қилиб, давлат солиқ инспекцияларига маълумот тақдим этилади. Башорат қилинган солиқ суммаси ойнинг бошида давлат бюджетининг тегишли ҳисобварағига ўтказилади. Бунга қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади:

Дебет 19931 – “Муддати узайтирилган солиқлар”

Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”

Чоракнинг ойлари давомида тўланган фойда солиқ суммаси ҳар чоракнинг охирида банкнинг тегишли харажатлар ҳисобварағига олиб борилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

а). Агар чорак учун башорат қилинган фойда солиқ суммаси ҳақиқатга тўғри келса:

Дебет 56902 – “Даромад солигини баҳолаш”

Кредит –19931- “Муддати узайтирилган солиқлар”

б). Агар чораклик учун олдиндан тўланган фойда солиғи суммаси банкнинг ҳақиқатдаги фойда солиғи суммасидан кам бўлса, кам тўланган қисми банкнинг 22502 – “Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари” ҳисобварағига ўтказилади ва ушбу ҳисобдан давлат бюджетига ўтказиб берилади, бундай ҳолатда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Кам тўланган суммага:

Дебет 56902 – “Даромад солигини баҳолаш”

Кредит 22502 – “Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари”

Кам тўланган сумма давлат бюджетига ўтказилганда:

Дебет 22502 – “Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари”

Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”

Агар олдиндан тўланган фойда солиғи суммаси ҳақиқатда аниқланган фойда солиқ суммасида кўп бўлса, ушбу фарқ кейинги ойларда ўзаро ҳисоб-китоб қилиш асосида тартибга солинади.

Чорак бошида башорат қилинган фойда солиғи суммаси ҳақиқатда кам ёки кўп тўланганлиги чоракнинг охирида солиққа тортиладиган базага нисбатан 15% миқдорида ҳисоблаб аниқланади. Банкларда фойда солиғи солиқ базаси банкнинг ҳисобварақлар режасининг 4 бўлимидаги даромадлар ҳисобварақларидаги қолдиқлар асосида аниқланади. Солиқ базасини ҳисоблашда 4 бўлимдаги ҳисобварақлардаги даромад суммасида Солиқ кодексига белгиланган имтиёзлари мавжуд бўлган даромад турлари ва бошқа чегирмалар айриб ташланади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солигининг ҳисоби. Банкларда ушбу солиқ ставкаси 8% бўлиб, банкнинг фойда солиғи учун топилган солиқ базасидан ҳақиқатда тўланган фойда солиғи суммасини чегириб ташлагандан кейин вужудга келган сумма ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи учун солиққа тортиладиган база бўлиб ҳисобланади. Буни қуйидаги тенглик кўринишида ифодалаш мумкин:

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани

ривожлантириш солиғи учун база = СБ – фойда солиғи.

Банклар ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғини ҳам фойда солиғи каби башорат қилиб, худди шу бухгалтерия ёзувлари орқали олдиндан тўлаб бориши ва чоракнинг охирида олдиндан амалга оширилган тўловни ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган сумма билан таққослаб, кам ёки кўп тўланган миқдорини тўлаши ёки ўзаро ҳисоб-китоблар орқали тартибга солишлари мумкин.

Шу билан бирга, ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи базасини чоракнинг охирида аниқлаб, қуйидаги бухгалтерия ёзувлари орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

а). Ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган ҳисобланган суммага:

Дебет 56714 – “Солиқ (даромад солигидан ташқари) ва лицензиялар”

Кредит 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

б). Ҳисобланган сумма тўлаб берилганда:

Дебет 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”

Банкларнинг ободонлаштириш ва ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи чорак тугагандан сўнг кейинги чоракнинг биринчи ойини 15 числосига тўлиқ суммада давлат бюджетининг тегишли ҳисобрақамига ўтказиб берилиши лозим.

Мол-мулк солиғи ҳисоби. Тижорат банклари барча юридик шахслар каби мол-мулк солиғи тўлайдилар, ҳозирги пайтда ушбу солиқ ставкаси мол-мулкнинг умумий суммасига нисбатан 3,5 фоизни ташкил этади. Мол-мулк солиғи учун солиқ даври қилиб календар йил белгиланган.

Солиқ кодексининг 266-моддасига солиқ солиш объекти қуйидагилар ҳисобланади:

1) асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;

2) номоддий активлар;

3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига қурилиши шу объект қурилишига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда ниҳоясига етказилмаган объектлар киради;

4) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар.

Солиқ кодексининг 267-моддасига биноан солиқ солинадиган база таркибига қуйидагилар киради:

- асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича - асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

- норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича - тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Солиқ солинадиган база (Солиқ кодексининг 268-моддаси) солиқ солиш объектларининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охири кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб боровчи яқун билан аниқланади.

Банкларда мол-мулк солиғи учун солиққа тортиладиган базани аниқлашда 6509+16535+16529+16541 ва 16549 ҳисобварақларида мавжуд қолдиқ суммалари олинади, (16549 ҳисобварақда ҳисобга олинган ижрадаги теминаллар учун солиқдан имтиёз мавжуд ва улар солиқ базасидан чегирилади). 16601 ҳисобварақда акс эттирилган номоддий қимматликлар бўйича ҳам имтиёз мавжуд ва улар ҳам солиқ базасига киритилмайди.

Банклар йилнинг барча чораклари учун аванс ҳисоботини солиқ органларига тақдим этади. Банк томонидан ойлик тўланадиган мол-мулк солиғи ҳисобланиб 22504-“Ҳисобланган бошқа солиқлар” ҳисобварағида жамланиб борилади ва қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 56714 – “Солиқ (даромад солигидан ташқари) ва лицензиялар”

Кредит 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Ҳисобот даври тугагач, ҳақиқатда ҳисобланган бир йиллик мол-мулк солиғи тўлаб берилади ва январ ойининг 25-санасигача тўланган солиқ суммаси бўйича ҳисобот топширилади. Мол-мулк солиғи тўланганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”

Мол-мулк солиғи тўлангандан сўнг январ ойининг 25-санасигача тўланган солиқ суммаси бўйича ҳисобот топширилади.

Ер солиғи ҳисоби. Мулк ҳуқуқи, эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан банклар ер солиғини тўловчилари ҳисобланади.

Кўчмас мулк банк томонидан ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи, яъни банк ер солиғини тўловчи бўлади. Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун ер солиғини тўлайди.

Ер солиғи ҳар бир солиқ даврининг 1 январига бўлган ҳолатга кўра ҳисоблаб чиқарилади ва ер солиғининг ҳисоб-китоби ер участкаси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилининг 15 февралига қадар тақдим этилади. Ер солиғини тўлаш, банклар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-кунига қадар тенг улушларда амалга оширилади.

Банклар амалиётда ер солиғини давлат солиқ инспекциялари томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятларда зоналар бўйича 1 кв.м.га ўрнатилган солиқ ставка ҳақида тақдим этган тартиблар асосида тўлайдилар. Банк биноти

жойлашган жой қайси зонага тааллуқли эканлиги кадастр ҳужжатлари асосида аниқланади. Солиқ база аниқ бўлгандан кейин банк бинолари жойлашган ҳудуднинг майдони ҳажми аниқланади ва белгиланган ставкалар асосида солиқ суммаси аниқланади. Аниқланган ер солиғи суммаси белгиланган тартиб ва муддаларда давлат бюджетининг тегишли ҳисобварақларига тўлаб берилади.

Ҳисобланган ер солиғи бўйича куйидаги бухгалтерия ёзув берилади.

Дебет 56714 – “Солиқ (даромад солигидан ташқари) ва лицензиялар”

Кредит 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Ер солиғи тўланганда куйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”

Солиқ солинадиган базада солиқ даври мобайнида ўзгариш бўлганда банклар бир ойлик муддат ичида давлат солиқ хизмати органига ер солиғининг аниқлаштирилган ҳисоб-китобини тақдим этади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларнинг ҳисоби. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ йил бошида ўтган йилда тўланган суммага нисбатан башорат қилиниб жорий йил учун йиллик аванс тўлови ҳақида маълумотнома тақдим этилади. Жорий тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқариш учун солиқ банк жорий солиқ даврининг 25 январигача, банкда сувда фойдаланиш бўйича янгидан жорий этилганлари эса - давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойидаги давлат солиқ хизмати органларига мўлжалланаётган солиқ солинадиган базадан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган жорий солиқ даврида сув

ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этадилар.

Маълумотномага асосан ҳисобланган аванс суммаси олдиндан тўланади ва унга қуйидаги бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 19931 – “Муддати узайтирилган солиқлар (алоҳида очилган аналитик ҳисобда)”

Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”

Солиқ даври мобайнида мўлжалланаётган солиқ солинадиган база ўзгарган тақдирда, солиқ тўловчи сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақли. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун жорий тўловларга сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ўзгариш суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш жорий тўловлар ҳисобга олинган ҳолда солиқ тўловчилар томонидан, сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли жойида, ҳисоб-китоб тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай амалга оширилади.

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича жорий тўловлар суммаси ҳисоб-китобга кўра, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10 фоиздан ортиқ миқдорга камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, пеня ҳисоблаган ҳолда қайтадан ҳисоблаб чиқади.

Бунда ер усти ва ер ости сув ресурсларидан фойдаланилганлиги учун фоиз нисбати олинади, яъни ҳақиқатда ишлатилган сув ҳажми тўғрисида маълумотномага асосан уни 74,6% - ер ости суви, 26,4% ер усти сувига ажратилади. Ушбу нисбатлар бўйича олдиндан амалга оширилган тўлов суммасини қуйидаги бухгалтерия ёзув орқали ёпамиз.

*Дебет 56714–“Солиқ (даромад солигидан ташқари) ва лицензиялар”
Кредит –19931-“Муддати узайтирилган солиқлар(алоҳида очилган
аналитик ҳисобда)”*

Солиқ даврида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун олдиндан тўланган солиқ суммаси ҳақиқатда тўланган суммадан кам бўлса, кам тўланган қисми банкнинг 22504–“Ҳисобланган бошқа солиқлар” ҳисобварағига ўтказилади ва ушбу ҳисобдан давлат бюджетига ўтказиб берилади, бундай ҳолатда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

Кам тўланган суммага:

*Дебет 56714–“Солиқ (даромад солигидан ташқари) ва
лицензиялар”*

Кредит 22504 –“Ҳисобланган бошқа солиқлар”

Кам тўланган сумма давлат бюджетига ўтказилганда:

Дебет 22504 –“Ҳисобланган бошқа солиқлар”

Кредит 23402 –“Республика бюджетининг маблағлари”

Агар олдиндан тўланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси ҳақиқатда тўлаш лозим бўлган суммадан кўп бўлса, ушбу фарқ кейинги ойларда ўзаро ҳисоб-китоб қилиш асосида тартибга солинади.

Қўшилган қиймат солиғи ҳисоби. Ушбу солиқ тури 20 фоиздан иборат. Тижорат банклари “Бошқа даромадлар” ҳисобварақларида акс эттирилган даромадлар ҳисобидан, хусусан “Paynet” хизмати бўйича олинган даромадлар, асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар ва қонунчиликда белгиланган бошқа даромадлардан тўлайди.

Банклар Солиқ кодексининг 209-моддасига биноан қуйидаги операциялар бўйича қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади:

– кредитлар, заёмлар бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқариш ва ундириш, кредитлар, заёмлар бериш, кафилликлар (кафолатлар), шу жумладан банк кафолатлари бериш;

– депозитлар қабул қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг банк ҳисобварақларини, шу жумладан вакил банкларда ҳисобварақларини очиш ва юритиш;

– тўловлар, ўтказмалар, қарз мажбуриятлари, чеклар ва тўлов воситалари билан боғлиқ операциялар, инкассо бўйича операциялар;

– миллий валюта ва чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар, нумизматика мақсадларида фойдаланиладиганлари бундан мустасно;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозлар депозитариумларини, шу жумладан вакил депозитарийларини очиш ҳамда юритиш;

– қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар) билан боғлиқ операциялар. Қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар жумласига қимматли қоғозларни сақлаш, қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқни ҳисобга олиш, қимматли қоғозларни ўтказиш ҳамда қимматли қоғозлар реестрини юритиш бўйича операциялар, қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш бўйича операциялар киради, уларни тайёрлаш бўйича хизматлар бундан мустасно;

– қимматли қоғозларни, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни (пайларни) реализация қилиш;

– клиринг операциялари;

– аккредитивлар очиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

– пул маблағларини конвертация қилиш бўйича операциялар;

– чет эл валютаси билан айирбошлаш операцияларини ташкил этиш;

– касса операциялари (банкнот ва тангаларни қабул қилиб олиш, бериш, қайта ҳисоблаб чиқиш, майдалаб бериш, алмаштириш, саралаш ва сақлаш);

– молиявий ижара (лизинг) шартномасининг ижарага берувчининг (лизингга берувчининг) фоииз тариқасидаги даромадига тегишли қисми бўйича хизматлар кўрсатиш;

– форфейтинг ва факторинг операциялари;

– ломбард операциялари (гаровга қўйилган мол-мулкка қисқа муддатли кредитлар бериш);

– жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг обороти.

Қўшилган қиймат солиғи тўланадиган операциялар бўйича ҳар ойнинг якуни бўйича тўлов миқдори аниқланиб қуйидаги бухгалтерия проводкаси асосида тўлов амалга оширилади. Масалан, банк асосий воситасини (юк машинаси) мижозга 120 кунга ижарага бериш ҳисобидан 500 минг сўм даромад олди. Олинган даромаддан қуйидаги тартибда ҚҚС ҳисобланади ва бухгалтерия ёзулари амалга оширилади.

а). Мижоз юк машинасидан фойдалангани учун ижара тўловини банкка ўтказди:

<i>Дебет 20208- “Мижознинг муддатли депозит ҳисобварағи”</i>	
<i>Кредит 29802 – “Товар-моддий қиматликлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар”</i>	500 000,0

б). ҚҚС суммаси ($83\,333,33=500\,000,0/120 \times 20$) ҳисобланди:

<i>Дебет 29802 – “Товар-моддий қиматликлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар”</i>	83 333,33
<i>Кредит 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар”</i>	

в). Ҳисобланган сумма бюджет ҳисобига ўтказилди:

<i>Дебет 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар”</i>	83 333,33
<i>Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”</i>	

г). Мижоз юк машинасидан фойдалангани учун ижара тўловидан ҚҚС суммаси ($83\,333,33=500\,000,0/120 \times 20$) чиқариб ташлангандан сўнг, банк қолган сумма банк даромадига олинади:

<i>Дебет 29802 – “Товар-моддий қиматликлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар”</i>	416 666,67
<i>Кредит 45901 – “Банк асосий воситаларининг ижарасидан олинган даромадлар”</i>	

Банк асосий воситаларни ижарага берган тўлов ҳисобидан олган даромадидан ҚҚСни тўлагани каби, асосий воситалар ёки кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотишдан олинган даромадлар ҳисобидан ҳам юқорида келтирилган тартибда ҚҚС ҳисобланади ва тегишли бухгалтерия ёзувлари асосида тўловлар амалга оширилади.

Ҳисобот оyi ёпилгач, жами қўшилган қиймат солиғи тўлашга асос бўлувчи даромадлар суммасини қўшиб, 20% ҚҚС тўловини амалга оширамиз. Давлат солиқ инспекциясига тўланган ҚҚС бўйича ҳисобот топширилади.

Солиқ солиш манбасидан тўланадиган солиқ (ССМТС) 10 фоизни ташкил этади. Тижорат банклари фаолияти давомида мижозларидан оладиган даромади солиқ солиш манбасидан тўланадиган солиқ ҳисобланади. Банклар ижарага олинган асосий воситаларга тўлайдиган тўловлари (харажатлар), шунингдек, бошқа банклардан олган депозит маблағлари бўйича қиладиган фоиз тўловлари (харажатлари) ҳисобидан 10 фоиз миқдорида ушбу солиқларни тўлайди.

Масалан банк шартнома асосида мижознинг биносида мини банк очди. Шартномага кўра ойлик ижара тўлови 500 минг сўмни ташкил этади ва тўлов ойнаинг 5 санасига қадар тўлаб берилади. Банк ижара тўловини тўлаб беришдан олдин ССМТСни аниқлайди. Ушбу сумма 50 минг сўм бўлиб, у қуйидагича ҳисобланади $50\,000,00 = (500\,000,0 \times 0,10)$ ва бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади.

а). Мижозга ижара тўлови суммасидан ССМТС (500000,0-50000,0) чегириб ташланди ва вужудга келган сумма ижара харажати сифатида мижозга тўлаб берилди.

Дебет 19925 – “Олдиндан тўланган харажатлар”

Кредит 20206 – “Жисмоний шахснинг муддатсиз депозит 450 000,0 ҳисобварағи”

б). Давлат бюджетига тўлаш учун ҳисобланган ССМТС суммаси транзит ҳисобварағига кирим қилинди:

Дебет 19925 – “Олдиндан тўланган харажатлар” 50 000,0
Кредит 22506 – “Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар”

в). Ҳисобланган ССМТС суммаси давлат бюджетига тўлаб берилди:

Дебет 22506 – “Тўлаш учун ушлаб қолинган солиқлар” 50 000,0
Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”

г). Банк томонидан ижара тўлови учун тўланган харажатлар, солиқ суммаси билан биргаликда тегишли харажатлар ҳисобварағига олиб борилди:

Дебет 56202 – “Ижара тўлови” 500 000,0
Кредит 19925 – “Олдиндан тўланган харажатлар”

Банклар бошқа банклардан жалб қилган муддатли депозитлари ёки кредитлари бўйича тўланадиган харажатлар бўйича ҳам худди шу тартибда ССМТС суммасини аниқлайди ва бухгалтерия ёзувларини амалга оширади. Фақат харажатлар депозитлар бўйича фоизли харажатлар ҳисобланган 50600 ёки 51100 ҳисобварақларида, кредитлар бўйича 53100 ёки 54100 ҳисобварақларида акс эттирилади.

Тижорат банклари ушбу солиқлар бўйича давлат солиқ инспекцияларига ҳар чоракда ҳисобот беради.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи. Банклар ходимларнинг иш ҳақи, мукофот ва бошқа кўринишдаги даромадларидан шкала асосида даромад солиғи тўлайдилар. Ходимларнинг иш ҳақи бўйича энг кам иш ҳақининг 5 баробаригача 8%, 5 баробардан 10 баробаригача 16%, 10 баробардан ошган қисмидан 22% ҳисобида ҳисобланиб ҳар ойда давлат бюджетининг тегишли ҳисобварақларига ўтказиб беради.

Солиқ солинадиган даромадлар гуруҳлари бўйича солиқ солиш шкаласи йил бошига белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб

аниқланади ва энг кам иш ҳақи миқдорининг йил давомида ўзгаришига қарамасдан қайта кўриб чиқилмайди. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун билан ҳисобга олинади.

Тижорат банклари ягона ижтимоий тўловни, яъни, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси (ПЖ), Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия (ФШЖБП) ҳисобварақларига ўтказиладиган тўловлар, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгашига (КУФК) тўловларни амалга оширади.

Банк ходимлари иш ҳақидан даромад солиғи ва бошқа ажратмаларни амалга ошириш тартибини қуйида кўриб чиқамиз.

Ф.И.О.	Ҳисобланган иш ҳақи	Мукофот	Жами	Даромад солиғи, 22%	ПЖ, 6%	ФШЖБП, 1%	КУФК, 1%	Тўлов
Алимов А.А.	1000000,0	500000,0	1500000	330000,0	90000,0	15000,0	15000,0	1065000,0

Юқоридаги ҳисоб-китоблардан кўриниб турибдики, А.А.Алимовга ҳисобланган иш ҳақи ва мукофот пулидан жами 435,0 минг сўм тўловлар ва нақд пулда берилиши лозим бўлгани 1065,0 минг сўмни ташкил этди. Бунга қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

<i>Дебет 56102 – “Иш ҳақи”</i>	<i>1500000,0</i>
<i>Кредит 29803 – “Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар”</i>	<i>1065000,0</i>
<i>Кредит 22506 – “Тўлаш учун ушлаб қолинган маблағлар”</i>	<i>330000,0</i>
<i>Кредит 22510 – “Нафақа фонди (пенсия) билан ҳисоб-китоблар”</i>	<i>90000,0</i>
<i>Кредит 22512 – “Бандлик ва бошқа фондлар билан ҳисоб-китоблар” (1 фоиз касаба уюшмаси)</i>	<i>15000,0</i>

Ягона ижтимоий тўлов ставкаси 25 фоиздан иборат бўлиб, у бўйича $375\ 000,0 = (1\ 500\ 000,0 \times 25,0 / 100)$ сўм ҳисобланди ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилди.

<i>Дебет 56114 – “Ижтимоий сугурта бўйича бадаллар”</i>	
<i>Кредит 22510 – “Нафақа фонди (пенсия) билан ҳисоб-китоблар”</i>	<i>375000,0</i>

Банк ходимининг иш ҳақи бўйича ҳисобланган солиқ тўловлари ва ягона ижтимоий тўлов суммалари белгиланган тартибда тўланди ва улар бўйича қуйидаги бухгалтерия ёзувлари берилди.

а). Банк ходимига иш ҳақи тўланди.

<i>Дебет 29803 – “Банк ходимлари билан ҳисоб-китоблардаги тўланиши лозим бўлган маблағлар”</i>	<i>1065000,0</i>
<i>Кредит 10101 – “Айланма кассадаги нақд пуллар”</i>	<i>532500,0</i>
<i>Кредит 29896 – “Бошқа мажбуриятлар” (пластик картага)</i>	<i>532500,0</i>

б). Банк ходимининг иш ҳақидан ҳисобланган даромад солиғи ва ФШЖБП тўлаб берилди.

<i>Дебет 22506 – “Тўлаш учун ушлаб қолинган маблағлар”</i>	<i>330000,0</i>
<i>Кредит 23402 – “Республика бюджетининг маблағлари”</i>	<i>315000,0</i>
<i>Кредит 22628 – “Фуқароларнинг шахсий жамғарма пенсия ҳисобварағидаги маблағлар”</i>	<i>15000,0</i>

в). Иш ҳақи ҳисобидан пенсия фондига (6%) ҳисобланган сумма ва ягона ижтимоий тўлов суммаси тўлаб берилди.

<i>Дебет 22510 – “Нафақа фонди билан ҳисоб-китоблар”</i>	<i>90000,0</i>
<i>Дебет 22510 – “Нафақа фонди билан ҳисоб-китоблар”</i>	<i>375000,0</i>
<i>Кредит 20205 – “Бюджетдан ташқарри фондларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”</i>	<i>465000,0</i>

г). Бандлик ва бошқа фондлар билан ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган сумма тўлаб берилди.

<i>Дебет 22512 – “Бандлик ва бошқа фондлар билан ҳисоб-китоблар” (1 фоиз касаба уюшмаси)</i>	<i>15000,0</i>
<i>Кредит 20296 – “Бошқа ташкилотларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”</i>	<i>15000,0</i>

Тижорат банклари ушбу солиқлар бўйича давлат солиқ инспекцияларига ҳар чоракда ҳисобот беради.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия (ФШЖБП) ҳисобварақларига ўтказиладиган тўловлар. Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан

олинадиган даромад солиғи суммаси, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан 1% миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади. ФШЖБПни тўлаш бўйича бухгалтерия ёзувини амалга ошириш тартиби юқорида келтирилган.

Банкларнинг мақсадли фондларга тўлайдиган ажратмаларнинг ҳисоби. Тижорат банклари Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратма, Бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармаси ва Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш йўл фондига ажратмалар қилади. Ушбу ажратмалар учун солиққа тортиладиган база барча даромад ҳисобварақларининг қолдиғини қўшиб, ундан “бошқа даромадлар”ни айириш йўли билан топилади.

Шунингдек, Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари 6,0 фоиз, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратма 1,6 фоиз, Бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармасига ажратма 1,4 фоиз, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратма 0,5 фоизни ташкил этади.

Масалан, банкнинг биринчи чоракда даромад солиқ базаси 500,0 млн сўмни ташкил этди, шунингдек банкнинг бошқа фоизли (44900) ва фоизсиз (45900) даромадлари 50,0 млн сўм бўлиб, ажратмалар учун солиқ базаси $450,0=(500,0-50,0)$ млн сўм бўлди ва қуйидаги миқдорда ажратмалар ҳисобланди:

Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари суммаси $27,0=(450,0 \times 6,00/100)$ млн сўм;

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратма $7,2=(450 \times 1,6/100)$ млн сўм;

Бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармасига ажратма $6,3=(450 \times 1,4/100)$ млн сўм;

Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратма $2,25=(450 \times 0,5/100)$ млн сўм. Банкнинг биринчи чоракдаги жами ажратмалар 42,75 млн сўмни ташкил этди, бунга қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

а). Ҳисобланган ажратмалар суммасига қилинган харажатлар бўйича:

<i>Дебет 56714 – “Солиқ (даромад солигидан ташқари) ва лицензиялар”</i>	42750000,0
<i>Кредит 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар”</i>	

б). Фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари (27,0 млн сўм) ва Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратма (7,2 млн сўм) тўланди:

<i>Дебет 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар”</i>	
<i>Кредит 20205 – “Бюджетдан ташқари фондларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”</i>	34 200 000,0

в). Бюджетдан ташқари Республика йўл жамғармасига ажратма (6,3 млн сўм) тўланди:

<i>Дебет 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар”</i>	
<i>Кредит 20207 – “Республика йўл ташқари фондларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”</i>	6 300 000,0

г). Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига ажратма (2,25 млн сўм) тўланди:

<i>Дебет 22504 – “Ҳисобланган бошқа солиқлар”</i>	
<i>Кредит 20205 – “Бюджетдан ташқари фондларнинг талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлари”</i>	2 250 000,0

Тижорат банклари ушбу солиқлар бўйича давлат солиқ инспекцияларига ҳар чоракда ҳисобот беради.

9.7. Банк устав капиталини шаклланиши ва унинг ҳисоби

Тижорат банклари устав капиталини шакллантириш ёки унинг ҳажмини ошириш мақсадида муомалага қимматли қоғоз (акция)ларни эмиссия қилади. Банк акциялари давлат рўйхатидан ўтказилгандан ва Марказий депозитарийда ҳисобга олингандан сўнг, депозитарийнинг ҳисоботига асосан қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”
Кредит 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”

Банк акцияларини сотиб олиш учун таъсисчилар унга обуна бўлганда ва улар билан акция олди-сотди шартномаси тузилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

а) имтиёзли акциялар бўйича:

Дебет 30303 - “Имтиёзли акциялар учун обуна маблагининг тўланмаган қисми (контр-пассив)”
Кредит 30309 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капиталы – Имтиёзли”

б) оддий акциялар бўйича:

Дебет 30306 - “Оддий акциялар учун обуна маблагининг тўланмаган қисми (контр-пассив)”
Кредит 30312 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капиталы – Оддий”

Банк акциядорлари акция учун тўлов тўлиқ ёки қисман олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

*Дебет 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг
вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи;
Кредит 30303 - “Имтиёзли акциялар учун обуна маблағининг
тўланмаган қисми (контр-пассив)” ёки 30306 - “Оддий
акциялар учун обуна маблағининг тўланмаган қисми
(контр-пассив)”.*

Тўлов тўлиқ олингандан сўнг битим амалга оширилганда, акция бўйича эгаллик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

а) имтиёзли акциянинг номинал қийматига:

*Дебет 30309 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капитали –Имтиёзли”
Кредит 30315 - “Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли”;*

б) оддий акциянинг номинал қийматига:

*Дебет 30312 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Оддий”
Кредит 30318 - “Чиқарилган устав капитали – Оддий”*

в) обуна баҳоси ва номинал қиймат ўртасидаги ижобий фарқ суммасига:

*Дебет 30309 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Имтиёзли”
Дебет 30312 - “Рўйхатдан ўтказилган устав капитали – Оддий”;
Кредит 30603 - “Қўшилган капитал”*

г) бир вақтнинг ўзида акция бўйича эгаллик ҳуқуқи акциядорларга ўтказилганда, депозитарийнинг акция бўйича эгаллик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳисоботиغا асосан:

*Дебет 96314 - “Банкнинг қимматли қозғозлари бўйича контр-
ҳисобварақ”
Кредит 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қозғозлари”*

Тижорат банклари акцияларни чиқариш, уларни ташиш, сақлаш ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ харажатларни акцияларни 56795 - “Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағининг “Акцияларни чиқариш билан боғлиқ харажатлар” алоҳида шахсий ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Тижорат банклари томонидан акциялар чиқарилишидан аввал уларнинг қиймати акциядорлар томонидан тўлиқ ёки қисман тўланганда, акциялар бўйича олдиндан тўловлар, акциялар чиқарилишига қадар мажбуриятларда акс эттирилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

а) олдиндан тўлов амалга оширилганда:

Дебет 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи

Кредит 29830 - “Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар”

б) акциялар сотилганда, акция бўйича эгаллик ҳуқуқи ўтказилганлигини тасдиқловчи депозитарийнинг ҳисоботига асосан:

Дебет 29830 - “Акциялар учун обуна маблағини тўлаш бўйича депозитлар”

Кредит 30315 - “Чиқарилган устав капитали – Имтиёзли” ёки 30318 - “Чиқарилган устав капитали – Оддий” – акциянинг номинал қийматига;

Кредит 30603 - “Қўшилган капитал” – тўлов суммаси билан номинал қиймати ўртасидаги ижобий фарқ суммасига

Тижорат банклари банк акциядорларига вақти-вақти билан дивидендлар тўланишини эълон қилиб боради, эълон қилинган дивидендлар ҳисобланиши қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари орқали амалга оширилади.

Дебет 31203 - “Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)” (йиллик дивидендларни ҳисоблашда);

Дебет 31206 - “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” (оралиқ дивидендларни ҳисоблашда);

Дебет 30903 - “Умумий захира фонди” (фойда етмаганда имтиёзли акциялар бўйича);

Кредит 29822 - “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар”.

Банк кассасидан акциядорларга дивидендлар нақд пулда тўланганда, қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 29822 - “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар”

Кредит 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи

Банк акциядорлар йиғилишининг қарорига асосан ҳисобланган дивидендлар банк устав капиталини оширишга йўналтирилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет 29822 - “Тўланиши лозим бўлган дивидендлар”
Кредит 30315 - “Чиқарилган устав капиталы – Имтиёзли” ёки
30318 - “Чиқарилган устав капиталы – Оддий” –
акциянинг номинал қийматига;

Акцияларнинг номинал қийматини ошириш ҳисобига устав капиталы кўпайтирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Дебет 30603 - “Кўшилган капитал” ёки
31203 - “Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)” ёки 31206
- “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” (30603
ҳисобварағида маблағ етмаганда);
Кредит 30315 - “Чиқарилган устав капиталы – Имтиёзли” ёки
30318 - “Чиқарилган устав капиталы – Оддий”.

Тақсимланмаган фойдани капиталлаштириш ҳисобига кўшимча акциялар жойлаштирилганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади.

Дебет 31203 - “Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)”
Кредит 30315 - “Чиқарилган устав капиталы – Имтиёзли” ёки
30318 - “Чиқарилган устав капиталы – Оддий” -
акциянинг номинал қийматига.
Кредит 30603 - “Кўшилган капитал” – номинал қийматидан
юқори

Тижорат банклари ўз акцияларини бекор қилиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари” ҳисобварағига 1 сўм шартли баҳода қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали кирим қилинади.

Дебет 90329 - “Банкнинг ҳужжатсиз қимматли қоғозлари”
Кредит 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-
ҳисобварақ”

Тижорат банклари ўз акцияларини кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олса, у ҳолда акциялар 90337 - “Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари” ҳисобварағига номинал қийматида қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади.

Дебет 90337 - “Банкнинг сотиб олинган қимматли қоғозлари”;
Кредит 96314 - “Банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”.

Тижорат банклари сотиб олинган акцияларини кейинчалик иккиламчи бозорда қайта сотганда, қуйидаги бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

а) сотиб олиш баҳосига нисбатан қиммат баҳода сотилганда:

Дебет 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи – акцияни сотиш қийматига
Кредит 30321 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Имтиёзли (контр-пассив)” ёки 30324 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари – Оддий (контр-пассив)” – акцияни сотиб олиш қийматига
Кредит 30603 - “Қўшилган капитал” баланс ҳисобварағининг “Қайта сотиб олинган ўз акциялари бўйича қўшилган капитал” шахсий ҳисобварағи – қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги ижобий фарқ суммасига;

б) сотиб олиш баҳосига нисбатан арзон баҳода сотилганда:

Дебет 10101 - “Айланма кассадаги нақд пуллар” ёки банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи – акцияни сотиш қийматига
Дебет 30603 - “Қўшилган капитал” – акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ суммасига, кредит қолдиги доирасида
Кредит 30321 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Имтиёзли (контр-пассив)” ёки 30324 - “Акциядорлардан қайта сотиб олинган ўз акциялари - Оддий (контр-пассив)” – акцияни сотиб олиш қийматига.

30603 - “Қўшилган капитал” ҳисобварағининг “Ўз акцияларини сотиб олишдан олинган қўшилган капитал” алоҳида шахсий ҳисобварағининг

қолдиғи нолга тенг бўлса, акцияни қайта сотиш ва сотиб олиш ўртасидаги салбий фарқ 31206 - “Соф фойда (зарар) (актив-пассив)” баланс ҳисобварағига ўтказилади.

в) бир вақтнинг ўзида қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дебет 96314 - “Банкнинг қимматли қозғозлари бўйича контр-ҳисобварақ”

Кредит 90337 - “Банкнинг сотиб олинган қимматли қозғозлари”

Тижорат банклари устав капитали миқдорини ошириш билан боғлиқ операциялари пассив операциялар ҳисобланиб Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

9-боб бўйича назорат саволлари

- Асосий воситалар таркибига қандай жиҳазлар киради?
- Банкларнинг асосий воситалари қандай манбалар ҳисобидан шаклланади?
- Банкларнинг асосий воситалари баланснинг қайси томонида ва қандай ҳисобварақларида акс эттирилади?
- Банкларда асосий жиҳозларни сотиб олиш учун олдиндан тўлов амалга оширилди. Бухгалтерия ёзувини амалга оширинг?
- Банкнинг қурлиши давом этаётган харажатлар қандай бухгалтерия ҳисобварақларида юритилади. Бухгалтерия ёзувини амалга оширинг?
- Банк асосий воситаларини қайта баҳолаш усуллари. Уларга мисоллар келтиринг?
- Банк асосий воситаларини ҳисобдан чиқариш тартиби. Бухгалтерия ёзувини амалга оширинг?
- Банк асосий воситаларини инвентаризация қилиш тартиби. Инвентаризация натижаси бўйича камомад ва ортиқчаликка бухгалтерия ёзувини беринг?

- Банкларнинг кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлари таркибига нималар киради?

- Банкларнинг кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотиб олди. Бухгалтерия ёзувини амалга оширинг?

- Банкларнинг кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни омборга қабул қилди ва фойдаланишга чиқарди. Бухгалтерия ёзувларини амалга оширинг?

- Банкларнинг кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлари балансдан чиқарилди. Бухгалтерия ёзувларини амалга оширинг?

- Банкларнинг кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларини инвентаризация қилиш тартиби. Инвентаризация натижаси бўйича камомад ва ортиқчаликка бухгалтерия ёзувини беринг?

- Банкларнинг номоддий активларини моҳияти ва уларнинг ҳисоби.

- Банк номоддий активларни сотиб олди. Улар учун олдиндан тўлов ва балансга кирим қилинган бўйича бухгалтерия ёзувини амалга оширинг?

- Банкнинг фоизли ва фоизсиз даромад манбалари ва уларнинг ҳисоби?

- Банкнинг фоизли ва фоизсиз харажат моддалари ва уларнинг ҳисоби?

- Банк фойдасини шакллантириш тартиби ва унинг ҳисоби.

- Банк фойдасини солиққа тортиш тартиби ва унинг ҳисоби.

- Банк капиталини ошириш бўйича амалга оширилган операциялар ва уларнинг ҳисоби.

10 – БОБ

БАНКЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ

10.1. Бухгалтерия ҳисоботлари, уларнинг таркиби ва шакллари

Банкларда бухгалтерия ҳисоботларини тузишда асосий эътибор уларнинг ишончлилиги ҳамда банкнинг молиявий ва операцион фаолиятини тўлиқ акс эттириши муҳим аҳамият касб этади. Банкларнинг ҳисоботлари уларнинг инвесторлари, акциядорлари, мижозларига ҳамда ундан фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиши ва улар учун қарор қабул қилишда зарур бўладиган барча маълумотларни бериш имкониятига эга бўлиши лозим. Банкларда тайёрланаётган ҳисоботлар бошқарув қарорларни қабул қилиш учун шакллантирилиб, улар миқдорий жиҳатдан тўлиқ, аниқ ва сифатли маълумотлар асосида тузилиши лозим.

Ўзбекистонда тижорат банклари ҳисоботларни шакли, таркиби ва тайёрлаш билан боғлиқ методологик масалалар Марказий банк томонидан жорий этилади. Банклар ўз молиявий ҳисоботларини Марказий банк белгилagan шакл ва муддатларда, унда кўрсатилган маълумотнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, матбуотда эълон қилади.

Банкларнинг ойлик ва чораклик жорий ҳисоботларидан иборат бўлиб, ойлик молиявий ҳисоботлар қуйидагилардан ташкил топади:

- баланс (1-шакл);
- умумлашган баланс (банк бўлимлари билан биргаликда);

- мулкый шаклидан қаътий назар банк томонидан берилган муддати ўтмаган ва муддати ўтган кредитлар суммасининг ёйилмаси;
- жалб қилинган ва йўналтирилган маблағларни ҳисобга олиб боровчи айрим балансли ҳисобварақлардаги суммаларнинг ёйилмаси;
- банк иқтисодий нормативларини ифодаловчи ҳисобварақлардаги суммаларнинг ёйилмаси;
- иқтисодий нормативлар бўйича ҳисоб-китоблар;
- корреспондентлик ҳисобварақдаги суммаларнинг ёйилмаси;
- банкнинг бошқа балансли ҳисобварақлардаги суммалари ёйилмаси.

Банкларнинг ойлик ҳисоботлари Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларига ва солиқ органларига тақдим этилади.

Бундан ташқари чет эл вадюталарида операциялар бажарувчи тижорат банклари Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларига резидент ва норезидентларнинг эркин алмашадиган ва бошқа хорижий валюталардаги операциялари ва қолдиқ суммалари ҳақида ҳисобот топширади.

Резидент ва норезидентларнинг хорижий валюталар билан боғлиқ операциялари ва уларнинг валюта ҳисобварақлари бўйича қолдиқ суммалари ҳақидаги ҳисоботлар сир сақланади. Марказий банк ушбу ҳисоботлар асосида валюта сиёсатини ишлаб чиқишда ва мамлакат тўлов балансини тайёрлашда фойдаланади.

Хорижий валюталар билан операциялар бажарувчи тижорат банклари ушбу ҳисоботдан ташқари Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаларига очиқ валюта позициясини ҳолати ҳақидаги ҳисобот ва нақд чет эл валюталари ҳамда тўлов ҳужжатлари ҳаракати тўғрисида ҳам ҳисоботларни топширади.

Тижорат банклари чорак якунида қуйидаги ҳисобот шакллари тузади.

- 1). Баланс бўйича сўмда ва хорижий валюталарда айланма ведомостлар.
- 2). Бош банк ва филиалларининг баланслари бўйича айланма ведомость.
- 3). Фойда ва зарарлар ҳақида ҳисобот.

4). Бошқа ҳисобот шакллари.

Тижорат банклари йиллик ҳисоботлари қуйидаги шакллардан ташкил топади:

- йиллик баланс (1-шакл);
- фойда ва зарарлар ҳақида ҳисобот (2-шакл);
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;
- изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Тижорат банклари йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш учун тегишли тайёргарлик ишларини амалга оширади. Биринчи навбатда, баланс ва кўзда тутилмаган ҳисобварақлардаги пул маблағлари, қимматликлар, асосий воситалар, хўжалик моллари ва бошқа материалларни инвентаризациядан ўтказилади. Инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча пул маблағлари (айланма ва захира фондидаги нақд пуллар ва бошқа қимматликлар) ва материаллар балансга кирим қилинади, камомад суммалар эса жавобгар шахслардан ундириб олинади.

Банк балансидаги мавжуд дебитор ва кредитор маблағлар таҳлил этилиб, уларни сўндириш ва тўлаш йўллари кўради. Реал қийматга эга бўлмаган (қайтариб олиш имконияти бўлмаган муаммоли кредитлар ва дебитор қарзлар, фойдаланишга яроқсиз асосий воситалар ва бошқа хўжалик материаллари) активлар баланс ва кўзда тутилмаган ҳисобварақлардан зарарга олиб бориш орқали ёпилади.

Йиллик бухгалтерия ҳисоботи тузишдан олдин барча операциялар тугатилиб, янги йилнинг биринчи куни 1 январ ҳолатига мижозларнинг ҳисобварақлари бўйича кўчирмалар мижозларга етказилади ёки почта орқали юборилади.

Банкнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш бошқарувчи ва бош бухгалтер зиммасига юклатилади. Бош бухгалтер барча баланс ва кўзда

тутилмаган ҳисобварақларни аудит, ревизия ва бошқа далолатномалари билан солиштириб чиқади.

Тижорат банкларининг йиллик бухгалтерия ҳисоботлари **1 мартгача** Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларига ва Республика марказий банкига, солиқ органларига, таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга, давлат статистика органларига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга тақдим этилади. Тижорат банклари биринчи майгача йиллик бухгалтерия ҳисоботини тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач оммавий ахборот воситларида эълон қилишлари шарт.

10.2.Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозалари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин йирик халқаро молиявий ташкилотлар ва бозор муносабатлари асосида хўжалик юритадиган қатор мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Бу ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча тармоқлари сингари банк тизимида амалда бўлган бухгалтерия ҳисоб варақлар режаси ва молиявий ҳисоботларни зудлик билан халқаро андозаларга мослаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Хусусан, халқаро молиявий ташкилотлар, хорижий компания ва инвесторлар мамлакатимиз банклари баланси ва молиявий ҳисоботларини “ўқий олмасди” ва тегишли қарорлар қабул қилолмасди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур масалаларни ижобий ҳал этиш бўйича жуда қисқа муддатда қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги “Ўзбекистон Республикаси банк тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит ислоҳоти тўғрисида”ги 37–сонли Қарори асосида Марказий банк ва тижорат банклари учун алоҳида халқаро андозаларга асосланган бухгалтерия ҳисоб варақлар режаси ва молиявий

ҳисоботларнинг шакллари ишлаб чиқди⁷ ва МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб, 1997 йил март ойида банклараро электрон тўлов тизими билан параллел равишда амалиётга жорий этди. Ушбу бухгалтерия ҳисобварақлар режаси ва ҳисобот шакллари халқаро андозаларга мос келиши билан бирга, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 6–моддасида белгиланган қоидаларини деярли қамраб олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз банк тизимида амалда бўлган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозалари:

- давлат томонидан тегишли молия-бюджет сиёсатини амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ўртасида пул оқимлари устидан мониторинг ўтказиш ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятига эга бўлган қарорларни қабул қилишга;

- халқаро молия ташкилотлари, инвесторлар ва хорижий ҳамкорларни молиявий ахборотларга бўлган эҳтиёжини қондиришга;

- Марказий банкнинг мамлакат пул тизими, пул ўтказмалари устидан назорат қилиш, монетар сиёсатни амалга оширишга;

- тижорат банклари бошқарув кенгаши ва акциядорлари, инвесторлари ва мижозлар учун қарорлар қабул қилиш ва зарур ахборотларни олишга тўлиқ имконият беради.

Бундан ташқари банклардаги бухгалтерия ҳисоби ва электрон тўлов тизими:

- хўжалик юритувчиларга бир ва бир неча банкда ҳисобварақлар очиш;

- иқтисодиётда пул ўтказмалари бир неча дақиқаларда амалга ошириш;

- банкларда кўп валютали ва миллий валютада умумлашган кунлик баланс тузиш;

- давлат бюджетининг ягона кассасига тушадиган бюджет даромадлари ва харажатлари устидан кунлик назорат ва мониторинг қилиш;

⁷ Маълумки, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига биноан банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Марказий банк томонидан амалга оширилади.

-бошқа қатор қулайлик ва имкониятларни беради.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз Марказий банки ва тижорат банкларида тузилаётган бухгалтерия ҳисоби, баланс ва бошқа ҳисоботлар халқаро андозалар, яъни БҲҲА асосида амалга оширилади. МҲҲА эса Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжат, йўриқнома, низом ва бошқа мезонлари тарзида жорий этилган.

Бундан кўриниб турибдики, Марказий банкнинг мазкур ҳужжатларида белгиланган тартиб, талаб ва мезонлари МҲҲАдан айрим жиҳатлари билан фарқланади. Масалан, мамлакатимиз тижорат банклари регулятив капитали таркибида девальвация захираси асосий манба сифатида эътироф этилади, МҲҲА талаби бўйича девальвация захирасини банк капитали таркибига киритилади.

Банк амалиётида бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини тайёрлашда қўлланиладиган Марказий банкнинг тегишли меъёрий ҳужжатлари, йўриқномалари ва низомлари ўрнига МҲҲАни қўллаш вақт, меҳнат ва маблағ талаб этиш билан бирга, айрим мезонлар бўйича жиддий таркибий ўзгаришларни қабул қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

МҲҲАни дунёнинг қайси мамлакатлари банк амалиётида қўлланилиши ҳам муҳим ҳисобланади. Халқаро амалиётда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашнинг учта модели мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат.

Биринчи модел. Молиявий ҳисоботларни халқаро андозалари, яъни МҲҲА, европача модел сифатида эътироф этилади. Ушбу модел ҳозирги пайтда асосан Европа мамлакатларида қўлланилади, МДҲ мамлакатлари босқичма-босқич ўтиш бўйича давлат дастурлари ва қонунлар қабул қилинган, бироқ уни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ муддатлар доимий равишда орқага суриб келинмоқда, бирорта МДҲ мамлакати банк тизимида тўлиқ жорий этилмаган.

Иккинчи модел. АҚШнинг умумқабул қилинган бухгалтерия тамойиллари, ёки GAAP деб юритилади. Ҳозирги пайтда АҚШ банклари, компания ва фирмалари мазкур тамойиллар асосида молиявий ҳисоботларни тузади. АҚШ банк тизими ҳам МҲХАга ўтмаган, бироқ 2015-2016 йилларда ўтиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Асосий муаммолардан бири амалдаги ҳисоботларни (қарийб кейинги олти йилликни) ретроспектив тарзда МҲХАга ўтказиш ҳисобланади.

Учинчи модел. Буюк Британия, Австралия, Канада ва Янги Зеландияда қўлланиладиган англосаксон модели, одатда молиявий ҳисоботларнинг андозалари (МҲА) деб юритилади.

Банк амалиётида МҲХАни тўлиқ тадбиқ этиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– МҲХАнинг барчасини банк фаолиятида тўғридан–тўғри жорий этиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан, банк фаолияти ва миллий иқтисодиётнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатадиган андозаларни миллий қонунчилик базаси ва иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда босқичма-босқич жорий этиш лозим;

– МҲХАнинг тегишли шакллари банк фаолиятига босқичма–босқич жорий этиш муддатларини белгилаш ва жорий этилаётган МҲХАни иқтисодиётнинг барча тармоқларида, хусусан хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини тайёрлашда, аудит ва баҳолаш ташкилотларида амал қилишига эришиш лозим;

– банк тизимида МҲХАни ишлаб чиқувчи, жорий этувчи ва амалиётда қўллайдиган ходимларни малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш, бундан ташқари банкларнинг бошқа барча ходимлари учун қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

10-боб бўйича назорат саволлари

- Банк ҳисоботларининг шакллари.
- Банкларнинг ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлари шакллари.
- Банк ҳисоботларидан фойдаланувчилар.
- Банк ҳисоботларини топшириш муддатлари.
- Банкнинг баланс ҳисоботи ва унинг таркиби.
- Банк баланс ҳисоботининг актив томонини таркиби.
- Банк баланс ҳисоботининг пассив томонини таркиби.
- Банк бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозалари.
- Банк молиявий ҳисоботининг халқаро андозалари.
- Банк бухгалтерия ҳисобининг ва молиявий ҳисоботининг халқаро андозаларини ўзаро боғлиқлиги ва фарқлари.
- Ўзбекистон банкларида молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозаларини жорий этилишининг ҳолати ва у билан боғлиқ асосий тенденциялар.

ГЛОССАРИЙ

Авал – вексел бўйича тўланмай қолган суммани тўлаб бериш ҳақида мажбуриятни олиш.

Авизо – банклараро ҳисоб–китобларда хужжатнинг юборилганлиги тўғрисидаги огохнома.

Айланма касса – нақд пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиб олиш, уларни бошқа қимматликлардан алоҳида сақлаш ҳамда чиқим қилиш учун ташкил этилган касса;

Аккредитив – ишонч, ишончли маъносини билдиради, нақд пулсиз ҳисоб–китоб шаклларида бири.

Аккредитив - мижознинг (тўловчининг) аккредитивга аризасига кўра маблағларни олувчи фойдасига маълум муддатга депонентланади. Аккредитив қопланган ва қопланмаган турларга бўлинади. Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар чақириб олинмайдиган ёки чақириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Унинг матнида чақириб олинмайдиган белгиси мавжуд бўлмаган ҳолда, аккредитив чақириб олинмайдиган ҳисобланади.

Актив операциялар – банк маблағларини жойлаштириш билан боғлиқ операциялари бўлиб, улар рискли ва рисксиз актив операцияларга гуруҳланади. Одатда банклар рискли операциялар орқали ўз даромадларини шакллантиради.

Актив счёт – активларни ҳисобга оладиган ҳисобварақлар бўлиб, активларнинг қолдиғи ва кўпайиши ушбу ҳисобварақларнинг дебитида камайиши эса кредитида акс эттирилади.

Акцепт – тўловчининг тўлов хужжатини тўлаш учун бўйича розилиги, одатда тўловчининг сукути унинг тўловга розилигини англатади.

Амортизация (эскириш) – бу активнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида унинг амортизация қилинадиган қийматини мунтазам равишда тақсимлаш ва банк харажатлари учун ўтказиб бориш кўринишидаги эскиришнинг қийматифодаси.

Амортизацияланадиган қиймат – бу активнинг, унинг ликвидация қийматини чегириб ташлаган ҳолда, молиявий ҳисоботларда кўрсатилган бошланғич (тикланиш) қиймати суммаси.

Асосий воситалар – бу моддий активлар бўлиб, банк фаолиятида банк хизматларини кўрсатиш жараёнида, ижарага бериш учун ёки маъмурий

мақсадларда фойдаланилади ва бир йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланишга мўлжалланган.

Баланс – баланс тенглик, мувозанатлик маъносини англатади, у актив ва пассив томонлардан иборат бўлади.

Баланс қиймати – бу жамғарилган эскириш ва қийматини йўқотишдан кўриладиган жамғарилган зарарни чегириб ташлагандан кейин қолган ва ушбу сумма бўйича актив баланс ҳисоботида тан олинадиган сумма.

Банк – иқтисодиётдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини тегишли шартлар асосида жалб қилиб ушбу маблағга эҳтиёжи бўлган шахсларга муддатлилик, қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик ва мақсадлилик асосида берадиган ҳамда банк хизматларини кўрсатадиган тижорат ташкилотидир.

Банк эмитент–операцияларни бошлаб берувчи банк.

Банк амалиёт куни – банк иш кунининг бир қисми бўлиб, банкка келиб тушган барча пул ҳисоб–китоб ҳужжатларини қабул қилиш, расмийлаштиш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттириш учун ажратилган вақт.

Банк бухгалтерия аппарати – пул ҳисоб–китоб ҳужжатларини расмийлаштириш, банк операцияларини ички назоратдан ўтказиш ҳамда уларни ҳисоб регистрларида қайд этиш билан шуғулланувчи ходимлар гуруҳи.

Банк иш куни – қонун ҳужжатлари билан белгиланган кун ичида ўрнатилган иш вақти.

Банк кафолати – миждознинг илтимосига кўра тижорат банки томонидан бўнак (аванс) сифатида суммани контракт шартлари бўйича бажариш ва кафолатлаш. Банк кафолати берилишида кафолат мажбуриятининг мазмуни банкнинг ўз фармойиши билан сўзсиз тартибда қарздор ташкилотнинг ҳисобдан унинг суммасини кафолат ташкилот ҳисобидан қоплаш йўли билан ёки у ташкилотга тааллуқли бўлган пулларни ундириш йўли билан ссудани қоплаш ҳуқуқидан иборатдир.

Банк миждозлари – ваколатли банкларда миллий валютада ёки чет эл валютасида талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағига эга бўлган ва қонунчиликка мувофиқ жорий операцияларни амалга оширадиган жисмоний ёки юридик шахс ҳисобланган хўжалик субъектларидир.

Банк операциялари ички назорати – банк раҳбарияти ва барча банк ходимлари томонидан кунлик банк операцияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг қонунчиликка мослиги, самарадорлиги, юқори малакада

бажарилиши ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлаш тизими.

Банк пластик карточкаси – унинг эгасига банк ҳисобварағи бўйича операцияларни, шу жумладан ҳисобварақ орқали нақд пулсиз ҳисоб–китобларни (тўловларни) амалга ошириш ва ундан нақд пул маблағларини олиш имконини берувчи электрон тўлов воситаси.

Банк ҳисобварағи – банк ҳисобварағи шартномасини тузиш орқали банк миждоз (ҳисобварақ эгаси) ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, миждознинг ҳисобварағидаги тегишли маблағларни ўтказиш ва бериш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқларни бажариш вазифасини ўз зиммасига олиши натижасида банк ва миждоз ўртасида вужудга келадиган муносабатларни амалга ошириш воситаси.

Банклардаги оператив ҳисобот – бухгалтер ҳисобида акс этмайдиган ёки унинг бошқа қисмида акс этадиган пул, ҳисоб–китоб, кредит операциялари ва алоҳида кўрсаткичларнинг тизимдан ташқаридаги ҳисоботи.

Банкларнинг фонд операциялари – қимматбаҳо қоғозлар орқали банкларнинг операциялари. Масалан, қимматли қоғозларни, гаров сифатида ушлаб туриш; қимматли қоғозларни олди–сотдиси билан миждознинг хоҳишига кўра шуғулланиш.

Банкнинг вакиллик ҳисобварағи – бу банкка Марказий банкнинг ҳисоб–китоб марказида очилган ва банклараро электрон тўловлар ўтказишга мўлжалланган ҳисобварақдир.

Банкнотлар – банк билетлари–марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган пул белгилари. Ҳозирги кунда улар қоғоз пулларнинг асосий тури ҳисобланади.

Банкомат – миждозлар томонидан банкнинг пластик карталари орқали ўзига ўзи хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган электрон–механик қурилма.

Бенефициар банк – бу банклараро тўлов тизими орқали ташаббускор банкдан жўнатилган электрон тўлов ҳужжатини қабул қилувчи банкдир ва тўлов операциясини яқунловчи банк.

Бирламчи ҳужжат – бухгалтерия нуқтаи назаридан расмийлаштириладиган муомила ҳужжати. Одатда бирламчи ҳужжатда бухгалтерия проводкалари ёзилади. Масалан, кўп тарқалган турларидан тўлов топшириқномаси, пул чеклари, мемориал ордер, кирим ва чиқим ордерлари.

Бош китоб – ҳисобварақлар режасидаги иккинчи тартибли ҳисобварақлари қолдиқларининг ҳисобини қайд этиб борадиган бухгалтерия ҳужжати.

Бошланғич (ҳақиқий) қиймат – номоддий активларни харид қилиш ва ишлаб чиқишга қилинган ҳақиқий харажатлар, шу жумладан тўланган солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, хизматлар, шунингдек келтириш ва монтаж қилиш, ўрнатиш харажатлари ҳамда активни ундан мақсадга кўра фойдаланиш учун ишга яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар суммаси.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари – иккиёқлама ёзув усулида операциялар қайд этиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар ва тасдиқланган бланклар

Валюта – бу халқаро ҳисоб–китобларда ишлатиладиган у ёки бу мамлакат миллий пул бирлигида ифодаланган тўлов ҳужжатлари ва пул мажбуриятларидир.

Валюта қимматликлари – нақд чет эл валютаси, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ва соф куйма олтин.

Валюта ҳисоб варақаси – корхона ва бирлашмаларнинг банкда чет эл валютаси сақланадиган ҳисоб варақаси. Бу ҳисобда чет эллик миқдор ва ҳамкорлардан тушган тўловлар, кредитга, хайрияга олинган валюта воситалари тўпланади.

Вексель (нем. *wechsel* – айирбош) – муайян миқдордаги қарзни белгиланган муддатда қатъий тўлаш мажбурияти юкланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдириб расмийлаштирилган қарздорлик тилхати; қимматбаҳо қоғоз. Унинг оддий (қарздор томонидан тўлдириладиган) ва ўтказма (қарз берувчининг қарзни қачон ва кимга қайтариш ҳақидаги ёзма буйруғи) шакллари бор. Ўтказма вексель (тратта) айниқса халқаро ташқи савдода кенг тарқалган. Ўтказма вексель эгаси трассант, вексель бойича қарздор трассат деб юритилади. Векселнинг амал қилиш муддаини чўзиш вексель пролонгацияси деб аталади. У қонунга мувофиқ ёки қарздор ва қарз берувчининг ўзаро келишувига кўра расмийлаштирилади.

Вексель бўйича кафиллик – қ. Аваль.

Гудвилл (goodwill) – бу яхши репутация, "фирма баҳоси". Гудвилл банкни харид қилиш пайтида харидор томонидан унинг соф активлари (барча активлар бозор баҳоси ва барча мажбуриятлар бозор баҳоси ўртасидаги фарқ) қийматидан юқори тўланадиган сумма сифатида аниқланади. Бу банкнинг харидори банкни харид қилиш банк томонидан кўп йиллар мобайнида миқдорлар билан, қарздорлар билан ҳамда омонатчилар билан

ўрнатилган ўзаро муносабатларни харид қилишни ҳам ўз ичига олишини тушунишини билдиради.

Дастлабки бевосита харажатлар – лизинг объектини етказиб бериш, уни фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшиладиган харажатлар.

Дастлабки билвосита харажатлар – лизинг шартномасини тузиш ва лизингни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ва лизинг объекти қийматига қўшилмайдиган харажатлар.

Дастлабки назорат – Фронт–офис ёки масъул ижрочи бухгалтер томонидан операцияларни бажармасдан олдин уларнинг қонунчиликка мос эканлигини аниқлаш бўйича амалга ошириладиган назорат.

Дебет – бухгалтерия ҳисобида иккиёқлама ёзувнинг актив томони, актив ҳисобварақларда маблағнинг қолдиғи ва кўпайиши дебетда акс эттирилади.

Дебитор – қарздорлар, тўловчи шахс ёки корхона.

Девиденд – акционерларга уларнинг қўлидаги акциялар сонига мувофиқ туланадиган даромад.

Депозит – талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз қисман ёки ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси.

Дисконтлаш – келгусида аниқ бир вақтда олиниши кутилаётган пул маблағларининг жорий эквиваленти аниқлаш.

Ёрдамчи китоб – бош китоб ҳисобварақларига очиладиган шахсий ҳисобварақлар, шунингдек алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган карточка, китоб ёки журналлар.

Жамғарма депозит ҳисобварағи – бу мижозларнинг даврий бадаллари асосида шаклланиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун жамғариладиган ва шу мақсад учун йўналтириладиган ёхуд шартнома бекор қилиниши натижасида қайтариладиган маблағлар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ.

Жамғарма сертификатлари – бу банк томонидан чиқариладиган ва уни эгасига олдиндан шартлашилган вақтда белгиланган суммани олиш ҳуқуқини берувчи кимматли қоғоздир.

Жорий назорат – Бек–офис ёки назоратчи бухгалтер томонидан Фронт–офис ёки масъул ижрочи бухгалтер маъқуллаган барча банк

операцияларининг қонунчиликка мослигини аниқлаш мақсадида қайтадан амалга ошириладиган назорат. Жорий назорат пул ҳисоб–китоб ҳужжатларининг асл ва электрон нусхаларининг бир–бирига мослигини текширишни ҳам ўз ичига олади;

Индоссамент – векселни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқини берувчи орқа тарафидаги ёзув.

Инкассация хизмати – банк мижозларининг кунлик нақд пул тушумларини инкассо қилиш, банк (банк филиали)нинг қимматликларини ташиш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мурожаатларига кўра тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан уларнинг махсус юкларини ташиш билан боғлиқ бўлган хизмат;

Инкассо – банк тўловчининг розилиги олмасдан унинг ҳисобварағидаги маблағни инкассо ҳужжатида талаб қилинган шахснинг ҳисобига ўтказиб беришга ҳуқуқ берувчи ҳужжат. Одатда давлат солиқ инспекциялари инкассо топшириқномаларини муддатида тўланмаган солиқларни ундириб олиш учун юридик шахснинг ҳисобварағига хизмат кўрсатадиган банкларга тақдим этади, банкнинг мижознинг ҳисобварағидаги маблағни унинг розилигини олмасдан давлат бюджетининг тегишли даромад ҳисобварағига ўтказиб беради.

Инкассо топшириқномаси - банкка мижоз (тўловчи)нинг ҳисобварағидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги талабини англатади.

Касса операциялари – қимматликларни қабул қилиш ва мижозларга бериш, қайта санаш, саралаш, майдалаш, айирбошлаш ва ўраб–боғлаш.

Касса ҳужжатлари – қимматликларни қабул қилиш ва беришни амалга ошириш ва расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилувчи пул ҳужжатлари (кирим касса ордери, чиқим касса ордери, нақд пулларни қўйиш ҳақидаги эълон, пул чеки, илова қайдномалари, юк хатлари, тўлов қайдномалари ва бошқалар).

Кассир – омонат кассаларга нақд пул ва бошқа қимматликларни қабул қилиш ва чиқим қилиш билан шуғулланувчи ҳамда кассадаги нақд пул ва бошқа қимматликлар қолдиғини ҳисоботлар бўйича тўғрилигига масъул жавобгар ходим.

Кечки касса – иш куни тугагандан сўнг инкассация хизматидан нақд пуллар ва бошқа қимматликлар солинган халталарни қабул қилиб олувчи банк кассаси.

Кирим касса – банк амалиёт куни давомида банк мижозларидан нақд

пулларни қабул қилиб олувчи банк кассаси.

Кредит – бухгалтерия ҳисобида иккиёқлама ёзувнинг пассив томони, пассив ҳисобварақларда маблағнинг қолдиғи ва кўпайиши кредитда акс эттирилади

